

ГУЛИСТОН
4
1989



У. БОЛТАБОВ. СУМАЛАК.



ДОРБОЗ. ЛАР. В. ДУБРОВСКИЙ ФОТОСЪЮДИ.



**№4 (470) Апрель
1989**

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг нашриёти

Бош муҳаррир:

МИРМУҲСИН

Тахрир ҳайъати:

**С. АЗИМОВ,
Б. АМИНОВ,
Н. ИВРОҲИМОВ,
Э. МУҲАММАД**

(масъул котиб),

**М. МУИДИНОВ,
С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАНОВ**

(бош муҳаррир ўринбосари),
К. ЯШИН

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ўзбекистон ССР
халқ рассоми Чингиз АҲМАРОВнинг
«ШИРИН» асари.

Рассом Т. Саъдулла

Тех.ред. М. Абдуллаев Корректор М. Набиева

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-77.

Босмахонага туширилди 16.02.1989 й. Босишга рухсат этилди 5.04.1989 й. Р—01127. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Оффсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1 Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 144.000. Буюртма № 148. А—124. Баҳоси — 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

МИРРИХДА ҲАЁТ БЎЛГАНМИ?
(9-бет)



Бу сонда:

Академик
Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ:

...Суғориладиган пахта майдонларини ва пахта сотиш планини қисқартириш хоҳиш-иродамиз ифодаси эмас, балки ҳаётий заруратдир, зеро ғўза экини ҳукмронлиги республика хўжаликлари учун фоживий бўлиб, иқтисодий ва экологик жиҳатдан оғир оқибатларга олиб келади.

(3-4-5-бетлар)

Аҳмад АЛИЕВ:

«Ҳинд ихтилолчилари» асари билан Фитрат фақат драматург эмас, йирик шоир, олим, файласуф эканини ҳам кўрсатди. Образларнинг оддий сўзлари кўпинча шеърий оҳангда бўлиб, насрда назмдек жаранглаб туради, улардан ҳаммиша юракларни жизиллатадиган чуқур бир фалсафий мантиқ келиб чиқади.

(24-25-26-бетлар)

Толиб ИУЛДОШ:

*Қариллик қантак ўрик,
Неча каллакни кўрган.
Сен ҳали ёш ниҳолсан,
Улардан эшит, ўрган.*

(10-11-бетлар)



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ-
НИНГ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА РЕСПУБЛИКАДА «НАВ-
РЎЗ» БАЙРАМИНИ ТИКЛАШ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг халқ байрамлари ва маросимларини қайта тиклаш ва такомиллаштириш масалалари юзасидан республика аҳолиси-га мурожаатномаси жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотганлиги таъкидлаб ўтилди. Келаётган жуда кўп хатларда ва жавобларда белгиланаётган тадбирлар маъқулланмоқда. Яқин ўтмишда халқ турмушининг маданий ва маънавий соҳасида маъмуриятчиликка йўл қўйилганлиги, асрлар давомида таркиб топган анъаналарни ёппасига менсимаслик ва айни бир вақтда тўқиб чиқарилган тадбирларни тикиштириш республикадаги социал-маънавий муҳитга салбий таъсир қилганлиги қайд этилди. Расмиятчилик ва ҳаддан ташқари тадбирбозлик умумдават байрамларининг ғоявий мазмунини бемаънилаштириш сабабларидан бири бўлди. Меҳнаткашларнинг таклифларини таҳлил қилиш «Наврўз» энг муҳим байрамлардан бири эканлигини кўрсатди. «Наврўз» байрами регион деҳқонлари учун янги меҳнат йили бошланишини билдиради ва анъанага мувофиқ, баҳорда кун узайиб, кун ва тун бараварлашганда — 21—22 мартда нишонлаб келинган. «Наврўз»

асрлар давомида одамларда она ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга авайлаб муносабатда бўлиш ва уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган, меҳнат тарбиясида ва маънавий тарбияда муҳим роль ўйнаган. «Наврўз» байрами кунларида урушлар тўхтатилган, гина-кудурутлар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик алоқаларига интилганлар, шу муносабат билан халқнинг ана шу маросимини қайтадан тиклаш ва республикада ҳар йили 21 март кун «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш, шу кун театр-томоша, музыка-назм ва цирк санъати хилма-хил намуналарини профессионал гуруҳлар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида кенг намойиш этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. «Наврўз» байрами кунда китоблар, тасвирий санъат ва халқ санъати асарлари кўргазмасини, халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. 21 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни «Раҳм-шафқат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ойлиги», деб эълон қилиш тавсия этилди. Шу муддат ичида «Хотира кунни», «Биринчи пушта», «Биринчи экин», «Дон, майса ва сув кунни», болаларнинг «Бой-

чечак» байрамини, «Лола сайли»ни ва бошқа маросимларни ўтказиш белгиланмоқда.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига маҳаллий Советлар билан биргаликда маҳаллий тарихий-маданий анъаналарни ҳисобга олиб, меҳнат коллективлари ва истиқомат жойларидаги комитетлар билан келишиб, «Наврўз» байрами билан боғлиқ маросимларни ўтказишнинг конкрет вақтини белгилаш тавсия қилинди. Халқнинг ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган энг яхши анъаналаридан фойдаланиш, «Наврўз» байрамини нишонлашга республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар вакиллари фаол жалб этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига 21 март кун Тошкент шаҳрида катта байрам концерти ташкил этиш, республика бўйлаб «Наврўз»га бағишланган гастрол сафарлари программасини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Оммавий ахборот воситаларига республикада «Наврўз» байрамига тайёргарликнинг бориши ва унинг ўтказилишини кенг ёритиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Абдулхай НОСИРОВ

ПАРВОЗ

Гагарин,
«Кетдик...», деди,
Кўкка учди минг йиллик орзу.
Гагарин,
«Етдик...», деди,
Кўкни кучди минг йиллик орзу.
Орзу...
Орзу кўкда парвоз этарди,
Вашар эркин
 кўкка элтарди...
Кўкни тутди
 нуру ёрқинлик,
Ерда қолди ором, соқинлик.
Кўкни тутди
 туғён, ҳаяжон,
Ерда қолди
 куюн, тўполон.
Кўкни тутди,
 севинч, газаллар,

Ерда қолди соғинч, ажаллар.
Кўкни тутди
 меҳр, олқиши,
Ерда қолди
 уйи, болиши...
Гагарин,
Ер кутарди сени зор бўлиб,
Ер кутарди интизор бўлиб,
Ер кутарди номус, жон билан,
Ер кутарди тузу нон билан...
«Кетдик...»
Эрк овози эди
 бу овоз,
«Етдик...»
Эрк парвози эди
 бу парвоз —
Бир кунлик эмас,
Бир ойлик эмас,
Бир йиллик эмас —
Мангулик парвоз!
Мангулик парвоз!

ОНА ҚАБРИ ЕНИДА

Она, қошнингизга яна тонг пайти
Келдим,
 кўзларимда милтираб ёшим.
Титраган барглардан тўкилиб байтим,
Мармар сағанага эгилди бошим.
Кўклам чечаклари чўр, ўткир, янги,
Еллар этагига илашиб қолди.
Вужудимда ҳамон тўлғониш тунги,
Орзиқиб, зирқираб, увишар қалбим.
Пешонамда сезиб ҳамон кафтингиз,
Уйларим мавжида — қувонч, сурон, ғам...
Мени-ку кўтарган кўкка кифтингиз,
Кўксимда руҳингиз шодлаб юролсам.
Дарахтлар хаёлга чўмиб сеҳрлар,
Йўлларга сочилар бинафша, нарғиз...
Она, пойингизда баҳор шивирлар,
Қуртакка айлаиб орзуларингиз.
Тошкент

Кейинги 25—30 йил мобайнида Ўрта Осиёнинг ҳамма жойларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам сув ва ердан фойдаланишда пала-партишликлар содир бўлди. Бунинг оқибатида республиканинг табиий-иқтисодий ҳолатига путур етди. Ўрта Осиё шароитида ўта танқис бўлиб турган сув ва ҳавонинг sanoat чиқиндилари билан ифлосланиб бораётганлиги аҳоли саломатлигига ҳам зиён етказмай қолмади, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжаликларининг маҳсулдорлиги сезиларли даражада камайиб кетди. Келтирилган иқтисодий зарар миллиард-миллиард сўмларни ташкил этади, ижтимоий ва маънавий зарарини ку ҳисоби йўқ.

Ўрта Осиёдаги барча иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистон ҳам ниҳоятда қулай табиий иқлим шароитларига, юксак самардорлик имкониятларига, айниқса, меҳнат ресурсларига эга. Сўнгги ўн беш йил мобайнида ишлаб чиқариш фондлари 3,9, энергетика қуввати 2,1, шу жумладан тракторларнинг умумий қувватлари 8,2, минерал ўғитлар таъминоти 1,7 баравар ўсди. Суғориладиган майдонлар эса, кейинги икки беш йиллик оралиғида 900 минг гектаргача кенгайиб кетди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлар замонавий фан ютуқларига таянган ҳолда олиб борилса, ҳар гектар пахта хомашёси — 45—50 центнер, беда пичани — 250—270, силосбоп маккажўхори — 700—800, маккажўхори дони — 80—100, сабзавот ва полиз экинлари — 600—800, узум — 250—280 центнер, кузги бошоқли экинлар ва маккажўхори такроран экилганида эса, суғориладиган ҳар бир гектар ердан 130—140 центнердан дон ҳосили етиштириш мум-

ЗАМОНАВИЙ
ЎЗБОК
ЎЗБОК



Академик Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ

ЕР, ПАХТА, ТАҚДИР

кин. Чорвачилик маҳсулотларидан эса, суғориладиган 100 гектар ер ҳисобига 130—140 центнердан гўшт, 800—850 центнердан сут етиштириш имкониятлари мавжуд.

Буларнинг барчаси Ўрта Осиёда суғориладиган ер майдонлари қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги имкониятлари бекиёс ва чексиз эканлигидан далолат беради. Юқорида баён қилинган кузатишлар шу нарсани кўрсатадики, Ўзбекистон 20—30 миллион кишинигина эмас, балки ундан бир неча баравар кўп аҳолини бемалол тўйдириб-кийдириши, бундан ташқари, умумиттифоқ фондига ҳам самарали ҳисса қўшиши мумкин.

Бироқ ана шу имкониятлардан фойдаланиш ниҳоят даражада қониқарсиз. Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар самарасиз, бу ерда ғўза ҳукмронлигига, ўйламай-нетмай ерларни кенгайтиришга хурж қўйилган, меҳнат унумдорлиги ҳамда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етказиш бўйича даромад ва истеъмол даражаси йилдан йилга пасайиб бормоқда ёхуд бир жойда депсиниб қолмоқда. Миллий даромад аҳоли жон бошига республикада атиги тўрт минг сўмни ташкил этади, ҳолбуки, мамлакат бўйича бу борадаги ўртача кўрсаткич саккиз минг сўмга тенг. Барча жиҳатлари устун бўлган ўлкамиз аҳолиси эса бутун мамлакат аҳолисига нисбатан

гўшт, сут, сабзавот, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 2—2,5 баравар кам истеъмол қилапти. Расмий маълумотларга кўра, республикамиз қишлоқ хўжалиги аҳолиси йилига киши бошига 8 килодан ёки РСФСР аҳолисига нисбатан 8 баравар кам гўшт истеъмол қилапти.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари пахта хомашёси ва беда пичанидан икки баравар, силосбоп маккажўхори ёки жўхоридан 4—5, уларнинг донидан 2,5, сабзавот ва полиз экинларидан 3—4, мевадан 5 баравар, узум, гўшт, сут етиштиришдан 4 баравар кам ҳосил етиштирмоқдалар. Ҳолбуки, бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизда йилига уч марта сабзавот ҳосили етиштирса бўлади. Республика хўжаликларининг учдан бири зарарига ишлапти, 40 фоизининг рентабеллиги 15 фоиздан ошмайди. Кўплаб колхозчи ва совхоз ишчиларининг оилалари қашшоқликда яшамоқдалар. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар киши бошига маҳсулот даражасида икки баравар, АҚШга қиёсан эса, ўн баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарилапти.

Айниқса, республикамизнинг асосий соҳаси бўлган пахтачилик аҳоли чинакамига жиддий ташвиш уйғотмоқда. Пахта ҳосилдорлиги паст. Республика 1988 йили кўп йиллардан буён биринчи марта пахта сотиш планини бажаришга муваффақ бўлди, ҳосилдорлик гектар бошига 26 центнерга етди, бу — аввалги йил-

дагига нисбатан 3 центнер ортиқ, 1980 йилга нисбатан эса 3,5 центнер камдир, давлат омборларига 5 миллион 360 минг тонна пахта хомашёси етказиб берилди.

Агросаноат комплексининг бошқа тармоқларида ҳеч қандай ўзгаришлар содир бўлмади. Озиқ-овқат Программасини бажариш ва аҳолини муҳим истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари ҳамон ташвишли даражада. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорининг ўсиши сўнгги икки йилда республика аҳолисининг табиий ўсиш суръатини зўр-базўр қопламоқда. Кўриниб туриптики, республика меҳнаткашларининг моддий аҳоли яхшиланаётгани йўқ.

Буларнинг барчаси республикамиз иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда оғир аҳволда эканини, экологик жиҳатдан эса, Иттифоқда аянчли ўринлардан бирини эгаллаб турганлигини кўрсатади.

Табиий суратда, бундай аҳволдан чиқишнинг чора-тадбири борми, деган савол туғилади.

Ҳа, бор. Бунинг учун энг аввало республика қишлоқ хўжалигини илмий асосга кўчириш лозим. Колхозлар ва совхозларимиз, шу пайтгача бўлганидек, бир томонлама ривожлантирилмасдан, уларнинг ҳар томонлама равақ топишини таъминламоқ керак. Қишлоқ хўжалик экинлари хилини қанча кўпайтирсак, ернинг табиий тузилишини асраб қолсак, улар-

нинг ҳосилдорлигига, ўсимлик дунёси ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг туб самарадорлигига эришган бўламиз. Хўжаликларнинг майдонларида бир хил экинни сурункали экaverишга зўр бериш жуда зарарлидир. Бундай ихтисослаштириш, эртами-кечми, тупроқни толиқтиради, кучини олади, турли зараркундаларнинг пайдо бўлишига, юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига, бегона ўтларнинг кўпайишига ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлади, пировардида эса, ихтисослаштирилган экиннинг ўзига қирон келади. Қишлоқ хўжалигида бир хил экин экишга хурж қўйган кўплаб мамлакатларнинг аччиқ сабоқлари бизга ибрат бўлмоғи лозим. Энг кўнгилсиз ҳодисалардан бири айнан бизнинг шароитимизда рўй бераётганлигидан кўз юмолмаймиз. Юқумли вилт касаллиги, қишлоқ хўжалиги зараркундалари, такрорий шўрланиш, ернинг ботқоққа айланиши, ҳосилдорликнинг камайиб кетиши йилдан-йилга кучаймоқда.

Шунинг учун ҳам деҳқончиликда ихтисослашиш меъёрида бўлиши керак. Ана шу муносабат билан соҳа структурасини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳар бир хўжаликда унинг мувозанатини сақлаш зарур. Бу — қишлоқ хўжалигини илмий асосда юксак маданият билан юриштиришнинг қонуний талабига айлантирилмоғи шарт. Ғўзани асосий экин сифатида мақсадга мувофиқ деб билишдан ташқари, чорвачилик, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик кенг суратда ривожлантирилмоғи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, маданий-маиший хизмат соҳаларига эътиборни кучайтириш лозим.

Республикамызда ғўза ва шоли экинларининг ҳукмрон мавқега эгаллиги хўжаликларни айнитди, жамоат ва шахсий чорвачилик равнақига тўсқинлик қилиб қолди. Натижада суғориладиган 100 гектар ер майдонида 41 бош қорамол, шу жумладан 11 та сигир тўғри келади, холос. Хўжаликларнинг 37 фоизда сугир, 50 фоизда қўй зоти йўқ. Умуман олганда, республикамызда аҳоли жон бошига 20,7 килограмм гўшт, 132 литр сут тайёрланади, бу борада мамлакатдаги ўртача рақам муқобил равишда 64 ва 341 ни ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш шароитида ишлаб чиқаришни бошқарадиган бош ўзак бозор ва маҳсулот конъюктурасидир. Бу — ҳар қандай йўл билан маҳсулот ишлаб чиқариш «принципи»ни инкор этади ва маълум экин ҳукмронлигига чек қўяди. Бу, ўз навбатида, экин майдонлари структурасини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ҳамма соҳалар бўйича равнақ топаётган айрим илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пахтачилик хўжаликлариде ғўза экинларига эллик фоиз ер ажратишнинг ўзи кифоядир. Ана шу асосда, биз, беда ва бошқа озуқа экинларига 30—35, уруғли дон экинларига (маккажўхори, шоли...)га 6 фоиз, сабзавот, полиз, боғ ва узум учун 8 фоиз ўрмон ихоталари ва тутзорлар учун 6 фоиз ер ажратиш маъқул, деб ҳисоблаймиз. Бу структурани табақалаштирилган ҳолда амалга ошириш зарур. Масалан, тупроқнинг мелиоратив ҳолати кўнгилдагидай бўлмаган хўжаликларда умумий ернинг 40—45 фоизини, шўрланмаган ҳосилдор ерларда эса 55—60 фоизини пахта учун ажратиш мумкин.

* * *

Ғўзадан холи бўлган майдонларда бутунлай алмашлаб экишни жорий этиш ва ернинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш лозим. Шунда биз республика аҳолисини чорва маҳсулотларининг асосий турлари ва мевасабзавот билан асосан таъминлаймиз. Бундан кейинги пахтачилик ривожига фақат ҳосилдорликни ўстириш ҳисобига бўлмоғи керак. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш ва ерга ишлов беришнинг интенси夫 технология-

сини жорий этиш билан деҳқончиликнинг янги системасини ўзлаштириш туфайли, шунингдек, бўшаган моддий-техника ресурсларининг бир қисмини бошқа соҳаларга жалб этиш ҳамда ижара пудратига ўтиш туфайли 1,4—1,5 миллион гектар суғориладиган майдонларда пахта ҳосилдорлигини ўртача гектар бошига 35 центнерга етказиш ёки 1995—97 йилларда 5,2—5,3 миллион тонна пахта етиштириш имконияти юзага чиқади.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида ва республикамызнинг иқлим шароитларига кўра, пахта етиштириш бизнинг бурчимиз эканлигини яхши англамоғимиз керак. Пахтачилик авлод-аждодларимизнинг бизга қолдирган мероси бўлиб, деҳқонларимизнинг меҳр қўйган соҳаси ва ҳунаридир. Пахта ишлаб чиқаришни ўстира бориш ва мамлакатни мазкур хомашё билан таъминлаш — республика экономикасининг асосий манбаидир. Ҳамонки, биз пахта етиштириш билан машғул эканмиз, республикамыз аҳолисининг дон маҳсулотларига ва қисман чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи иттифоқ фонди ҳисобидан таъминланмоғи керак.

Суғориладиган пахта майдонларини ва пахта сотиш планини қисқартириш хоҳиш-иродамиз ифодаси эмас, балки ҳаётий заруратдир, зеро ғўза экинни ҳукмронлиги республика хўжаликларини учун фоживий бўлиб, иқтисодий ва экологик жиҳатдан оғир оқибатларга олиб келади. Буни ҳамма жумладан СССР Давлат плани ва Давлат агросаноати ҳам яхши англади. Лекин бу катта мавқега эга бўлган ташкилотлар республикага ўз иродасини ўтказиш, зарарли одатга айланган «ўта марказлаштириш» истигадидан воз кечишга ўргана олмаётлар. Бу йил ҳам пахта сотиш юксак планлари белгиланди, демак, ғўза экинни ҳукмронлиги яна аввалгидай сақланиб қолаверади. Ҳамма кулфат шундаки, бу борада қанчалар кўп гапирмайлик, амалда ҳеч қандай иш қилинмаётди. Республикамыз раҳбарлари, энг аввало ЎзССР Министрлар Совети марказ иродасига маҳкам боғланиб қолганлар. Ахир КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Оролни асраб қолиш ҳақида 1988 йилнинг 20 сентябрида қабул қилган қарорини бажаришимиз керак-ку.

Мазкур қарорда, жумладан, қуйидаги вазифалар олға сурилган эди:

«Орол денгизи ҳавзасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тармоқлар ривожини мақбул йўлга солишни, ҳадеб пахта ва шоли етиштиравиришни тугатишни, тупроқ ҳолати ёмонлашувини бартараф этишни, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун мустақкам озуқа базасини яратишни кўзда тутувчи қатъий илмий асосга ўтказиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда ўн учинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини юриштиришнинг тупроқни муҳофаза қиладиган ва ресурсларни тежайдиган зона системалари ишлаб чиқарилсин ва жорий этилсин».

Кўриниб туриптики, қарорда ҳамма нарса аниқ-равшан баён этилган. Пахта майдонларини ва пахта сотиш планини қисқартирмасдан туриб, ғўза экинни ҳукмронлигига чек қўйиш мушкул. Истиқболда пахтачилик тармоғини самарали ривожлантириш учун ҳам ана шу вазифани амалга ошириш лозим. Эндиликда иттифоқдош республикалар планлар ва бошқа масалаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишлари керак, деб айтди ўртоқ М. С. Горбачев.

Ҳозирги пайтда республика 4,1 миллион гектар экин майдонларига эга бўлиб, шундан 3,4 миллион гектари суғориладиган ерлардир. Бундан бир миллион гектарга яқин майдон кам ҳосилли, 600—700 минг гектари эса, шағалли, заранг, тик адирлар, ўта шўрланган ва қум аралаш ерлардир. Турғунлик йилларида қандай қилиб бўлмасин шон-шарафга эришиш мақсадида бу ерларга пахта экилаверди ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Мазкур майдонлар гектарига 5—10 центнердан, нари борса, 18—20 центнердан пахта беради. Бундан ташқари, бу ерлар жуда катта сув миқдорини ва сарф-харажатларни тақозо этади ва хўжаликларга фақат зиён келтиради, холос. Мазкур ерларда бундан буён ҳам ғўза экишни давом

этиравириш — республикани ҳолдан тойдиришга, Озиқ-овқат Программасини бажариш вазифаларини тўла барбод қилишга ва Оролни қисматини янада оғирлаштиришга олиб келади.

Айтганларимизни кўплаб мисоллар билан асослаб беришимиз мумкин. Масалан, Фарғона область, Боғдод район, «Большевик» колхозининг 2-бригадаси шағалли ерларда деҳқончилик қилиб, энг қулай келган йилда 51 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 11 центнердан пахта ҳосили етиштирди, ҳолбуки, белгиланган план 21 центнер эди. Қадимдан суғорилиб келинган ерларда деҳқончилик қилинган бригада эса гектаридан 30,7 центнердан ҳосил етиштирди. Агар шағалли ер 12 марта суғорилган, 10 марта культивация қилинган бўлса, одатий ерда бу — муқобил равишда, 6 ва 5 мартани ташкил этади. Бир центнер пахта хомашёсининг таннархи шағалли жойларда план бўйича 48 сўм бўлишига қарамадан 83 сўмга тушди.

Қува районидаги собиқ Жданов номли колхоз раиси ўртоқ Юсуповнинг айтишича, деҳқончилик қилинадиган 2 минг 36 гектар ернинг 470 гектари шағалли, 320 гектари эса, соф қумлик аралаш майдонлардан иборат бўлиб, асосан пахта етиштирилади, ҳосилдорлик ниҳоятда паст, пахта таннархи жуда юқори, 15 мартагача суғоришга тўғри келади, ҳар бир суғоришда 1200—1300 кубометр сув сарфланади, 15—16 марта культивация қилинади, ҳолбуки, шу жойларда боғлар ва узумзорлар барпо қилинганида эди, бутун ёз давомида 1—2 марта суғоришнинг ўзи кифоя эди.

Мазкур районнинг Муса Шербўтаев раислик қилаётган «Коммунизм» колхозиде ҳам аҳвол шундай.

Фарғона областида ҳаммаси бўлиб 312 минг гектар майдонда деҳқончилик қилинади, бунинг 54 минг гектари шағалли ва тошлоқ, 53,3 минг гектари қумоқ ва қум аралаш, 40 минг гектари адирлардан иборат.

Аҳоли жон бошига энг кам ер майдони тўғри келадиган Андижон областида ғўза экинни ҳукмронлиги яққол кўзга ташланиб туришига қарамай адирлардан, шағалли ерлардан, барханлардан пахта учун ўн минглаб гектар майдон ўзлаштирилди. 28 минг гектар майдоннинг пахта ҳосилдорлиги гектар бошига асосан 12—20 центнердан иборат. Бу ерлардаги бир центнер пахтанинг таннархи гектарига 120(!) сўмни ташкил этади, сув сарфи эса уч мартадан зиёд. Адирларни такрор-такрор суғориш оқибатида қадимдан суғориб келинаётган майдонларда ботқоқланиш, шўрланиш ҳоллари юз берди.

Наманган областида эса, адирлар, шағалли майдонлар 54 минг гектарга яқин майдонни ташкил этади.

Сирдарё областининг Меҳнатобод районида ўта заранглашган 20,3 минг гектар майдонга чигит қадалади. Совхозлар янги ташкил топган 1976 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 7,2 центнерни ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб атиги 11 центнерга, ўтган йили эса 13 центнерга кўтарилди. Фақат етти та совхознинг ўзигина 1981—1986 йилларда пахтачиликдан давлатга 75 миллион сўм зарар келтирди, бир центнер пахта хомашёсининг таннархи район совхозларида 159 сўм 79(!) тийинга етди. Ялпи пахта ҳосили етиштириш учун ҳар қандай ноқулай ер шароитларига қарамадан, давлатга қанчалар зиён келтираётгани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бундай заранг ер майдонлари Марказий Фарғонада ҳам, Зарафшон воҳасида ҳам анчагина.

У ёки бу сабабларга кўра, асосан тупроқ ва иқлим шароитларининг ноқулайлиги Зомин, Янгйер, Муборак, Усмон Юсупов, Қўнғирот, Чимбой, Когон ва бошқа районларда қатор йиллардан буён жуда кам (гектарига 8—20 центнердан) пахта ҳосили етиштирилмоқда. Иқтисодий жиҳатдан фойдали экинларни эмас, балки ерларни ғўза экинни ҳукмига боғлаб қўйиш республикани молиявий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйди.

Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитети ер тузилиши бошқармасининг 1987 йил 1 январгача бўлган маълумотларига кўра, республикада 321,5 минг гектар ерда; жум-

ладан 238 минг гектар ўта шўрланган ерларда, капитал таъмирлаш ва мелиорация ишларини амалга оширмасдан туриб, ҳеч қандай қишлоқ хўжалиги экинлари экиб бўлмайди.

Юқорида келтирилган далиллар ғўзага ажратилган экин майдонларини камида 600 минг гектарга қисқартириш ва бу чора-тадбир билан қишлоқ хўжалигида юзага келган оғир аҳволни соғломлаштириш мумкин ва лозим, деган фикримизни тасдиқлаш учун асос бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ғўза экинларини қисқартириш билан боғлиқ тармоқ структурасини қайта кўриб чиқиш, яъни ғўза ҳукмронлигига чек қўйиш умумий даромаднинг камайишига олиб келмайdimи?

Йўқ, албатта. «Савай» совхозининг мутахассислари мураккаб оғир аҳвол юзага келгани муносабати билан тармоқ структураси ва суғориладиган майдонлар структурасини қайтадан кўриб чиқиб, алмашлаб экишда пахта ҳиссасини 40 фоизга келтирдилар, бу — хўжаликнинг умумий даромади беш йил ичида 13 миллиондан 21,5 миллион сўмга кўтарилди демак.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда эса, қисқартирилган экин майдонларига асосан сув сарфи кам талаб қиладиган экинлар экиш эвазига 4 миллиард кубометр сув иқтисод қилиб қолинади. Ана шундай майдонларда ўрик, узум, анор каби меваларнинг сифат жиҳатидан янги навларини кўпайтириш, маълум шароитларда эса, қовун ўстириш зарур. Саноат негизда уларни қуритиш, қайта ишлаш ва қадоқлашни ташкил этиш орқали республикамиз жаҳон бозорига бемалол рақобатга киришиши ва етарли миқдорда валюта даромадини таъминлаши мумкин. Бунинг учун суғориладиган ерларда алмашлаб экиш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқмоқ лозим.

Бизнинг фикримизча, пахтачилик хўжаликларида янгича алмашлаб экишни жорий этиш учун бир йил давомида мелиоратив ҳолати яхшилانган ёхуд озука экинлари билан банд бўлган майдонларда уч йил давомида беда пичани етиштирилиши, 2—3 йил пахта экилиши, сўнгра бу ерлар ғалла ёки дуккакли ғалла экинлари билан банд бўлиб, кейин яна 2—3 йил давомида чигит қадалиши керак. Хўжаликнинг табиий шароитларига қараб, у ёки бу хил экинлар ҳиссасини қамраб олган бошқача схемалар қўлланилиши мумкин. Алмашлаб экиш, схемалар ва экин турларини мақсадга мувофиқ танлаш масалалари ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам яқин муддат ичида республикамизда махсус агрономия мутахассислари кенгаши ўтказиш, бу масалаларни батафсил муҳокама қилиш ва хўжаликлар учун муқобил тавсияларни ишлаб чиқариш зарурдек туюлади. Агрономиянинг муҳим масалалари муҳокамасига бағишланган кенгашлар 60-йилларга қадар мунтазам ўтказилиб тури-

лар эди, афсуски, бу тажриба кейинчалик батамом унутиб юборилди.

Пахтачилик хўжаликларидаги майдонларнинг тахминан ярми иқумли вилт касаллиги ва бошқа касалликлар билан зарарланган, қолган ярми эса, шўрланиш, ҳаддан зиёд заҳарли кимёвий дориларни қўллаш туфайли ҳолдан тойган. Ҳозирча илм-фан ана шу иллатларга қарши курашнинг қатъий методларини ишлаб чиқа олганича йўқ. Бироқ, тупроқни ана шу балолардан батамом халос этишга қодир бўлган, синовдан ўтган халқ усули мавжуд. Бу — шולי экинидир. Гап шундаки, вилт ва бошқа зараркундаларни кўзгатувчилар кислород билан озикланадилар ва кўпаядилар, далалар узоқ муддат шолитор каби сув билан бостириб қўйилганида эса, бошқача жараёнлар содир бўлади, яъни тупроқда кислотадис яшай оладиган микроорганизмлар вужудга келади ва кўпаяди. Ана шу микроорганизмлар барча зарарли ҳашоратларни жумладан вилт кўзгатувчиларини ҳам батамом ўлдиради. Бундан ташқари, бир йил, кўпи билан икки йил давомида шולי ҳосили етиштирилиши натижасида тупроқ шўри тўла-тўқис ювилади, ҳатто пестицидларнинг юқидан ҳам халос бўлинади. Шунинг учун ҳам шולי — мелиоратив жиҳатдан самараси юксак, тозаловчи ва касалликлардан фориг этувчи экинидир. Бизнинг шароитимизда тупроқ шўрланиши ва вилт билан касалланишига қарши самаралироқ кураш учун бундан зўрроқ экин ва бундан фойдалироқ усул йўқ.

Бизнинг деҳқонларимиз қадим-қадимдан шолининг ана шу афзалликларидан устакорлик билан фойдаланиб келган эдилар, афсуски, халқ яратган усулни биз аллақачонлар унутиб юбордик. Урта Чирчиқ районидаги Охунбоев номли колхоз раиси Миразиз Рўзиматов ҳозирги пайтда ана шу тажрибадан кенг фойдаланиб, 130 гектар ерга шולי экди ва ҳар гектар ердан 75—80 центнердан ҳосил олмоқда. Сўнгги пайтларда Хоразм областида шолиторликка ихтисослашган хўжаликлар майдонининг бир қисмига пахта экилди ва бу яхши натижалар берди.

Республикамиз шароитида шолиторлардан фақат озука экинлари етиштириш учунгина эмас, ерларнинг мелиоратив ва санитария ҳолатини яхшилаш йўлида фойдаланиш зарур.

Ҳозирги пайтда республикамизда асосан Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг ихтисослашган хўжаликларида 170 минг гектар майдонга шולי экилади. Фақат уруғчиликка мўлжалланган хўжаликларнигина қолдириб, шолиторликка ихтисослашган хўжаликларни тугатиш масаласи кун тартибига кўндаланг турибди. Шולי экинларини пахтачилик ва сабзавотчилик хўжаликларида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шолиторларнинг ёппасига касалликка чалиниши ва ихтисослашган хўжаликларда йилдан-йилга ҳосилдорлик камайиб боришини бартараф этиш учун юқо-

рида биз айтган йўл энг қулайи эканини кўрсатмоқда.

Албатта, шолиторларни ариқ-зовур тармоғи яхши ишлайдиган хўжаликлардагина барпо этиш лозим.

Пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларда шолиторлар барпо этиш суғориш учун қўшимча сув талаб қилмайди, қисқаси, бу — ҳамма жиҳатдан қулайдир.

Ердан фойдаланишда пудрат системаси тобора кенгроқ ёйилмоқда, шу муносабат билан алмашлаб экишни ташкил этиш ва ўзлаштириш шарллари ҳам ўзгариб бормоқда. Эндиликда ерларни ижарага бериш ва оилавий пудратлар ташкил этилиши муносабати билан ижарачилар ва оилавий пудратчилар асосида экиндан ташқари алмашлаб экишни жорий этиб, бошқа экинлардан ҳам фойдаланишлари мумкин ва шарт. Бу — чорва молларига эга бўлиш, сабзавот-полиэ экинлари ишлаб чиқариш учун ҳам зарурдир.

Шу билан бирга ердан фойдаланишнинг пудрат системаси замирида битта хавф мавжуд, у ҳам бўлса, айрим ижарачилар иложи борича кўпроқ фойда олишга хуруж қилиб, ернинг бор шарбатини тортиб олишлари ва ҳосилдорликка зарар етказишлари мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, алмашлаб экишни тезроқ жорий этиш ва ўзлаштириш йўлида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика ҳукумати қарорлар қабул қилган ва бунга жавобгарлик белгиланган эди. Бу қарорлар рамзий бўлиб, йўл қўйилган камчиликлар учун ҳеч ким ҳеч қачон жазо олгани йўқ. Ундай ҳолатга йўл қўйилмаслиги керак.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва тупроқ ҳосилдорлигини кўтаришнинг анчагина самарали усуллари мавжуд. Бу борада айрим социалистик ва капиталистик мамлакатларнинг тажрибаси ибратли. Масалан, Австралия парламенти ер ресурслари ва тупроқни муҳофаза қилиш ҳақида қарор қабул қилган бўлиб, унга биноан бутун мамлакат бўйлаб фермерлар ва ҳукумат вакилларидан иборат район маслаҳат комитетлари тузилган. Мазкур комитетлар зиммасига тупроқ бузилишининг олдини олиш учун унинг ҳолатини ўрганиш ва тадбирлар ишлаб чиқиш вазифалари юкланган. Уз фаолияти билан ернинг табиий ҳолатига зарар етказётган фермерлар йўл қўйган камчиликларни йўқотиш учун тавсияномалар билан бирга огоҳлантириладилар. Ёзма равишда берилган ана шу огоҳлантиришга бўйсунмаганларга икки минг доллар маблағ ҳажмида жарима солинади. Бизга мос тушадиган ана шу йўсиндаги қандайдир қонун қабул қилиниши ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича етилиб қолган бу ва бошқа масалаларни республикамиз меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий манфаатларига биноан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.



ПАХТА ҲАҚИДА САВОЛ

Мен бу хатни сиз ёзувчиларга, «Гулистон» журнаliga қарата ёзаяпман. Мақсад шу — пахта майдони дарё бўйидан то тоғ этагигача ёйилиб кетди. Аммо пахтадан келади даромаднинг чўғи паст.

Жамғармада ҳемири ҳам йўқ. Эшикдан иккита одам кириб келса, қандай қилиб меҳмон қилишни ўйлаб қоламиз.

Ерларимиз заҳарланиб кетган. Кимдан ҳол сўраманг ошқозон, сариқ касалидан нолийди. Гўдакларни-ку, айтмай қўяқолай.

Боғ-чорбоғлар яратиш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Қўлдан берганга қуш тўймас. Бозорда ҳамма нарса қиммат. Кун бўйи ишлаб топган пулингга (бунинг устига колхозларда ҳаммиша ҳам ойлик маошлари ўз вақтида берилмайди) бир кило ҳам туршак, мош, анор, майиз сотиб ололмайсан. Пахтанинг иши йил 12 ой тамом бўлмайди. Ариқ қазиш, гўнг ташиш, шўр ювиш ва бошқалар. Билимсиз қолган болаларни-ку, айтмай қўяқолай. Қурилиш материалнинг нархи ошди,

ҳатто ичимликнинг нархи ошди, қани айтинглар-чи, қачон пахтанинг харид нархи оширилади! Даромади бўлмагач, одамларда ишга қизиқиш ҳам қолмади.

Қаюм САЮМОВ,
меҳнат ветерани, коммунист
Нарғай

ЭЪТИБОР БЕРИЛСА

Ўтган йили сариқ касалига чалиниб узоқ вақт даволанишимга тўғри келди. Шифокорлар парҳез сақлашимни — кўпроқ сут-қатиқ истеъмол қилишимни тайинлашди. Тўғрисиини айтганда, ўшанда улар менга сут-қатиқ ўрнига бирорта ноёб дориларни топиб истеъмол қилишимни буюрганида осонроқ бў-

ларди. Сабаб: ҳозир қишлоқларимизда сут-қатиқ дориларга ҳам топилмай қолди. Чунки жамоат чорваси кескин камайиб кетган.

Шаҳарда-ку, бир нав, дўкондан харид қилиш мумкин, қишлоқ магазинларида сут сотиш йўлга қўйилмаган. Сигир сақлай десанг, боқиш бир азоб. Ем-хашак, ўтлоқ йўқ. Чорва учун яхши ўтлоқ бўладиган адирларга ҳам, дарё бўйидаги бўлтак ерларга ҳам пахта экилган. Иложсиз қолганлар сигирларини сотиб ёки сўйиб юбордилар.

Умуман олганда, қишлоқ ҳаёти жиддий эътиборни талаб қилади. Зора келажақда болаларимиз қаймоққа нон тўғраб ейишса...

Турсунмурод НАЗАРОВ, колхозчи
Янгийўл райони

«ШАМОЛ КУНИ ГАПИРМА...»

Мен Ўзбекистон телевидениеси орқали республика партия, совет ташкилотларининг, агросаноат мутахассисларининг, етакчи олимларимизнинг илмий мунозараларига гувоҳ бўлдим. Жуда маъқул, жўяли фикрлар ўртага ташланди. Айниқса асл пахтакорларимиз Қ. Синдоров, Х. Ҳалимовлар халқимиз кўнглидаги гапни айтдилар. Ҳақиқатан ҳам турмушимиздаги ҳамма жиҳатлар пахта монокультурасига келиб тақалапти. Бу масала оқилона ҳал этилиши керак. Уйлайманки, ўша мунозарда айтилган гаплар шамол кунни гапирлмади. Чунки шамолли, тўс-тўполон кунлар орқада қолди. Эндиликда республикамиз партия ва ҳукумати халқ хўжалигини юксалтириш ишига бош-қош бўлаётганини кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Бобомурод МАҲМУДОВ
Советобод райони

ҚАДРИМИЗ НЕЧА ПУЛ?

Кейинги вақтда деҳқоннинг оғир меҳнати ҳақида кўп гапирилаяпти. Лекин амалда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Ҳамон колхозчи ва совхоз ишчиси жуда кам миқдорда маош олиб, рўзгорини зўрға тебратаётир. Мен ҳам Ленин номли совхозда оддий ишчи бўлиб ишлайман. Офтобнинг жазирамасида ғўза чопамиз, икки букилиб ягана қиламиз. Лекин оладиган маошимиз...

Утган йили бригадамиз кетмончиларининг ўртача ойлик маоши 40—45 сўми ташкил этди. Нега кам десак, қолганини мукофотларингга қўшиб, йил якунида ола-сизлар дейишди. Саккизта фарзандим бор, ҳали унисига қишга пальто, бунисига этик, ҳали бошқасига китоб керак. Болаларим бу нарсаларни, тезроқ олиб беринг, деб қисташади...

Хуллас, йил якуни ҳам бўлди. Не орзулар билан кассирнинг олдига борсам, менга 10 сўм пул чиқибди. Сабабини сўрасам, сизга кўпроқ берсак, бригадангизга белгиланган пул ошиб кетади, дейишди.

Хўш, энди инсоф билан айтингларчи, мен қаерга борай? Йил бўйи меҳнат қилиб топганим, кадр-қимматим шу бўлдимми? Ахир қачон қадоқ қўлли деҳқоннинг меҳнати юзага чиқади? Рўзгори бут бўлади?

З. ҲУСАНОВА, кўп болали она
Ғузур райони



БЕПУЛ СУТ, АРЗОН ГЎШТ ҲАҚИДА...

Гагарин районидаги дон маҳсулотлари корхонаси директори Қурбон Амиркулов дўпписини бошидан олиб, бундоқ ўйлаб қараса, корхонасидаги иш жараёни анча зарарли: оморлар чанг-тўзон... «Чанг бўлмаса, ғам бўлмаса одамларнинг умри минг йил», деган нақлни эслади. Ҳеч бўлмаса, сут-қатиқ истеъмолини йўлга қўйиш мумкин эмасми?

Қурбон ака калаванинг учини топгандай эди. Бир пайтлар минерал ўғит тарқатиш бирлашмасида ишлаганидагидек ёрдамчи хўжалик ташкил қилишни, коллектив орасида бепул сут ва арзон гўшт тақсимотини йўлга қўйишни мақсад қилди. Ушанда 80 бош қорамол сотиб олинди, ёрдамчи хўжалик ташкил этилган эди. Мана, шу вазифа яна олдида кўндаланг бўлиб турибди. Бу ерда ҳам иш жараёни саломатлик учун зарарли — шоли оқланади. Чанг ютмайлик, деб оғиз-бурунларга дока, рўмол бойлаб олиш билан иш битмайди.

Ташаббус коллективга маъқул келди. Чунки шу пайтгача ҳеч ким ишчиларнинг саломатлиги учун бу тарзда қайғурмаган эди-да. Қолаверса, гўшт, сут-қатиқ танқислиги... Кўп ўтмай 13 бош қорамол сотиб олинди. Молхоналар тайёрланди. Озуқа базаси мустаҳкамланди. Икки йил орасида Узун ва Денов чорвачилик корхоналаридан яна 50 бош қорамол сотиб олинди. Шу тариқа ёрдамчи хўжаликда ишлар юришиб кетди.

Маълумки, туёқ сонини, маҳсулдорликни ошириш учун биринчи навбатда озуқа базасини мустаҳкамлаш керак. Район маъмурияти ҳам бу соҳани ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди: «Янгиобод» совхозни территориясидаги ташландиқ жойдан 10 гектар ер ажратиб берилди. Қудуқ қазилиб, сув чиқарилди. Етарли миқдорда ем-хашак тўпланди. Коллектив манфаатини кўзлаб тўтилган тadbир доимо хайрли бўлади.

Корхона атрофида 5 гектарлик боғ яратилди. Ҳосили ҳар ҳолда ўртада. Дарахтлар орасига беда экилади, йилига шу ерининг ўзидан ҳам тўрт-беш марта озуқа ўриб олинади.

Омухта ем эса корхонанинг ўзидан чиқади. Ҳар йили ишлов берилаётган маҳсулотдан тонналаб чиқинди чиқарди. Энди ўша чиқиндилардан ҳам озуқа ўрнид фойдаланиш мумкин.

Қорамоллар витаминли силос, беда ва омухта ем билан озиқлантирилаяпти, парваришининг натижаси кўнгилдагидай бўлаяпти. Бу оз бўлса-да, корхона ишчи ва хизматчиларининг гўшт ҳамда сут-қатиқ каби озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириб турибди...

Усмонали НОРМАТОВ

РЕДАКЦИЯ ДАН

Сурхондарёлик журналхон Усмонали НОРМАТОВнинг мазкур мақоласи моҳият эътибори жиҳатидан республикамизда ҳукм сураётган озиқ-овқат муаммосига алоқадорлиги билан эътиборимизни тортди. Хўш, Гагарин районидаги дон маҳсулотлари корхонасида ташкил этилган «Ёрдамчи хўжалик» ишчилар эҳтиёжини, қисман бўлса-да, қондиришга хизмат қилаётган экан, бундай эзгу ишга имконияти бўлган бўлак жойларда ҳам шунга эришиш мумкин эмасми! Агар бундан бир неча йил муқаддам ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш ташаббуси қоғозлардагина қолиб кетмаганида республикамизнинг қарийб йигирма миллионли аҳолисининг кўни киши бошига бир йилда 28 килограмм [қишлоқ шароитида 8 (!) кг.] гўштга қараб қолмаган булармиди! Умуман, ёрдамчи хўжалик нима учун ривож олмади!

Корхоналарда ёппасига ёрдамчи хўжалик ташкил этишга киришиб, ҳатто беш-ўнта қорамол сотиб олиб, молхонанинг ҳам, озуқанинг ҳам уддасидан чиқа олмай, тилини тишлаб қўлганларнинг бу саволларга жавоби тайин:

«Ёрдамчи хўжаликнинг турган-битгани ишлаб чиқариш корхоналари учун кўтара ташвиш бўлди». Тўғри-да! Мол сақлашга жой бўлмаса, озуқа етиштириш учун гектар-гектар еринг бўлмаса, моллар колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларида ҳам амаллаб боқи-лаётган бир паллада ёрдамчи хўжаликнинг ривожланишига йўл бўлсин! Аҳвол шу даражадаки, қишлоқ аҳолиси шахсий чорвасини ҳам эплай олмай қолди. Сабаби ҳаммага маълум: республика аҳли пахта майдонлари исканжасида қолди; яйлов йўқ. Йиллар давомида асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилиб, халқ хўжалигининг чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик каби муҳим соҳалари унутилди. Натижа эса маълум.

— Маълум бўлса, нимани кутиб турибмиз!!

— Ҳамма бало мана шу «кутиб туриш»да. Эҳтимол, бир пайтлардагидек юқоридан қарорлар қабул қилинишини, буйруқлар берилишини кутаётгандирмиз!

Шу ўринда партия ва совет ташкилотларининг, етакчи мутахассисларнинг «Ўзбекистонда муносабати билан ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» масаласига бағишланган Республика илмий-ишлаб чиқариш кенгашида бу борада муҳим фикрлар ўртага ташланганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳақиқатан ҳам мамлакат иқтисодини юксалтириш вазифаси истиқболли ташаббуслар учун кенг йўл очиб берди. Энди район, колхоз ва совхозларнинг ишбилармон раҳбарлари маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, илмий асосланган режаларни ишлаб чиқишлари, юқори ташкилотларга мавжуд муаммоларни ҳал қилишга кўмак беришлари зарур. Алмашлаб экишни қатъий йўлга қўйиш, пахта етиштиришни қисқартириш ҳисобига экиндан бўшаган ерда чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчиликни ривожлантириш ҳар қачонгидан муҳимдир. Шундай йўл билангина аҳолининг гўшт, сут, картошка, пиёз, олма, ўрик каби чорва, полиз ва боғдорчилик маҳсулотларига бўлган катта эҳтиёжини қондириш мумкин.

Очиқ гап, республикамизда етиштирилаётган пахта билан боғлиқ ижтимоий масалалар долзарблигича турипти. Бу ҳақда журналхонларимиздан кўплаб мактублар олаяпмиз. Шунини қайд этиб ўтишимиз керакки, республика партия ва совет ташкилотлари, етакчи мутахассислар, кенг жамоатчилик пахта етиштириш, озиқ-овқат, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари борасида чуқур илмий-изланишлар олиб бораёпти. Шу муносабат билан таниқли олим, жамоат арбоби, академик Мирзаали Муҳаммаджоновнинг мақоласидан кўпгина саволларингизга жавоб топарсизлар деган умиддамиз.



Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхознинг қорамолчилик фермасида.
Ж. Бобораҳматов фотоси

АНЪАНА

Мамлакатимизда ҳар йили ленинча шанбалик ўтказилганда бу иш буюк ташаббус туғилган кун сифатида фахр ва ғурур билан тилга олинади. Совет жамиятининг бутун тараққиёти, унинг ўтмиши, бугуни, эртаси бундай халқ ташаббуслари нималарга қодир эканлигини кўрсатиб турибди.

В. И. Ленин бошлиқ большевиклар партияси ёш Совет республикасининг барча имкониятларини ўз вақтида ишга сола билди, ҳатто таҳликали дақиқаларда ташқи ва ички душманларнинг ёвуз ҳаракатларини бартараф этишга сафарбар эта билди.

1919 йилнинг баҳори Совет республикаси учун машаққатли, жуда ташвишли бўлди. Мамлакатда очарчилик, етишмовчилик ҳар қадамда ўзининг оғир таъсирини кўрсатар эди. Революциянинг ҳаёт-мамлатини ҳал қилувчи энг муҳим омиллардан бири — темир йўл транспорти ишдан чиққан эди. Марказий районлар аҳолисига 50 граммдан нон берилар эди, холос. Темир йўл транспортининг издан чиққанлиги сабабли мамлакатнинг турли бурчакларида мавжуд бўлган ғаллани ҳам зарур жойларга ташиб келтиришнинг имкони йўқ эди. Ҳатто 18 мартдан 10 апрелгача темир йўлларда пассажирлар ҳаракати ҳам батамом тўхтаб қолганди. Биргина Москва — Сортирочная депосида қарийб 200 та паровоз бекор турарди. Аҳвол ташвишланарли эди.

Бу қийинчиликлардан қутилиш, урушда ишчи ва деҳқонлар давлатининг ғалабасини таъминлаш темир йўл транспортини тиклаш ва йўлга қўйиш борасида зудлик билан тадбирлар кўришни тақозо этар эди. Бусиз бошқа илож ҳам йўқ эди.

Большевиклар партияси ва ёш Совет ҳукумати халққа мурожаат қилиб, уларни ана шу муҳим вазифаларни бажаришда ёрдамлашишга, ҳамма соҳаларда инқилобчасига ишлашга, ташаббуслар кўрсатишга, айниқса, темир йўл транспортини тиклашга ва изга туширишга чақирди. Мамлакатдаги вазият 3 апрелда бўлиб ўтган Москва Советининг фавқулоддаги пленумида В. И. Ленин вазиятни атрофлича таҳлил қилиб, унинг мураккаб эканлигини таъкидлади. У меҳнаткаш оммага мурожаат қилиб, мамлакатимизни қийинчиликлардан олиб чиқишга ёрдамлашишга, бутун куч ва имкониятни ғалаба учун сафарбар этишга, айниқса, темир йўл транспортини зудлик билан тиклашга ёрдам беришга даъват этди.

Пленум қатнашчиси Москва-Қозон темир йўли Сортирочная депоси партия ячейкасининг раиси

ва комиссари, Москва Совети депутати И. Е. Бураков В. И. Ленин томонидан қўйилган вазифаларни ўзининг ҳамкасб дўстларига етказди. Депо коммунистлари ўзларининг 7 апрелдаги йиғилишларида бу масалани атрофлича муҳокама қилиб, ишдан қолиб текин ишлаш, ишдан чиққан ва Шарқий фронтга жўнатилиши лозим бўлган паровозларни ремонт қилишга келишиб олдилар.

Москва-Сортирочная депоси ишчилари ташаббусининг оммавийлашувида Москва-Қозон темир йўлида 10 майда ўтказилган шанбалик муҳим роль ўйнади. Унда 205 минг коммунист ва хайрихоҳ ишчилар қатнашиб, фидокорона меҳнат қилдилар. Бир неча эски паровозлар ва юк вагонлари ремонтдан чиқарилди.

17 майда Александровский темир йўлида шанбалик ташкил қилиниб, унда 98 коммунист ва хайрихоҳ ишчилар иштирок этдилар.

Куз ойларига бориб, мамлакатнинг чекка ўлкаларида ҳам коммунистик шанбаликлар ўтказила бошланди. Туркистонда биринчи коммунистик шанбаликни 1919 йилнинг 11 октябрида Тошкентдаги «Қизил шарқчилар» (ҳозирги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи) темир йўли устахонаси ишчилари ўтказишди. 6 ноябрда Фарғона темир йўлчилари шанбалик уюштирдилар.

1920 йилнинг бошидан бошлаб коммунистик шанбаликларни ўтказиш янада кенг тус олди. Жумладан, Қўқон, Андижон, Самарқандда ҳам шанбаликлар тез-тез ташкил қилинадиган бўлди. Чунончи, ўша йилнинг 20 мартдан 4 апрелигача ўтказилган коммунистик шанбаликларда фақат Тошкент темир йўли станцияси ҳовлисининг ўзидagina 126 вагон юк туширилди. 750 саржин ўтин йиғилди.

Коммунистик шанбаликларга партия ташкилотлари жиддий эътибор бердилар. Область ва шаҳар партия комитетларида шанбаликлар бўйича бўлимлар ташкил этилди, қуйи партия ташкилотларида бу муҳим иш билан ташкилотчилар, вакиллар шуғуллана бошладилар. Шанбаликлар тобора янгича мазмун касб эта борди. Улар фронтга ёрдам, транспортларни йўлга қўйиш, санитария масалалари бўйича ҳам ўтказиладиган бўлди.

Ишчиларнинг коммунистик шанбаликларда фаол иштирок этишлари ва уларнинг бу борада эришган ютуқлари деҳқонларнинг ҳам ишчанлигини оширди. Мамлакат деҳқонлари ҳам коммунистик шанбаликлар уюштира бошладилар.

Дастлабки шундай шанбаликлардан бири Оренбург губернасининг Богословский қишлоғида ўтказилди.

Коммунистик шанбаликлар асосида мамлакатнинг кўплаб районларида меҳнатнинг янги шакллари вужудга келди. Халқ ҳашарлари, социалистик мусобақалар, ҳар хил муҳим ташаббуслар амалга оширила бошлади. Шунини таъкидлаш ўринлики, халқ ҳашарларини ўтказиш Туркистон халқлари учун қадимдан миллий анъана эди. Улар бир-бирларига ёрдам бериш учун ҳашарлар уюштирганлар, ариқлар қазиганлар, етиштирилган ҳосилни биргалашиб йиғиштирганлар.

Мамлакатимизда коммунистик шанбаликларнинг оммавийлашувида РКП(б) IX съездининг халқаро пролетариатнинг шанба кунига тўғри келадиган биринчи май байрамини Бутунроссия шанбалигига айлантириш соҳасидаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур шанбаликда пролетариатнинг доҳийси В. И. Ленин ва унинг сафдошлари М. И. Калинин, Ф. Э. Держинский, Г. И. Петровский ва бошқалар ҳам иштирок этдилар. Владимир Ильич коржомда келиб, курсантлар, Бутунроссия Марказий Комитети, Халқ Комиссарлар Совети ходимлари билан биргаликда Кремлни тозалашда тўрт соат қатнашади. Шундан сўнг у Замосковоречье ва Бауман районларида шанбалик қатнашчилари орасида, Благуше-Левортовский районида Загорский номли саройни очишда, Пресненский райони Прохоровский манифактураси ишчиларининг шанбаликка бағишланган митингга оташин нутқ сўзлайди.

В. И. Лениннинг коммунистик шанбаликларни кенг қулоч ёйдриш борасидаги кўрсатмалари асосида мамлакатимизда коммунистик шанбаликларни ўтказиш анъана бўлиб қолди. Шанбаликлар борган сари янги шакл ва мазмун касб этиб, умумхалқ ҳашарига айланди. Масалан, 1939 йили Ўзбекистон ва Тожикистон колхозчиларининг оммавий ҳашари туфайли 270 километрлик Катта Фарғона канали жуда қисқа муддат — 45 кунда қазиб ишга туширилди. Каналнинг ишга туширилиши 60 минг гектар чўлни ўзлаштириш, 500 гектар экин майдонининг сув билан таъминланишини яхшилаш имконини берди. Канал сувидан республикамизнинг 32 та пахтачилик райони ва яна 5 та шаҳари, Тожикистон ССР Ленинобод областининг 4 та райони фойдаланила бошлади.

КПСС Марказий Комитетининг

Апрель пленуми (1985), партиянинг XXVII съезди кўрсатмалари асосида инқилобий ўзгаришларга қаратилган қайта қуришга киришиш кенг демократия жараёнида коммунистик шанбаликлар янада оммавий тус олди. Буни ўтган йилнинг 16 апрелида, В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигига бағишлаб ўтказилган ленинча коммунистик шанбалик яққол кўрсатди.

Ленинча коммунистик шанбаликда барча совет кишилари фаол қатнашдилар. Бу меҳнат байрамида ҳаммаси бўлиб 157 миллиондан ортиқ киши иштирок этиб, 1,4 миллиард сўмлик sanoat маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 327 миллион сўм беш йиллик фондига ўтказилди. Республикамиз меҳнаткашлари ҳам ленинча коммунистик шанбаликда уюшқоқлик билан иштирок этдилар. Улар 45,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, 7,6 миллион сўм беш йиллик фондига ўтказилди. Шанбалик кунини ҳамма шаҳар ва қишлоқларимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалигидан жамғарилган маблағлар жамиятимизнинг муҳим эҳтиёжлари, энг аввало халқ фаровонлигини, моддий маданий турмуш даражасини ошириш учун сарфланмоқда. Ана шу маблағлар ҳисобига Бутуниттифоқ онкология клиникаси, кардиология маркази, Сибирь ва Узоқ Шарқда қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот маркази, Тошкентдаги 1-касалхонанинг янги корпусини, халқ маорифи муассасалари, болалар поликлиникалари, санаторийлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва уларнинг талабалари учун Бутуниттифоқ лагери, оналар ва болалар учун, уруш ва меҳнат ветеранлари учун санаторийлар қуришга, уларнинг шароитларини яхшилаш сингари ишларга ва зарур эҳтиёжларга сарфланмоқда.

Қайта қуришни кенг авж олдириш, демократияни янада чуқурлаштириш, ошқораликни ривожлантириш йўлини белгилаб берган КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларининг бажарилишида ҳам Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам ленинча коммунистик шанбаликлар бундан буён ҳам партия белгилаб берган йўлни амалга оширишда муҳим оммавий тадбир бўлиб хизмат қилаверади.

Нарзулла АҲМЕДОВ,
тарих фанлари кандидати

КАЙРИЛГАН КАНОТ

ЕХУД РЕПРЕССИЯ ҚУРБОНИ ИСРОИЛ ОРТИҚОВ ҲАҚИДА

И. В. Сталин ва унинг атрофидагилар вужудга келтирган оммавий репрессия йилларида кўзга кўринган минглаб партия ва давлат арбоблари, етук мутахассислар жафо чекдилар. Ҳалол, инқилоб ишига садоқатли, социализм ғалабаси учун курашган катта-кичик онгли йўлбошчилар шафқатсизлик гирдобидида ҳалок бўлдилар.

КПСС XX съезди бошлаб берган, социализм тантанаси учун ҳақиқий курашчиларнинг номларини оқлаш ва қайта тиклаш жараёни айниқса ошкоралик тусини олди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлисда М. С. Горбачев бундай деган эди: «Минг-минглаб партия аъзолари ва партиясиз кишилар оммавий тарзда репрессия қилинди. Аччиқ ҳақиқат, ўртоқлар, мана шундай. Социализм ишига ва партияга жиддий зарар етказилди. Шунинг учун ҳам биз буни ҳеч яширмай халққа айтишимиз керак. Бу нарса ленинчи социализм идеалининг узил-кесил ва қатъий қарор топиши учун зарур».

Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари (1931—1937 йиллар) Исроилжон Ортиқов ҳам ана шу йилларда кўз кўриб қулоқ эшитмаган маломатларга қолганлардан бири бўлди. Унинг номи узоқ йиллар давомида тилга олинмади.

1907 йилда Қўқон шаҳрида, камбағал ҳунарманд оиласида туғилган Исроилжон ота-онасидан эрта етим қолди. 1908 йили отаси аксил-инқилобчилар қўлида ҳалок бўлди, 1920 йили онаси вафот этди.

Исроил Ортиқов Ўзбекистон Компартияси VII съезди (1937 йил июнь) делегатларига тарқатилган анкетадаги «маълумоти» деган қаторда ўзи ҳақида шундай: «1-босқич токарликда ўқиганман, вассалом. Бошқа ҳеч қаерда, ҳеч қачон ўқимаганман. Мустақил ўқиганман. Ихтисосим йўқ, аммо доимо ўз устимда ишлаб келаман», деб ёзганди.

1923—1924 йилларда Исроил Фарғона жиноят қидирув идорасида хат-хужжат ташувчи ходим бўлиб ишлади. Унинг актив меҳнат ва комсомол фаолияти ана шу ердан бошланди. Уша пайтларда минг-минглаб комсомоллар Ўзбекистоннинг барча ёшларини ўз ортларидан эргаштириб, саноат қурилишларида, транспортда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда жонбозлик кўрсатиб ишлардилар. Қалбида янги турмушга ишонч ва муҳаббат жўш урган Исроил мамлакат ва комсомол ташкилотлари ҳаётида рўй бераётган ана шундай муҳим воқеалардан четда турмади. 1925 йилда у темир йўл транспортда дастлаб йўл бошқарувчи, кейин эса Поп — Ҳаққулобод — Қўқон темир йўл станциялари участкасида юк поездининг кичик кондуктори бўлиб ишлади ва у ерда инқилобий курашнинг оғир мактабини ҳам ўтади. Улкада Совет ҳокимиятини ўрнатишнинг ва социалистик қурилишнинг фаол қатнашчилари бўлган темир йўл ишчилари билан яқиндан танишди. Мамлакатда рўй бераётган сиёсий воқеаларни ҳар томонлама тушуниб олишга ҳаракат қилди. Узининг умумий ва сиёсий маълумотини ошириш билан шуғулланди.

Худди ана шу долғали йилларда у комсомол йўлбошчиси сифатида шаклланди. Комсомол ишининг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилди, мажлисларда қатнашди, комсомол ячейкаларини тузишга ёрдам берди, рус тилини жуда қизиқиб ўрганди. Партияга айнан шундай — инқилоб ишига содиқ, пролетар эътиқоди мустаҳкам, ўзининг бутун кучи, қобилияти-

ни социалистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга бағишлашга тайёр иқтидорли ташкилотчилар зарур эди.

1927 йил октябрда партия аъзоси Исроил Ортиқов ҳам бор эди. 1929 йили яқиндагина район комсомол комитетининг биринчи секретари этиб сайланган И. Ортиқов ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Бағдод район партия ташкилоти уни Ленинчи Коммунистик партия сафига қабул қилди. Уша йили у Қўқон эски шаҳар район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Шундан сўнг комсомол ишида чиниққан ёш коммунист Олтиариқ район комсомол комитетини бошқарди, ЎзЛКСМ Фарғона ўлка комитети бўлимида ишлади. 1930 йил августдан Қува район комсомол комитетида ёшларга сардорлик қилди.

И. Ортиқов ҳар гал қоқоқ районларда иш фаолиятини бошлар эди. Унинг иш услуби жуда ҳам халқчил бўлиб, комсомол комитетининг аъзоларини ҳамжиҳатликка ўргатар, ҳал қилинмаган масалалар қолмас эди.

1930 йил декабрда у ЎзЛКСМ Марказий Комитетига қуйидаги мазмунда рапорт йўллади: «16 комсомол ячейкасида йиғилиш ўтказилиб, уларда колхоз идораларининг раислари доклад қилдилар. 18 комсомол ячейкасида колхоз ёшларининг йиғинлари уюштирилди.

Комсомоллар 11 та колхозда камбағаллар мажлиси ўтказдилар. 1930 йил 30 ноябрга қадар район комсомоллари кучи билан 40975 пуд пахта терилди. Пахта ортилган иккита қизил карвон ташкил этилди. Биринчи карвон 345 аравадан, иккинчиси 185 аравадан иборат эди...» (ЎзКП МК ҳузуридаги МЛИ ПА, 15-фонд, 25-рўйхат, 2019-иш, 25-варақ).

ЎзЛКСМнинг 1930 йил 6—11 декабрда бўлиб ўтган V съезди комсомол тарихида муҳим босқич бўлди. Президиум И. Ортиқовга делегатларнинг нутқларини таржима қилиш вазифасини юкледи. У аввал ҳарбий-денгиз флоти вакилининг нутқини рус тилидан ўзбек тилига, кейин эса Андижон шаҳри ва Шофиркон районидан келган делегатларнинг нутқларини ўзбекчадан русчага фоят маҳорат билан таржима қилди. Съезд қарорларини ишлаб чиқиш комиссияси сафида Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар қаторида И. Ортиқов ҳам ғайрат кўрсатди. Съезд делегатлари уни бир овоздан республика комсомолининг олий ижроия органи — ЎзЛКСМ Марказий Комитетига сайладилар. 1 декабрда бўлиб ўтган I Пленум эса уни ЎзЛКСМ Марказий Комитети Бюросига аъзо ҳамда ташкилий ишлар бўлими мудури этиб тайинлади.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг II Пленумида (1931 йил 13—16 февраль) И. Ортиқовнинг ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланиши унинг ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун кураш кенг қулоқ ёйган бир даврда 23 ёшида ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретарлигига сайланган И. Ортиқов партиянинг республикада социализмнинг иқтисодий заминини бунёд этишга қаратилган сиёсатини фаол рўёбга чиқарувчилардан бирига айланди.

Социалистик қурилишнинг ленинча плани капитал қурилишнинг кенг программасини назарда тутарди. Совет Ўзбекистониди янги завод ва фабрикалар қурилиши авж олиб кетди.

Улкадаги маданий ўзгаришлар завқ-шавқи ёш қалбларни чулғаб олган эди. Бунинг ёрқин мисоли комсомолнинг республикадаги йирик қурилишлари ўз оталиғига олгани бўлди.

ЎзЛКСМнинг VI съездида (1932 йил май) сўзга чиққан И. Ортиқов комсомол ишининг услуб ва методларини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб: «Индустриянинг кенг қулоқ ёйиши Ленин комсомоли олдига раҳбарликни ташкилот, цех, группа, бригада, айрим илғорлар билан бевосита алоқада бўладиган қилиб ташкил этиш вазифасини қўймоқда», дейди (МЛИ ПА Ўзб. филиали 16-фонд, 25-рўйхат, 2282-иш, 31-варақ).

Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Чирчиқ электр кимёси комбинати, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Бухоро, Қўқонда ипакчилик ва ип йиғириш фабрикалари, Чирчиқда қатор-қатор электр станциялари қурилиши республика меҳнаткашларининг дастлабки беш йилликда эришган муҳим ғалабаси эди.

И. Ортиқов етакчилигида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг аъзолари, комсомол фаоллари, ёшлар урушгача бўлган беш йилликлар давомида республика саноатининг ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Колхозларни ташкилий-хўжалик ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишда ҳам ёш ленинчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Район комсомол комитетларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 46 ишончли вакили сафарбар этилди. Исроил Ортиқов Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Термизга вакил қилиб юборилган эди. (МЛИ ПА Ўзб. филиали, 58-фонд, 9-рўйхат, 254-иш, 22-варақ). Ортиқов комсомол ташкилотларининг ишларидаги камчиликлар ва йўл қўйилган хатоликларни тезда илғарди, зудлик билан нуқсонларни бартараф этиш чора ва тадбирларини белгилай оларди. Ўзбекистон ЛКСМ район комитетлари пленумларининг ишларида шахсан иштирок этди, уларга ташкилий жиҳатдан яқиндан кўмак берди.

Акмал Икромов Ўзбекистон комсомолининг пахтачиликни юксалтириш учун курашдаги ҳиссасига алоҳида баҳо бериб, Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартиясининг VI съездида ҳисобот докладида бундай деган эди: «Пахта учун курашда комсомол бизга каттагина ёрдам берди ва большевикчасига ишлаш намуналарини кўрсатди, социалистик мусобақа ва зарбдорлик ишларининг ташкилотчиси бўлди, бу ижобий тажрибадан фойдаланиб биз комсомолни мустаҳкамлашимиз, унинг ишлари мазмунини бундан буён ҳам яхшилаб боришимиз лозим». (Акмал Икромов. Танланган асарлар, III-т. Тошкент, 1974, 71-бет).

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва пахтачиликни юксалтиришда эришилган ютуқлар учун 1935 йилда Ўзбекистондаги энг яхши колхозчи комсомоллардан 30 киши юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Уларнинг кўплари Ленин ордени, Ҳурмат белгиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирландилар.

И. Ортиқов жонкуяр раҳбар сифатида республикада халқ маорифини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди ва бу соҳага ғамхўрлик қилди. Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети унинг ташкилотчилик қобилиятларини ҳисобга олиб 1933 йил 4 октябрда Ф. Хўжаев ва Д. Манжара билан бирликда уни умумий таълим мак-

табларининг ишларини яхшилаш комиссиясига аъзо қилиб тайинлади (МЛИ ПА Узб. филиали, 15-фонд, 25-рўйхат, 139-иш, 13-варақ). Комиссия иши партия ва комсомол ташкилотларининг ролини кучайтиришга, сабоқ бериш сифатини яхшилашга, мактабларда меҳнат тарбиясини йўлга қўйишга, интизомни мустаҳкамлашга, ўқувчилар ўртасида сиёсий-тарбияни бундан кейин ҳам такомиллаштиришга алоҳида эътибор берди. Бу ишлар ўтмиш сарқитларидан бири — вояга етмаган қизларни зўрлаб турмушга беришга қарши кураш билан бирга қўшиб олиб борилди. Комсомол ташкилотлари совет оила никоҳ қонунларини бузганларни фош қилдилар ва уларни одил суд ҳукмига топширдилар. Ёш хотин-қизлар Ўзбекистон комсомолини ўзларининг ҳомийлари деб билганликлари бежиз эмас. Улар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, И. Ортиқовга хатлар, аризалар юборар эдилар. Бу хат ва аризаларда улар ўзларининг саводли бўлиш ва билим олишларига ота-оналари тўсқинлик қилишга уринишларига йўл қўймасликни илтимос қилардилар. Ана шундай хатлардан бирида бундай дейилади:

«Ўзбекистон ёшлар Марказий Комитетига «Коммунизм» колхозидagi тўлиқсиз ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчисидан...

Ушбу хатим билан Сизларга шу нарсани маълум қилмоқчиманки, мен ҳозир 15 ёшга қадам қўйдим, ёшлигимга ва 5 синфда ўқиб турганимга қарамасдан мени эрга беришмоқчи ва ҳатто шу муносабат билан унашув тўйини ҳам ўтказишди. Менга сарпо тайёрлаб қўйишди. Мен бўлсам олдимга ўрта ва олий ўқув юртини тамомлаш, билимли бўлишни мақсад қилиб қўйганман, бундай ёшлик чоғимда эр қилиш ниятим йўқ. Бу хатни (ўз қўлим билан ёзилган бу хатни) Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг вакилига топширар эканман, бу воқеани ўртоқ Ортиқовга хабар қилардилар деган умиддаман. Яна шунга хабар қиламанки, бизнинг колхозимизда мактабда ўқиб юрган яна анча-мунча ёш қизларни эрга беришди. Менга ва менга ўхшаган қизларга тезлик билан ёрдам беришингизни ва уларнинг ўқишни давом эттиришларига, мактабга қатнашларига имкон яратишингизни илтимос қиламан». (МЛИ ПА Узб. филиали 15-фонд, 25-рўйхат, 3012-иш, 5-варақ).

И. Ортиқов Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган даврда ўзининг атоқли партия, давлат ва комсомол арбобларидан бири эканлигини амалда кўрсатди.

ЎзКП(б)нинг VI съезди моҳир ташкилотчи И. Ортиқовни Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг аъзоси, ЎзКП (б) биринчи пленуми эса бюро аъзолигига номзод этиб сайлади. Бу — юксак ишонч ўзига хос ғоят жиддий имтиҳон ҳам эди.

ЎзКП(б) Марказий Комитетининг аъзоси ва ЎзКП(б) МК бюроси аъзолигига кандидат И. Ортиқов ВКП(б) ва ЎзКП(б)нинг, комсомолнинг съездлари, Марказий Комитет пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан Тошкент, Фарғона, Самарқанд Бухоро, Андижон, Қўқон, Термиз ва бошқа шаҳарларда ўтказилган пленум ва конференцияларда ЎзКП(б) МКнинг вакили сифатида қатнашди. У ВКП(б) нинг XII съездида, Ўзбекистон КП(б)нинг VI ва VII съездларида, ЎзЛКСМнинг V, VI, VII съездларида Ўзбекистон комсомоли кўп минг сонли аъзолари номидан вакил бўлиб қатнашди. ВЛКСМ X съездида қатнашган Ўзбекистон комсомоли делегациясига бошчилик қилди. Мазкур съездда Исроил Ортиқов ВЛКСМ МК аъзоси этиб сайланди. Ёш социалистик республикани иқтисодий маданий йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшган И. Ортиқов партия, комсомол аъзолари ва меҳнаткашлар орасида обрў-эътибор қозонди. Кўзга кўринган партия ва давлат арбоблари А. Икромов, Ф. Хўжаев, И. Охунбобоевлар билан бир қаторда Ўзбекистон КП(б) нинг VI ва VII съездлари президиумига сайланди.

ЎзКП(б) МК қарорига биноан у А. Икромов, Ф. Хўжаев, И. Охунбобоев билан биргаликда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сайлов комиссияси рўйхатига киритилди. Комсомол яловбардори Исроил Ортиқов Ўзбекистонда маъмурий-территориал чегараланиш ўтказиш, сайлов округлари тузиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этди.

Ёш коммунист ҳақли равишда комсомолнинг социализм қурилиши жараёнида эришган барча муваффақиятларига ленинчи Коммунистик партия фаолиятининг самараси деб қаради. У комсомолнинг куч-қуввати партиянинг кундалик раҳбарлик ва раҳнамолик фаолиятида эканлигини очик-ойдин тушунар эди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил 17 мартдаги пленумида сўзлаган нутқида Исроил Ортиқов бундай деганди: «Партия раҳбарлиги — ишимизнинг туб асоси. Партия раҳбарлигисиз нафақат олға силжий олмаймиз, балки юксала олмаймиз ҳам» (МЛИ ПА Узб. филиали, 18-фонд, 13-рўйхат, 69-иш, 21-варақ).

Партия ва Совет давлатининг Акмал Икро-

мов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев каби машҳур арбоблари билан муттасил мулоқотда бўлиш И. Ортиқов учун ажойиб партия, совет ва комсомол мактаби бўлиб хизмат қилди. Уша даврдаги партия ҳужжатлари, газета мақолалари саҳифаларида ўз ҳаётини партия ва халқ ишига бағишлаган коммунистнинг, комсомол йўлбошчисининг ёрқин образи тасвирлаб берилган.

В. И. Ленин партия ишига содиқ кишилар ҳақида бундай деган эди: «... булар шундай кишилар бўлишлари керакки, буларнинг қуруқ сўзга ишонмасликларига, ҳеч қандай виждонсизлик қилмасликларига кафил бўлиш мумкин бўлсин — булар ҳар қандай қийинчиликлар борлигини тан олишдан кўрқмасликлари ва ўз олдларига қўйилган жиддий мақсадга эришиш йўлида олиб бориладиган ҳар қандай курашдан кўрқмасликлари лозим» (ТАТ, 45-том, 437-бет).

Ҳа, Исроил Ортиқов ўз фаолияти тимсолида Ўзбекистон меҳнаткашлари қалбида ўчмас из қолдира олди. Республика комсомолининг оташин йўлбошчиси Исроил Ортиқовнинг шиддатли, тўлақонли ҳаёти И. В. Сталин шахсига сиғиниш давридаги фожиали репрессия йилларида бевақт узилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 1937 йил 23—28 февралда бўлиб ўтган V пленумида Исроил Ортиқов «Унг-троцкийчи ва буржуа миллатчи сотқинларга йўл очиб берганлиги учун» Ўзбекистон ЛКСМнинг биринчи секретари лавозимидан ва Ўз ЛКСМ МК Бюроси аъзолигидан бўшатилади (МЛИ ПА Узб. филиали, 15-фонд, 25-рўйхат, 32-иш, 24-варақ). СССР Олий судининг яқинда матбуотда эълон қилинган материаллари ноҳақ бўҳтонга учраган ва ҳозирда оқланган партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари А. Икромов, Ф. Хўжаевлар ҳам ана шундай ноҳақ айбланганлардан эканлигини қайд этди.


Ўзбекистон комсомолининг 1937 йил 25-28 октябрда бўлиб ўтган VIII съездида Исроил Ортиқов халқ душманлари қаторига қўшилди ва тез орада ҳибсга олинди. У қамоқда, 1943 йилда ҳаётдан кўз юмди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республикада социализм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўша олган Исроил Ортиқов каби ўз фарзандлари хотирасини иззат-икром билан ёдга олардилар.

Петр КИМ,

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти партия тарихи секторининг мудир, тарих фанлари доктори

**МИРРИХДА
ҲАЁТ
БЎЛГАНМИ!**



Бу фотосурат бундан ўн йил аввал — 1979 йилда Америка ер йўлдоши «Викинг» орқали туширилган эди. Кўриниб турибдики, унда Миррихнинг юза қатлами акс эттирилган. Йўлдош ғарбликларга хос тезкорлик билан бу ноёб «маълумот»ни ерга хабар қилди. Мазкур суратда инсон юз тузилишига ўхшаш қоялар тасвири зарб этилган эди. Албатта, ғарб матбуотида бу нарсани шов-шувга сабаб бўлди. Сурат газета саҳифаларидан тушмай қолди. Ҳатто ёзувчи Вольтер Хайннинг «Биз Миррихдамиз» номли китоби ҳам шу сурат билан безатилди.

Ҳамма соҳада бўлгани каби бу ерда ҳам иккиланувчилар ва неқбинлар бор эди. Хуллас, қоялар — инсон қўли, тафаккури маҳсулидир, деган хулосага келинди. Аммо иккиланувчилар, жумладан Ғарбий Германия журнали «Штерн», шунингдек ватандошимиз, академик Сагдеев ҳам инсон бош суяги тасвири нур ва сояларнинг муқобилидан ўзга нарсани эмас, деган фикрни билдирдилар.

Миррихда нима бўлмасин, барибир ғарбий германиялик бир ахборот йиғувчи 35A72 рақамли мазкур фотосуратни архивлардан сотиб олди ва ўз компьютери орқали ҳар хил нуқталардан туриб кузата бошлади. Хўш, изланиш муваффақиятли бўлдимми? Хулоса қилишга ҳали эрта. Бироқ махсус экран орқали маълум масофадан, масалан 1,5 километр узоқликдан қоя кузатилганда одам бош суягига ўхшаш тасвири кўриш мумкин.



Толиб Йўлдош

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Сўзлаганда жон сўзин сўзла,
Ҳар дил сенга бир эшик бўлсин.
Она алласи бўл, тебраниб,
Олам сенга бир бешик бўлсин.

* * *

Қизиқ хаёлларга борасан баъзан,
Ешинг ўтмаса-ю, киши ўлмаса.
Бундай тирикликдан кимга не ҳосил,
Беташиш, бемеҳнат ҳаёт бўлмаса.

* * *

Кунлар ўтаверар кутсак-кутмасак,
Умримиз танидан кам келаверар.
Ешлик шўхликлари биздан йироқлаб,
Яқинлаб кексалик — ғам келаверар.

* * *

Қарилик қантак ўрик,
Неча каллакни кўрган.
Сен ҳали ёш ниҳолсан,
Улардан эшит, ўрган.

* * *

Қадрингни ўлчарга тароз ўзингсан,
Бўйлашарга бўйи дароз ўзингсан.
Қўлингдан туширма лангар чўпингни,
Жаҳон бозорида дарбоз ўзингсан.

* * *

Суханингни сочма бекорга,
Ешлигингга борма, ғўрасан.
Гап уқмаган калла — тошлоқ ер,
Тошга нима сочиб, ўрасан?

* * *

Оёқ қимирласа киши одимлар,
Оғзинг қимирлаш-ла, зарра жилмайсан.
Оғзингга ишонсанг эл-юрт олдида
Оёқдан қолганинг ўзинг билмайсан.

* * *

Очлигу тўқлигинг ўзингга боғлиқ,
Ўзинг тергувчисан ризқу рўзингни.

Осмондан ташлар деб қараб ўлтирсанг,
Қарғалар ўйишиб кетар кўзингни...

* * *

Ўтганлар изини сақла, ўчирма,
У кетди, мен қолдим деб қуш учирма.
Ҳаёт навбатлидир, сен ҳам ўтарсан,
Аслимиз бир келиб кетар, кўчирма.

* * *

Доно билан сўзлашсанг,
Сўз бойлигинг ортади.
Нодон билан нон есанг,
Тубанликка тортади.

* * *

Ер, қарасам қарагундайсан,
Ой десам ой, кунда кундайсан.
Олам ҳамма ҳуснингга ҳайрон,
Сен парвосиз, нега бундайсан?

* * *

Сурат дедим сени аввали,
Йўқ, сездириб қўйдинг сўзингдан.
Сурат бўлиб қолибман ўзим,
Сеҳрловчи жоду кўзингдан.



Шоир Толиб Йўлдош неваралари даврасида

Р. Альбеков фотоси.

КЎЗ ҲАҚИДА

Еруғ жаҳон қандайлигин
Биз кўз билан кўрамыз.
Шу кўз билан чамалаймиз,
Яратамиз, қурамыз.
Кўз ўрнини босолмайди,
Оғиз, бурун, қулоқлар.
Кўзни кўриб ҳавас қилар
Қайнар кумуш булоқлар.
Кўз ойнаи жаҳон танҳо,
Ундан баланд бошимиз.
Кўзда аксин топар дерлар
Хатто ичу-тошимиз.
Кўнглимиз тўқ, кайфимиз чоғ,
Борлигидан кўзимиз.
Кўнгил талаб қилган ишни
Бажарамиз ўзимиз.
Ўқиб илм оламиз ҳам,
Минг китобни варақлаб,
Ёзиш-чиқиш ишларида
Кўз қўл келар чарақлаб.
Игнадан ип ўтказамиз,
Узоқларга қараймиз.
Кўз восита эрта кунда,
Ҳар бир ишга яраймиз.
Оқу қора сифатларни
Кўз айтади кўрсатиб.
Унда асло ғилофат йўқ,
Чалғитишга, кесатиб.
Қуёш нури кўз олдида
Бизга ҳечдек туюлар.
Шу кўз бошлаб кириб келар,
Қалбга ширин туйғулар...
Кўз омонми, бош омон, ҳа,
Саломатлик жойида.
Ўз ўрнини топган деймиз,
Гул ёшлик чиройида.
Шундан қора, мовий, шахло,
Хумор кўз деб атаймиз.
Биз кексалар шу кўзларнинг,
Хаёли-ла, отдаймиз.

КЕКСАЛИК БИЛАН МУЛОҚОТ

Кексалик қай куни қўлимдан ушлаб,
Бир-икки сўз айтди елкамга муштлаб:
— Соч-соқолинг оқлигидан койима.
— Йўқ, — дедим, — келмас менинг
парвойима.
— Айт-чи, ёшинг нечага борди, қани?
— Э, бобойман, пенсионер, дерлар мани.
— Куч-қувватдан қолганинг кор этдими?
— Кексаликни кимса инкор этдими?
— Ҳа, бали, ақлинг бинойи, сўзларинг —
Бу қадар маъноли, лекин кўзларинг?..
— Кўзларим ҳам нуридан қолган эмас,
— Тўғри айтдинг, сўзларинг ёлғон эмас,
Ростлигиндан бунчалар давлатлисан,
Қарчиғай ёшлар каби савлатлисан.
— Тўрт мучам соғ, давлатим шул эмасми?
— Темирни ҳам қаҳрабо занг емасми?
— Йўқ десам: — Тавба, бедардсан шекил?
— Илтимосим, кексалик, мендан чекил!
Кел, тириклик кўйдан қўйма мени.
— О.. азалдан, ҳам билардим мен сени.
Сен ҳамиша меҳнату қоҳиш билан
Куйманарсан эрта-кеч бир иш билан.
Бунча қорнинг тушмагур тўймасмикан,
— Ҳайратим ҳам бор шукр, қорним-да тўқ,
Эртанинг фикрини қилмас чора йўқ.
— Хўш, — дея жилди еридан кўзғолиб,
Кексалик кетди йўлида, мен қолиб.



Самандар ВОҲИДОВ

КАСКАДЕР

Муҳаббат шавқидан лабларда лаззат
Ўпар маъшуқасин экранда актёр
Ғаюрлик кўрсатиб,
Бошлар қиёмат
Қувонч кушандаси — азалий ағёр.

«Ур-ҳо ур»...
Пичоқлар чиқар қинидан...
Безбет безорига бас келмоқ душвор.
Актёр ғойиб бўлар,
Муштлар, тепкилар —
Зарбига дош берар энди каскадёр...

Қуш қўнмас чўққининг нақ теппасидан
Музаффар боқади бир дам актёр.
Ўқ тегиб қулайди...
Тигдор тошларга
Жисмини тилдирар яна каскадёр.

Мана бу артист ҳам ботир ролини
Ўйнар қойиллатиб,
«Забардаст» бисёр.
Лекин томдан-томга қувганда ёвни
У четда...
Азобга қалқон каскадёр...

Енгин гуруллаиди,
Аждарҳо — олов
Ночор болаларни ютмоққа тайёр
Каскадёр жонини берар жабборга
Экранда, гримда «ярадор» актёр...

Фильм ҳам тугайди,
Қарсақдан сархуш
Актёр юрар экан шухрати бозор,
Ит, бўри тишлари ботган танига
Малҳам босиб инграр шўрлик каскадёр.

Кимсан,
Эй, панада юрган жон фидо,
Юзинг экранларда кўринмас зинҳор,
Номинг-ку титрда ҳаммадан пастда,
Хатто сўзлашингга йўқдир ихтиёр.

Саҳнага дадил чиқ,
Ўзингни танит,
Токай юражаксан пинҳон, хокисор.
Элтар таназулга бу ғирром қисмат:
Содда қудуқ қазиб,
Сув ичса айёр.

Ҳей, маъқул роль учун ёқа йиртишган,
Тоғни четлаб,
Боғ кўзлаган актёрлар!
Пайт етди,
Муқаддас саҳнадан тушинг,
Чиксин ўз ўрнига мард каскадёрлар!

* * *

Хавотир олма, эй кўнгил,
кўзи ожиз сўқирлардан,
Уларда кўз эмас, дил бор —
халос таъма, кибрлардан.
Улар ҳеч кимга тургинмас,
улар дил кўзи-ла кўргай,
Изида битта гул синмас,
ўтаркан қир, адирлардан.
Хавотир ол, кўзи очиқ
вале кўрмай оёқ остин,
Самога тумшуги устун —
юррак кўзи басирлардан.
Булар — йўл бўлса ҳам текис —
бировни ўтмаса янчиб,
Ҳаловат туймагай ҳаргиз,
туяр роҳат жабрлардан.
Хавотир ол, ишинг тушса —
чиқиб йўлбарс ниқобида,
Иши тушса — ювош қўй
терисин кийган «фақир»лардан.

Сотиб имон, сотиб виждон,
сотиб ўзни, сотиб дўстни,
Қулай имкон сотиб олган
диёнатсиз «кузирлар»дан.
Агар бир манфаат йўқдир,
ота хокин тавоф этмас,
Булар бир манфаат сезса,
суяк жамлар қабрлардан.
Ҳазир бўлгин, аё кўнглим,
бу дунё бир умр дилхун,
Кабирликдан айюҳаннос
солиб юрган сағирлардан.

БУЗИЛАЕТГАН ҚАБРИСТОН БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Шаҳарнинг ...кўчасидаги турар жойлар
орасида қолган ташландиқ қабристонни бу-
зиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Марҳумларнинг қариндошларига жаса-
ларни бошқа қабристонга кўчиришга рухсат
берилади.

Область газетасидаги эълондан

Қабрлар, қисматга беринг энди тан,
Фарёд чекманг, хоки туроб аждодлар.
Тириклар турмушнинг ташвишига банд,
Қулоққа кирмагай бенаф арз, додлар.
Дунёга сизмаган орзу билан сиз
Шу кафтдай тупроқдан топганда маъво,
Бузилди
Бузилмас мангу уйқунгиз,
Толе шу жойни ҳам кўрмади раво.
Айбингиз не эди?
Гуноҳингиз не!
Улганнинг устига тепгани шуми?
Бостириб келмоқда,
Сукутингизни —
Йўқотмоқ қасдида, шаҳар шовқини.
Азалдан англабми, закий боболар —
Мозор яратилган кўздан овлоқда.
Биз келдик шаҳарни шунгача судраб,
Зотан, замин бизга торлик қилмоқда.
Бардам бўлинг энди!..
Икки бор ўлмоқ
Бир бор ўлганларга нима деган гап?
Гўрков кетмонимас,

Наъра тортароқ
Келар экскаватор тишларин қайраб.
Бузмоқ, ғорат қилмоқ —
Бизга чўт эмас,
Рафтини олганмиз тавоб, уволнинг.
Довруқ пойғасида елиб басма-бас,
Уйини куйдирдик, хатто Оролнинг.
Ўтирган шохини кесган «доно»дек
Ерга шакар, дея, едирдик заҳар.
Буздик масжидларни «худо уйи» деб,
Ўзимиз яратдик сохта худолар.
Шафқат тилагандек шиддатимиздан
Осор-атиқалар чўкаётир тиз.
Хўжа Исмаил қабри янглиғ бенишон,
Учиб бораётир юраклардан ҳис...
Тириклар бир-бирин кўзини ўйиб,
Бир-бирин пайини қирққан замонда,
Ўликлар тинч ётса...
Жойни банд қилиб...
Йўқ, жойни берасиз, жон бўлмаганда.
Шаҳарнинг ҳуснига доғ солар мозор,
Сизга ҳам топилар бир пастқам, хилват.
Тириклар кун кўрсин кўрмайин озор,
Умр-ку омонат,
Қабр ҳам омонат.
Аждодлар, четланинг,
Тезкор аср бу.
Кимсиз?
Хотирлашга йўқ бизда фурсат.
Шоҳмисиз, гадоми —
Бир пулдир фарқи,
Бизнинг қарорларда номингиз — ЖАСАД.
Ким ҳам бу дунёга бўлибди устун,
Тирикмиз,
Яшайлик ўхшаб тирикка.
Қўл қисқа бўлса ҳам тилимиз узун,
Ҳозирча зўримиз етар ўликка...

ЧОЙХОНА



Чойхона ва чойхона хизмати — қадимги миллий анъаналаримиздан.

Инқилобдан олдин Урта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда меҳмонхоналарнинг камлиги, радио, телевизор кабиларнинг омма орасида кенг тарқалмаганлиги ва ҳатто йўқлиги шароитида меҳнаткашлар ишдан бўш вақтларини кўпинча чойхоналарда ўтказганлар. Шаҳарлардаги чойхоналарда қишлоқлардан, узоқ юртлардан келган меҳмонларни кутиб олиш учун махсус хужралар бўлиб, меҳмонхона вази фасини ҳам бажарган. Дастлаб келган одам шаҳар ҳаёти, халқнинг урф-одати, маданияти ва ҳоказолар билан ҳам худди шу ерда танишган.

Чойхоналарда ширинсуханлик ва меҳмондўстлик қадимий анъаналардандир. Уларда ҳамisha миллий таомлар — нон-патирлар, ширинликлар муҳайё бўлган. Истаган кишилар шу ерда паловхўрлик ҳам қилишган.

Қадимги чойхоналарда дутор, ғижоқ, най каби миллий чолғу асбоблари мавжуд бўлиб, халқ кўшиқлари, айниқса, классик ашула-куйлари ижро этувчи машшоқлар, хонандалар, кишиларга маънавий, эстетик завқ бағишлаганлар. Тўр қовоқларда каклик ва беданалар тинимсиз сайраб турган. Шу маънода чойхона маданияти дам олиш, ҳордиқ чиқариш маскани ҳам ҳисобланган. Чунки инқилобгача шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам клублар бўлмаган. Чойхона Урта Осиё халқлари, айниқса, ўзбеклар ва тожиклар орасида жуда кенг расм бўлган. Чойхоначилар чойхонага қадам ранжида қилган ҳар бир меҳмон олдиға ўша захоти патнисда иссиқ нон, қанд, майиз ва чой келтириб қўйганлар. Бу яхши одат қатъий тартибга айланган. Аксарият чойхоналарда нуруний кексалар учун юқоридан махсус жой ажратилган; у жой ғоятда тоза ва тартибли сақланган. Кексалар учун ажратилган жойларга ҳеч қачон ёшлар ўтиришмаган.

Маҳалла чойхоналари ўша жойдаги ҳаётнинг ҳамма соҳасини камраб олган, маҳаллада кимда ким бирор нонжўя иш қилиб қўйса, бунинг гапи чойхонада қайнаган. Нонжўя иш қилиб қўйган кишининг юзи шувут бўлиб чойхонага чиқаолмай — одамларга қўшили олмай қолган. Чунки ҳар кимнинг барча яхши ва ёмон хислати чойхона орқали тарқалганлиги учун жамоатчиликдан гап эшитишдан қаттиқроқ жазо бўлмаган. Нонжўя иш қилган кишининг қариндошуруғлари, яқин дўстлари ҳам ноқулай аҳволда қолганлар.

Чойхона оммавий-сиёсий ва маданият ишларни олиб бориш учун қулай бўлганлиги боисидан у Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида тарғибот-ташвиқот ҳамда ташкилий-тарбиявий ишлар марказига айланди. 20-йилларда Туркистон коммунистик партияси ташкилоти идеологик ишларни олиб боришда маҳаллий аҳолига яқин, тушунарли бўлган халқ анъаналари ва урф-одатларидан усталик билан фойдаланди. Туркистон Сиёсий, маданият-оқартув бошқармасининг 1921 йил 28 июнда тасдиқлаган «Агитаторларга кўрсатма»да аҳоли амал қилаётган маҳаллий турмуш шароитини, урф-одатини, диди, ахлоқи, эътиқоди, дам олиши, машғулоти ва ҳоказоларга диққат билан эътибор бериш кераклиги бежиз айтилмаган эди. Партиянинг бу кўрсатмаси Ўзбекистонда идеология ишини кучайтиришда, уни тарғиб қилишнинг қулай воситаси бўлган чойхоналарнинг ролини оширишда муҳим роль ўйнади.

Чойхоналарда Қизил бурчаклар ташкил этилди, улар фан, маданият тариққиятини кўрсатувчи плакатлар, адабиётлар, газета ва журналлар билан бойитилди. Қизил алвонларга турли чақириқлар ёзилиб, чойхоналарга илиб қўйилди. Шу тариқа Қизил чойхоналар вужудга келди. Масалан, Тошкентдаги Қизил чойхоналардан биридаги манзара кўйидагича эди: Қизил чойхона вилоят ижроия комитети яқинидаги кенг ва ёруғ бинога жойлашганди. У ерда озодаликка риоя қилинарди, деворларга ўзбек, рус, қирғиз, татар тилларидаги плакатлар илиб қўйиларди, газеталар мунтазам келтириб туриларди ва саводсизлар шароити ҳисобга олиниб овоз чиқариб ўқиларди. Чойхўрлар бу ерда шахмат-шашка ўйнаб, қўшиқ-куй тинглардилар, аския эшитардилар.

Хуллас, Қизил чойхоналар Ўзбекистоннинг барча область ва районларида ташкил этилган. Агар 1923 йилда Туркистон республикасида 137 та Қизил чойхона мавжуд бўлган бўлса, 1925 йилда уларнинг сони 227 тага етган. Чойхона ўша вақтларда клуб вази фасини ҳам бажарган.

70-йиллардан бошлаб республика областларида намунали чойхоналар, масалан, Тошкентдаги «Салом», «Самарқанд», «Мовий гумбаз», область, район марказларидаги «Оталар чойхонаси» кабилар ишга тушди. Хусусан, Самарқанд, Наманган, Қўқондаги бир неча чойхона бинолари атрофмуҳит билан уйғунлаштириб қурилди ва яхши жиҳозлантирилди. Бундай чойхоналарда шаҳар аҳолисининг ўзига хос нозик дидини, табиатини, меҳмондўстлигини, хушмуомалалигини кўриш мумкин.

Шоир Ҳ. Саъдулла «Наманган ҳақиқати» газетасининг 1986 йил 24 май сониде эълон қилган «Чойхонада дийдорлашайлик» мақоласида фойдали таклифларни илгари суради. Мақолада таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоирларидан бўлган Муҳаммад-шариф Сўфизода, шоир Рафиқ Мўмин, атоқли санъаткор, СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев ва бошқа маданият намояндалари бир вақтлар Наманган шаҳридаги «Шарқ» чойхонасидан минбар сифатида фойдаланганлар. Кейинчалик Наманганнинг гавжум чойхоналарида қўшиқ айтиб, чойхўрлар дилига завқ-шавқ бахш этувчи санъаткорлар «Шарқ» анъаналарини давом эттирганлар. Шоир ва ҳофиз Шухий, Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳритдин Мансуровлар чойхоналарга файз киритишган. Хуллас, чойхона бир вақтлар энг эрта очилиб, энг кеч ёпиладиган, баъзан эса кун тунга, тун кунга уляниб кетадиган даргоҳ эди.

Аммо ҳозир-чи? Чойхоналарга муносабат ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Кўпгина чойхоналарда эса, миллий анъаналар яхши сақланмаган. Айрим керакли жойларда чойхоналарнинг йўқлиги ёки камлиги, уларнинг зарур пайтларда ишламаслиги ундан ҳам ёмон. Масалан, Тошкентга эрталаб четдан ҳориб келган меҳмон чойхона излаб то шаҳар марказидаги «Мовий гумбаз» чойхонасигача келиши керак. Чунки темир йўл ва автобус вокзалларида дурустроқ чойхона йўқ.

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. 1985 йил 20 сентябрь эди. Тошкентдан Наманганга қайтаётгандим. Ушанда Жанубий темир йўл вокзали ишга тушган пайтлар эди. Қашқадарё областининг Яккабоғ районидеги «Шарқ юлдузи» колхозидан шаҳарга келган пенсионер Пирим ота Рустамов мендан чойхонани кўрсатиб қўйишимни илтимос қилиб қолди. Афсуски, тўртбеш километр атрофида бирорта чойхона топишнинг иложи бўлмади.

Умумий овқатланиш бошқармаларининг савдо ташкилотларидаги «ишбилармон» баъзи корчалонларининг таъаббуси билан чойхоналар план билан ишлайдиган корхоналарга, даромад манбаларига айлантирилди. Кўплаб ошхоналар рестороанларга, ошхоналар ҳузуридаги чойхоналар эса, ўз-ўзига хизмат қилишдек бемаъни тартибга ўтдики, бу нарса чойхонанинги чинакам моҳиятини йўққа чиқаради. Бу ўз-ўзидан чойхоналар аҳамиятининг сусайишига олиб келади, унинг файзини, қадрини йўқотади. Эндиликда аҳвол шунгача бориб етдики, чойхоналарнинг жуда кўп-

чилигида мис самоварлар, чинни чойнаклар, пиёлалар ўрнига бак, тунука чойнак, стаканлар пайдо бўлди. Тоза гиламлар, кўрпачалар, яхши ёғоч чорпоялар ўрнига бир аҳволга тушган кирчил палослар, стол ва стуллар пайдо бўлди. Чой навларининг пастлиги туфайли дамланган чойларнинг бемазаалиги, хуштаъм эмаслиги, бўйнини харидек қилиб ўдағайловчи баъзи чойхоначилар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади.

Яна бир нарса хусусида эсламасликнинг иложи йўқ. Кўпгина янги қурилган чойхоналарда миллий архитектурадан фойдаланилган бўлса-да, айрим нозик томонлар, жумладан, деразалар ва очиқ айвонлар бўлиши ҳисобга олинмаган. Мисол учун Тошкентдаги ойнаванд қилиб қурилган «Мовий гумбаз», Жанубий темир йўл вокзалидаги ҳар томони ойна билан ўралган бундай чойхоналар қиш мавсуми учун бироз маъқул бўлса-да, асосан эрта баҳордан то кеч кузгача давом этадиган иссиқ кунлар учун ҳеч мос эмас.

Яна бир масала. Шаҳарлардаги кўп қаватли уйларида яшовчи мингминг кишилар ўз миллий урф-одатларини юритиш имкониятига эга эмаслар. Бордию бир амаллаб бирор тадбир ўтказадиган бўлсалар баъзи қўшниллар томонидан ҳар хил таъналарга дуч келадилар. Маҳаллий шароитни — миллий хусусият ва географик-психологик иқлимни ҳисобга олмай қурилган бундай уйларида кишиларнинг ҳамфирлигини, яқинлигини таъминлаш имконияти йўқ. Агар ҳар маҳаллада битта одми чойхона қурилганда айна мударо бўлур эди.

Кишиларнинг дидига мос тушадиган, дам олиб ҳордиқ чиқариш учун тегишли шароитга эга бўлган чойхоналаримиз ҳам йўқ эмас. Масалан, Чуст шаҳрига борган киши маданият ва истироҳат боғига киради-да, у ердаги шинам ва озода «Камар сада» чойхонасида меҳмон бўлади. Чойхонага кириб кўрпачага ўтиришингиз биланоқ чойхоначи сизни илиқ кутиб олиб, айтмасингизданоқ дарров патнисда оби нон, қора майиз, қанд ва дид билан дамланган кўк чойни келтириб: «Хуш келибсиз, меҳмон, дейди. Борди-ю улфатлар дам олиб, паловхўрлик қилишни истасалар, улар учун барча зарур нарсалар ҳам муҳайё.

Саҳарлаб ёғ тушса ялагудек қилиб супуриб-сидирилган, саришта, чойи хуштаъм, жойи баҳаво, атрофи гулзорга айланиб кетган чойхонага ким ҳам интилмади дейсиз. Қолаверса, чойхоначилар танти ва саҳоватли бўлишса, шаънига доғ тушмаслик учун чойнинг энг тоза навларини топиб келса, қўлини кўксига қўйиб жой кўрсатса, поки-

за чойнакка чой дамлаб, озода пиёла билан олдингизга қўйса, унга не етсин. Бугунги кун тажрибалари шуни кўрсатадики, халқнинг чинакам, ҳақиқий чойхоналарга бўлган эҳтиёжи ўсиб бормоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, миллий анъаналарни, ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини яхши билмай туриб, субъектив қарашлар билан халқимизнинг чойхона билан боғлиқ эзгу урф-одатларини ривожлантириш қийин. Тарбиявий аҳамияти бўлган чойхоналарга катта эътибор бериш зарурлигини даврнинг ўзи талаб этмоқда. Ҳатто чойхоначилар тайёрлайдиган махсус курслар очилса ҳам яхши бўларди. Чойхоналарнинг асл кўринишини ва моҳиятини тиклаб, улар ҳузурида моҳир нонвойларнинг турли хилдаги оби нонлар ёпиб туришини, ҳар хил шарқона ширинликлар билан савдо қилинишини уюштириш ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга оширса бўладиган ишдир.


Ҳозирги ёшлар тарбиясидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги ҳам уларнинг чойхоналарга кирмай қўйганликлари, кексаларнинг фойдали ва ибратли панд-насиҳатларини эшитишдан маҳрум бўлганликларидандир. Чойхоналарга фақат овқатланиш учунгина кирганликлари тўғрисида ҳозирги баъзи ёшларда кўп ҳолларда катталарга нисбатан андишасизлик, ҳурматсизлик ҳоллари учрайди.

Умуман, ҳамма вақт кишилар билан гавжум бўладиган чойхона чойхонадек бўлиши, халқнинг энг севган оромгоҳига айланиши лозим. Унда чинакам шарқона чойхоналарга хос бўлган миллий анъаналар ўз ифодасини топиши лозим.



Наманган шаҳри. Уруш ва меҳнат ветеранлари Насим Исмоилов, Ориф Бекхўжаев ва Ориф Мусаев чойхонада мириқиб суҳбатлашмоқдалар.

Абдулазиз АБДУРАҲМОНОВ
Наманган



Шаҳар боғидаги Бешчинор чойхонаси.

Ш. Османов фотолари



Алижон ИҶУЛДОШЕВ

ЮЛДУЗЛАРГА ҚЎНМАГАЙ ҲЕЧ ГАРД

* * *

Боғларга юр, ёр,
 бодом гуллабди,
 Оппоқ кўйлагингга юрак
 фармони
 Гуллардан сочай.
 Муаттар ҳид бўлиб сочилмоқчи
 Ҳув —
 Гул-ғунчада ёнган қалбнинг
 армони,
 Унга йўл очай.
 Орзумиз мисоли куртаклар
 роз айтсин,
 Туйғу бўлиб учган шўх булбул
 ортига қайтсин
 Янграсин саси!
 Оппоқ чақалоқдек туғилган тонг
 наҳорнинг,
 Ўн олтига кирган шаддод қиз каби
 баҳорнинг
 Келсин ҳаваси
 Бизларга...

* * *

Яшил майсазорнинг қўйнида офтоб,
 Офтобки, ёндириб, сени кул қилар.
 Яшиллик ва нурнинг исини истаб,
 Дил қушим, ёлвориб интилар...
 Қайноқ ҳисларимни бағрингга тўкай,
 Қараб тур, қочмагил, илҳом париси.
 Бир марта... бир марта рози бўл, ўпай,
 Ениб кетса ҳамки дунё бариси!

ИШОНЧ БИЛАН...

Мен гўёки учқур қушман...
 Шамоллардан, хаёллардан ўзаман.
 Ҳатто ўқ етолмас йўлга тушсам,
 Чақиннинг ҳам йўлини тўсаман.
 Мана, гулзорларга учиб бордим,
 Улар билан сўзлашдим шивирлаб.
 Сўнг тоғларга... Булутларга ёлвордим,
 Оҳу кўз чашмаларга босдим лаб.
 Россиянинг ўрмонлари... гуллар,
 Оқ бадан қайинлар кутиб олдилар,
 Кавказ боғларида яшнаган сунбуллар,
 Анча-мунча гапга солдилар.
 Кейин-чи... Америка, Африка бўйлаб:
 Бўрон каби пишқириб елдим.
 Гапнинг тўғриси, ҳақни излаб, ўйлаб,
 Шу бутун коинот, дунёни айланиб келдим,
 Утларда ёнмайин, сувларда оқмайин, барибир,
 Мени англайдиган одамни топмадим, лекин...
 Яна, яна ишонч билан сақлаганча сир,
 Сенинг ҳузурингга бораёпман, ЛЕНИН!



* * *

Менинг нигоҳимда дунё беғубор,
 Менинг нигоҳимда офтоб яшайди.
 Менинг нигоҳимда қиш билмас баҳор,
 Менинг нигоҳимда китоб яшайди.
 Сен эса лоқайдсан, ғоят бепарво,
 Жуда ҳам олисда у осмонларинг,
 Менга айтганларинг ҳаммаси хато,
 О, мени қийнайди рост — ёлғонларинг...
 Кимгадир ноз билан қўясан қараб,
 Кимгадир майинсан, эркасан қушдай.
 Сунбул сочларингни силкийсан тараб,
 Менга ёлғон гапинг — кўрмаган тушдай.
 Сени деб гулларга боқмадим, билсанг,
 Сени деб юлдузга тегизмадим қўл.
 Сени деб ойларга назар солмадим,
 Ўзга гулзорларга солмадим ҳеч йўл!
 Сен эса хуморсан баланд дорларга.
 Қўзларинг ёнади уларни кўрсанг.
 Қайрилиб боқмайсан ошиқ-зорларга,
 Хаёлингга фақат шуларни кўрсанг.
 Оёғинг остида ётган хазоннинг
 Қўшиғини тинглагин — сенга дахлдор.
 Қўй, жоним, мени кўп ерга урмагин,
 Менинг нигоҳимда дунё беғубор!

БУ ОҚШОМ

Тушларим-ей, мунча ширин,
 Ер йўлига поёндоздек тўшалур қор,
 Бу қор эмас, «олам гўё оппоқ сийна»,
 Нигоҳ қочар қир-далага,
 Нигоҳ шу пайт ой нурини сочса агар,
 Воғ кўринар етмиш рангда.
 Оқ кўйлақда пари келар, ҳув чаманда
 Ундай эмас, ўша санам,
 Ким бўларди, шўх Дилбар-да!

Тушмагур-ей, шунча нозик,
 Ишва қилса минг йигитни шоширади,
 Шоир, ҳақсан, хандон отса боғда
 Гуллар очилади,
 Олис кўкда шода юлдуз сочилади,
 Ним қараши оҳуни ҳам қочиради,
 Ким ўзи у, ҳушинг олган афсунгар-да,
 Ундай эмас, ўша санам,
 Ким бўларди, шўх Дилбар-да!

Қушларим-ей, қўшиқ айтса,
 Булбул чаҳ-чаҳ қилолмасдан шохда қолди,
 Шўх бедана нимагадир жимиб олди.
 Какликлар ҳам хониш этмай ўздан тонди,
 Қўксимдаги бўзтўрғайим куйиб ёнди.
 Ким ўзи у қўшиқ айтган, жилвагар-да!
 Ундай эмас, ўша санам,
 Ким бўларди, шўх Дилбар-да!

Ҳушларим-ей, учманг бошдан,
 Не қилардим вужуд бўлса ҳаяжондан,
 Кечсам бўлур жонон учун ҳатто жондан.
 Ошиқ чиқса ажабланманг, шеър соҳиби
 Алижондан,
 Алпомишдек чиқиб келгум мен достондан
 Вағримда-чи, Барчиной-да, кетаяпмиз
 Бойчиборда,
 Ундай эмас, ўша санам,
 Ким бўларди, шўх Дилбар-да!

ЮЛДУЗЛАРДА ТУНАР КЎЗЛАРИМ

Юлдузлар,
 Сизга айтгумдир бугун розларим,
 Йироқламанг, ҳай-ҳай, мен сизга етай:
 Порлоқ самовотда тунар кўзларим,
 Бағрингизга сингидим, нетай!

Дилбарим,
 Сиз мисол келса юзма-юз,
 Қалдирғоч қошларин чимирсами сал,
 Унинг ҳузурда букар эдим тиз,
 Юлдуздек ёнади қалбим шу маҳал!

Истардим,
 Одамлар юлдузлардай билсалар бизни,
 Чунки юлдузларга қўнмагай ҳеч гард.
 Юлдуз деб билсалар юрагимизни,
 Юлдузларда бўлмас ҳеч қандайин дард!

Юлдузим,
 Шудир менинг розларим!..



* * *

Янги ой чиққан кеча
 қайрилма қош ёдга тушар.
 Халқ қўшиғи

Истаганим, бутун умр бўйи,
 Ёза олмаганим — ғазалим.
 Сенинг вужудингга яшиниб олган
 Жоним, гўзалим!
 Гоҳ нур бўлиб чақнар,
 Гоҳ юлдуз бўлиб ёнар.
 Гоҳ табассум бўлиб
 Ғунча лабларингдан томар.
 Гул ҳиди бўлиб, сочларингдан
 Анқиб қолади.
 Бу маъвога боқсам, дилим
 Куйиб ёнади.
 Мен уни кўзимга сиғдиролмайман,
 Мен уни сўзимга сиғдиролмайман.

Шу йил бўлиб ўтган Республика хотин-қизлар Совети пленумида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи даврнинг долзарб муаммоси сифатида талқин қилинди. 1987 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон хотин-қизларининг V съездида ҳам турмушимиз тарзи ва меҳнатга оид ижтимоий масалалар кўтарилган эди. Гарчи бу борада хотин-қизлар кенгашлари олиб бораётган ишлар ҳақида маълумотлар, қарорлар, рапортлар кўпаяётган бўлса ҳам корхоналарда, қишлоқ советларида, студент ва ўқувчи қизлар даврасида амалга оширилаётган тадбирлар аёлларимиз меҳнатини, турмуш тарзини ва маданий савиясини оширишга керакча таъсир этолмаяпти.

Масалан, республикада пахта далаларида хизмат қилаётганларнинг аксарияти ҳали хотин-қизлар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, маданий савияларини ошириш, фарзандлари учун боғча-ясилар ташкил этиш кўнгилдагидай эмас. Аёлларимизнинг, асосан, қишлоқ аёлларининг фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маҳаллий ташкилотларда, колхоз ва совхозларда уларнинг қизиқишлари, оруз-истаклари билан ҳеч ким ҳисоблашмайди. Ойлик нафақалари вақтида тўланмайди. Болаларни боғча ва яслиларга жойлаштириш муаммоси колхозларимизда ҳа-

таниган, ҳам ахлоқий, ҳам маънавий тарбия топган бўлмоғи шарт. Уларнинг ҳаётга енгилтаклик билан муносабатда бўлишларига чек қўйишимиз, уларни сабр-тоқат билан тўғри йўлга солишимиз керак. Ахир, улуг Ватан уруши йилларида бир этак фарзанди билан бева қолганларида ҳам оналаримиз турмуш қийинчиликларини зукколик билан енганлар.

Масалан, менинг волидам 5 фарзанд (энг каттамыз 13 ёшда эдик) билан қолиб, отамни урушга кузатганлар. Сўнгра моддий эҳтиёж тақозо этиб, отамнинг ўрнига, заводга бориб ишладилар. Демак, у даврда аёлларимиз ҳозиргилардан кўра матонатлироқ, сабр-тоқатлироқ экан-да!

Биз эса, тўкин-сочин бир даврда яшаймиз, фарзандларимизнинг усти бут, қорни тўқ. Унда нега кўзимиздан ёш аримайди? Унда нега гулдай фарзандларни қолдириб ажралишлар содир бўлаяпти?

Демак, ёшларимиз маънавий тарбиясида қусурлар анчагина экан. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг оиладаги муносабатларида омонатлик сезилиб турипти, яъни ёш оилалар бўлар-бўлмас гап-сўзлардан тўзиб кетаяпти.

Хўш, бунинг олдини олиш учун нималар қилишимиз керак?

Аввало қиз-ўғилларимизни эътиқодли,

Республикада қишлоқларида истиқомат қилаётган хотин-қизларимизнинг турмуш тарзи эътибор талабдир. Бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп! Жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, йиғиб-териб олиш борасида аёлларимиз — асосий ишлаб чиқарувчи куч. Пахта етиштиришда эса асосий меҳнатни — завжаи муҳтарамаларимиз бажаради. Қишлоқларимизда меҳнат қилаётган аёл тонг-саҳардан уй-рўзгор юмушларини бажаради: нон ёпади, фарзандлари ва хизматга шошаётган турмуш ўртоғига нонушта тайёрлайди, мол-қолга қарайди, сўнг нари-бери татиниб далага отланади. (Шу ўринда эркаларимизга таъна қилишимиз балки ўринсиз бўлар, ҳар ҳолда, оиланинг моддий таъминоти уларнинг зиммасида. Чопиқ қилиб, пахта териб рўзгорни тебратиб бўлмайди). Шу алфозда аёлларимиз фарзандларининг ўқиши ва тарбиясига кўнгилдагидай эътибор бера оладими? Албатта, йўқ!

Далада эса, чопиқ, ўтоқ, ягана, чеканка... жазирамадан, чанг-тўзондан толиққан аёл кун оғиши билан яна оиласи бағрига — фарзандларига интилади. Уларнинг меҳнат вақти тонгдан шомгача. Яна супур-сидир, ўчоқ билан дастурхон орасида бўзчининг моксидек қатнаш, кир-чир. Аёл шўрлик тун яримдан оққанда ўринга чўзилади. Ана шундай меҳнат жараёни, дала ишлари бош-

АЁЛ ҚАДРИ

лигача ҳал қилинмаган. Мавжуд боғчалар ҳам ибтидоий усулда.

Тўғри, ишлаб чиқариш корхоналарида аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, санитария-гигиена нормаларини йўлга қўйиш борасида қатор тадбирлар амалга оширила-япти. Бу ҳали денгиздан бир томчи холос!

Хотин-қизларимиз ва фарзандларимиз ҳаётини муҳофаза қилишда экологик омиллар таъсирини ўрганиш бўйича олимларимиз, айниқса шифокорларимиз олдида катта вазифалар турибди. Фикримизча, кенгашларимиз хотин-қизлар ҳаёти ва меҳнатига оид қуйидаги:

— медицина соҳасида — аёлларимиз саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ўртасида юз бераётган ўлим билан боғлиқ касалликларни камайтириш;

— иқтисодий соҳада — хотин-қизларни шароитига мос меҳнат билан таъминлаш;

— ижтимоий соҳада — хотин-қизлар маданий савиясини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш масалаларини ҳал қилиши лозим.

Мана шундай долзарб ишлар мавжуд экан, хотин-қизлар кенгашлари ўз имкониятларидан тўла фойдаланишлари лозим. Бунинг учун шу покляниш ва қайта қуриш даврида барча шарт-шароитлар мавжуддир. Бу борада бизнинг тоғдай таянчларимиз — эркаларимизнинг яқиндан ёрдамлари ҳар қачонгидан зарур. Чунки, кейинги икки-уч йил оралиғида республикада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хотин-қизларимизнинг ўз-ўзларига ўт қўйиб юбориш ҳоллари содир бўлдики, бу ҳар бир онгли кишини ташвишга солмасдан қолмайди.

Боғчаларни озиқ-овқат билан таъминлаш жуда ёмон аҳволда. Бир сўз билан айтганда, аёлларимиз бошида мингта ташвиш.

Бизнинг социалистик жамиятимизда аёл ўз қадр-қимматини билган, ҳақ-ҳуқуқини

меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун аввало биз катталар оилада ўрناق бўлишимиз, уларнинг камол топишини назорат қилишимиз мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Мақтаб ислоҳоти муносабати билан 9—10 синфларда ўқув программасига янги «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» фани киритилди. Бу омади гап бўлди. Аммо ушбу фан бўйича халқимиз урф-одатлари, миллий анъаналарини эътиборга олиб ёшларимизни ҳаёт (турмуш)га тайёрлай оладиган ва рангбаранг мазмунли мисоллар билан тушунтирадиган дарслик ҳалигача йўқ! Очиқ айтишимиз керак, бу маорифчиларимизнинг, ноширларимизнинг айби. Наҳотки «Просвещение» нашриётида чоп этилган «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» қўлланмаси ёинки Т. М. Афанасьевнинг 413 саҳифадан иборат «Оила» номли китоби ўзбек миллий маданияти талабларига мос тушса?! Наҳотки, республикада олимлари ўзбек ўқувчиларининг турмуш тарзига доир конкрет мисоллар негизда ибратли фикрлар ёритилган ҳамда миллий оилаларнинг ахлоқий тарбиясидаги ўзига хос психологик ҳолатларга кенг ўрин ажратилган дарсликлар яратиш имкониятига эга бўлмасалар!

Мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштириш учун илмий ёшлар керак. Шу сабабли ўрта маълумот олган ўғил-қизларимиз ўз илмларини ошириш борасида ҳунар-техника билим юртлари, техникум ва олий ўқув юрларига кириб ўқийдилар. Ушбу даргоҳларда ҳам «Оила этикаси ва психологияси»нинг II қисмидан сабоқ олишлари шарт. Бундай қўлланма ёшларимизга ҳам ахлоқий, ҳам маданий тарбия бериши шубҳасиз. Бордию ноширларимиз, мутахассисларимиз ташаббуси билан шундай дарслик яратилиб, ушбу қўлланма шахсий гигиена қоидаларини ҳам ўз ичига олса, ибратли иш бўларди. Ана ўша вақтдагина ёшларимизнинг онги ҳар томонлама мукамал шаклланди.

Қани энди у аёлда маданий дам олиш, ҳордик чиқариш учун бўш вақт. Республикада 200 мингга яқин аёлнинг меҳнати етарли муҳофаза қилинмаяпти. Улар ҳаво босими ифлосланган, санитария ҳолати ёмон шароитда меҳнат қилмоқдалар. Баъзи бир корхоналарда балоғат ёшига етмаган қизларимиз ҳам меҳнатга жалб қилинмоқда. Янги-йўл уй жиҳозлари фабрикаси, Жиззах аккумулятор заводларида иш шароити аёл организмга мутлақо тўғри келмайди. Исгази нормадан 10 баробар ортиқ бўлган корхоналарда ҳам аёллар меҳнатга жалб қилинган. Ахир қишлоқ хўжалигида қўлланилган ва қўлланилаётган пестицидлар, гербицидлар ва бошқа кимёвий дориларнинг аёл организмга салбий таъсир қилаётгани ҳақида яна қанча гапириш керак. Дунёга келаётган гўдақларимиз нимжон, ранги заъфарон, касалмандлигининг, республикада камқонлик, болалар ўлимининг юқорилигига бош сабаб шулар эмасми ахир?!

Юқорида шарҳланган аёл меҳнати омили давлат нуқтаи назаридан қаралиши, бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида ўрганилиши шарт. Шунингдек, бу албатта жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлиши, инсонийлик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиниши, тадбирлар белгиланишига эришимиз керак. Ана шундагина оиламизга фаровонлик, хонадонимизга тотувлик, қутбарака олиб киришимиз мумкин.

Келинлар, азиз дугоналар, муҳтарам оналар ва нозик табиатли қизларимиз, ўз қадримизни тиклаш, назокатли ва нафосатли бўлиш учун ҳаракат қилайлик.

Ҳабиба ИКРОМОВА,
техника фанлари доктори, профессор



Эргаш МУҲАММАД

ҚАБР БУЗГАНЛАРГА ЭЛ РАҲМАТ ДЕМАС

Шунчалар бўлурми ўзидан кетиш —
Буздилар Торобий мақбарасини?!
Нега керак руҳни безовта этиш,
Не топар янгилаб қалб ярасини?!

Тирнаб янгиртилди эскирган яра,
Бугуннинг қошида тарихим ҳайрон:
Етти юз эллик йил турган мақбара
Келиб-келиб букун этилди вайрон!

У Чингиз давридан ўтганди омон,
Жаҳонгир Темур ҳам бузмади уни.
Нечун бўлиб қолди эрқарвар ёмон,
Кимнинг Торобийда бор эди хуни?!

Қабр бузганларга эл раҳмат демас,
Ногаҳон эгилди тик юрган бошлар:
У халқим ғурури! Қабрга эмас,
Халқим ғурурига отилди тошлар!

Халқимни мутелик енггани етар,
Махрум бўлсинми у ғуруридан ҳам?!
Қай одам бунчалик ўзидан кетар,
Ким у ўз халқида ўчи бор одам?!

Бунча кўтармаса осмонга бурнин,
Намунча у ўзин чоғлайди осмон!
Кўрмадим эл аро мен унинг ўрнин,
Улса ҳатто ер жой бериши гумон...

Мен букун ғижиниб қайрамасдим тиш,
Янгилаб юрмасдим қалб ярасини?!
Шунчалар бўлурми ўзидан кетиш,
Буздилар Торобий мақбарасини?!

* * *

Сен менинг йўлимга ташладинг тарок,
Чангалзор тўқайдан
Зўрға очдим йўл.
Ўтмас пичоғинга бўлдим мен қайроқ,
Шох-шабба қисганда чўздим сенга қўл...

Сен менинг йўлимга ташладинг қайроқ,
Азоб тоғларингдан
Ўтдим мен ошиб,
Аммо сен
Тик зовдан қулаётган чоқ,
Мен қараб турмадим,
Қўл чўздим шошиб...

Сен менинг йўлимга ташладинг кўзгу,
Қайгу уммонидан
Мен сузиб ўтдим.
Сену менинг чўқар кўлимиз сўз-ку,
Сен чўқар чоғинда қўлингдан тутдим...

Яхшилик қилдим деб этмасман таъна,
Юзингга ҳеч қачон солмасман нуқсинг.
Яхшилик қилишга тайёрман яна,
То виждон
Азоби
Қийнасин кўксинг...

Биламан,
Ўйлардан миянгга қадоқ,
Гоҳо виждон билан қоласан ёлғиз.

Ох, шунда дардга сен чидайсан қандоқ,
Ҳеч ким

Эргаш Муҳаммаднинг «Учаётган қушлар» янги шеърий мажмуаси Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилиб, яқинда китобхонлар қўлига етиб боради. Қуйида мазкур тўпلامга кирган айрим шеърлар билан танишасиз.

Иўлиқмасин бу дардга ҳаргиз...

Лекин бахиллигинг
Этганда итоб,
Ҳали сен йўлимни тўсасан кўп бор.
Майли йўлларимга тўшалса азоб,
Мен сенинг дардингга бўлмайин дучор.

* * *

Мени ит талаган болалигимда,
Мақтабга боролмай кетганман қайтиб...
Бир юрак олдирагач журъат бор кимда,
Мен итдан чўчирдим дуч келган пайтим.

Итларнинг дастидан ҳанузга қадар
Кўзлаган манзилим эди бир армон.
Бот-бот янгилашиб эскирган қадар
Итларга дуч келиб тураман ҳамон.

Баъзи бир итлар бор — кўргандан чопар,
Бир хили ҳурпайиб олдинги тўсар,
Бир хили, қўрқулик, индамай қопар —
Итларнинг тури ҳам кўп экан, дўстлар...

Итлар одамларнинг уйлари тугул
Шаклига ҳам кириб олибди ҳатто.
Итлар орасида улғайдим нуқул —
Баъзан қочиб келдим уйимгача то...

Энди мен қувлайман:
Итлар ҳоли танг,
Зеро, изғиб юрар ҳамон ёнимда...
Мунча тош отасан итларга деманг,
Мени ит талаган болалигимда.



РЎЕБ

Кўзларимда соғиниб яшар
Сенга тўйиб боқмоқ нигоҳи.
Умидларим сен томон шошар,
Ахир, сенсан толе даргоҳи.

Орзуимнинг кўзлари сенда,
Бўлмоқ истар кўксингга нишон.
Сенсиз йўқдир ҳаловат менда,
Ҳаловатим сен ўзинг, ишон.

Умидларим қолмасин етим,
Орзуларим бўлмасин рўё.
Интиқликдан толиқиб кетдим,
Кўрсатсанг-чи, ўзингни рўёб!

Орзуимни ой қилиб осай,
Қани, рўёб, сийнангни бурғил.
Нигоҳимни бўсадек босай,
Рўёб, кулиб қаршимда турғил.

Кўзларимда соғиниб яшар
Сенга тўйиб боқмоқ нигоҳи.
Сенга доим интилар башар,
Ахир, сенсан толе даргоҳи.

ФУРҚАТ МОНОЛОГИ

Дўстлар жудолиги жуда ҳам оғир,
Бошга тушса бу дард — садпора сийна.
Эслаган онларинг азобда бағир,
Юракка санчилар минг-минглаб нина.

Севги жудолиги ундан ҳам оғир,
Ҳеч кимнинг бошига тушмасин бу ғам.
Бир кунмас, бир умр хун бўлиб бағир,
Бу дунёдан этак силкигай одам.

Фарзанд жудолиги баридан оғир,
Тегирмон юргизар кўзларнинг ёши.
Гўё дўлга тушган бугдойдир бағир,
Тинимсиз ғажийди тегирмон тоши.

Ҳа, бу жудоликлар жуда ҳам оғир,
Тошбағир қалби ҳам сирқирай сим-сим...
Ва лекин баридан оғирдир, ахир
Ватан жудолиги дардин тортса ким!

ЧАҚМОҚ

Ҳавонинг авзои айниган кезлар,
Биламиз баъзида чақмоқ чақишин:
Унинг дағдағаси кўк бўйлаб кезар,
Ерга ҳам тушар гоҳ ялтиллаб яшин.

Ялт-юлт ёрдулари уйғотар ҳавас,
Кўзлар қувонади кўрганда ташин.
Кўкда чақин чақса чақаверсин, бас,
Аммо замин узра тушмасин яшин!

У тушган ерини куйдирар ахир,
Яшинга дуч келиб куймаган ким бор?!
Темир бўла билмас ҳамма бари бир,
Яшинқайтаргичга чинорлар ҳам зор...

ШЕЪРИМГА

Баҳор нафасидан топиб ҳаловат
Илдизин чуқурроқ отгандек дарахт,
Меҳрибон кўзлардан олиб ҳарорат,
Менинг юрагимда томир ёзди бахт —
Юртим боғларига баҳор келган кун,
Шеърим, сен қалбимга илк бор келган кун!

Кўз юмиб — юракнинг кўзини очиб,
Сукунат қўйнига ўзимни отдим,
Силаб орзуларнинг толпоқ сочин,
Туйғулар қўйнида тўлғониб ётдим —
Шеърим, сен тутдирмай порлаган чоғда,
Ям-яшил орзулар чорлаган чоғда!

Тоққа ҳам оғирлик қилар жиндак ғам,
Денгизга сўйласанг, қолар беқирғоқ!
Қувончимни кўрдим эл билан баҳам,
Дардимни яширдим дўстдан ҳам бироқ.
Шеърим, сен энг содиқ дўст бўлиб қолдинг,
Жиндак ғам чексам ҳам бўлишиб олдинг!

Мени тушунган бор, тушунмаган бор:
Виргина сен менга дардқашсан доим.
Элнинг ҳам кўнглига қўнмасин ғубор,
Шу йўлда ҳамаша турайлик қоим...
Шеърим, сенга менинг арзим кўп ҳали,
Элимдан узмаган қарзим кўп ҳали!



Р. РИЗОМУХАМЕДОВ.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ.

Эргаш МУХАММАД

НОМ

(Қодирийни эслаб)

Номингда садоқат урар доим бонг,
Фахр билан эслар номинг ҳар фарзанд.
Ахир диёнатга зор чоғи замон,
Диёнат байрогин кўтардинг баланд.

Ғаюрлар номингни қора қилган чоғ,
Номусга чидолмай кечдинг жондан ҳам,
Босиб кетган билан диёнатни доғ,
Букун сенинг энглиг фидойилар кам.

Кўпларнинг дастидан ор-номус додлар,
Тирилсанг ҳали ҳам олишар ётиб.
Юртдош деб сен билан мақтанган зотлар,
Юрибди ошкора диёнат сотиб...

Зулмат ҳам оширар сенинг икроминг,
Тунларда билинар кун қадри мудом.
Садоқат бонгидек жаранглар номинг,
Сенда ўзлигини топа олди ном.



Н. В. Гоголь хайкали.

В. Мосин фотоси.



ЧОЛЛАР. Г. Еқубов фотоси.




Хаёт нашидаси. Н. Шарипов фотоси.



Бухородаги «Октябрь 40 йиллиги» зардўзлик фабрикаси тикувчиси Маҳбуба Тоҳирова. Г. Еқубов фотоси.



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид ҒУЛОМ.
В. Мосин фотоси.



ЧЎПОНЛАР ҲОРДИҒИ.



ЧЎПОН ОНА.

ЗОКИР ИНОҒОМОВ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

УРЧУҚ ИГИРАЕТГАН ҚИЗ.



ЧЎПОН БОБО.





ҚИШЛОҚ ҲАЁТИГА МАФТУН

Маҳмуд АҲМЕДОВ

Республикамининг кекса мўйқалам соҳибларидан бири рассом Зокир Иноғомов ижодхонасида ўзингизни манзаралар музейига кириб қолгандай ҳис этасиз. Ранг-тасвирларда табиат тўқинлиги ўзини кўз-кўз қилади; лимон, олма, нок, қовун, узум, анвои гуллар гўё бир-бири билан ҳусн талашади. Бир томонда эса белбоғ, дўппи, этик, дастурхон, обдаста, чойнак ва шу каби этнографик буюмлар тасвири ўрин олган.

Мусаввир заҳматкаш кишиларимизнинг ҳашамдорликдан бегона ҳаётини ҳис-ҳаяжон билан чизади. Ваъзи салафларига ўхшаб «фалсафий фикр» деб фақат ўзи англаб етadиган мавҳум шаклларни чизишдан ўзини тияди. Ўзбекистон халқлари тарихий музейидан жой олган «Даладаги сартарош» полотносида биз ана шу фазилатни кўрамиз. Қишлоқ одамларига хос оддийлик, кўнглиочлик сартарош қиёфасида ўз аксини топган. «Чойга» асарида эса ўзбек аёлининг далада пичан йиғайтганларга чой келтирганини пайқайсиз. Унинг бўйи баравар нафис кўйлаги хушбичим қомастига жуда ярашган, аёл қиёфаси шу қадар тиниқ ишланганки, уни беихтиёр машҳур рус расмини Шишкин асарлари қаторига қўшгинг келади.

Мусаввирнинг «Кабобпаз», «Чойхоначи» деб номланган портрет асарлари мавзуи ҳам ўзбек халқининг ўзига хос пазандачилик санъати, ёрқин миллий фазилатларини намойиш этади. 50-60-йилларда яратилган бу полотнолар умри боқий, теран мазмунли асарлар сирасига киради.

— Чорвадор, соҳибкор, хуллас меҳнат кишиларининг оддий ҳаёти, турмуш тарзи менга болалигимдан яхши таниш. Уқувчилик йилларим уларнинг қиёфасини чизишга уринардим, — деб ҳикоя қилади мўйқалам соҳиб. — Тасвирий санъатга ҳавасим туфайли Тошкент бадиий билим юртига ўқишга кирдим. Уқини тугатаётганимда уруш бошланиб қолди. Кўнгиллилар сафида она Ватан ҳимоясига отландим. Жангларнинг бирида контузияга учрадим. Қулоқларим эшитмай қолди. Жароҳат кейинчалик кўзларимни ҳам хиралаштирди. Аммо дўстларим кўзойнак ҳамда қулоқларимга маҳсус эшитиш аппаратлари топиб беришди. Улар ёрдамида касбимни давом эттирдим.

Рассом талайгина рангтасвир полотнолар ижод қилди. Уларнинг дастлабки нусхалари дала меҳнаткашлари, балиқчилар, асаларичилар, чорвадорлар билан бевосита мулоқотлари асосида қоғозга тушди ва кейинчалик кўргазмаларда намойиш этилиб, санъаткорнинг номини элга танилди. «Жиззах кўзғолони», «Бахмалда тўй», «Асалчи бобо» асарлари шулар жумласидандир. «Бахмалда тўй» асари Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи фондига қабул қилинди.

Кейинги йилларда рассом ижоди янада сайқал топди. «Чорвачилик» туркуми ниҳоя-

сига етказилди. Эндиликда бу мавзу бутун бир галереяни ташкил этади.

...Кенг яйлов. Чўпонлик таёғини маҳкам тутган она хаёл оғушида, бардам қиёфада қараб турибди. Унинг соч толалари оппоқ, юзларига ажин чизик ташлаган. Эғнида азадорлигини билдирувчи кўм-кўк кўйлак. Кўксига иккита медаль тақиб олган. Афғонистондаги нотинчлик совет кишиларининг ҳам тинчини бузди. Афғон халқини ички душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўзбек ўғлонлари ҳам жўнаб кетишганди. Аммо афсуски, уларнинг кўпчилигига она юртига соғ-омон қайтиш насиб этмади. Халқ бўлганлар орасида аёлнинг ўғли ҳам бор.

Чўпон йигитнинг онаси юрак тафтини босиш, овуниш учун қаҳрамон ўғли медалларини тақиб, чўпонлик касбини давом эттиришга аҳд қилган. Унинг вужудида тарбиянинг соф ва гўзаллигини, замон тинчилигини асраш, урушга нафрат туйғуси акс этиб турибди.

«Чорвачилик» туркумидаги асарлар мазмун жиҳатидан бир-бирини тўлдиради. «Чўпон бобо» асаридаги қаҳрамон молларни боқиб, уйига қайтиш олдида тоғ ёнбағрида мевалари пишиб етилган бир туп дўланани кўриб қолади. Бошидан қалпоғини олиб, дарахт шохларидаги меваларни тера бошлайди. Вужудидаги қувонч, болаларни эркалатишга хос характер ифодаси асар ғоясини очишга қаратилган. Ҳа, бобо неварасига дўлана олиб келишга ваъда берганди. Ниҳоят, дўлана топилди. Ейилиб юрган моллар галаси, сахий табиат, дўлана, қувноқ чўпон бобо образи рангтасвирнинг томошабоп бўлишини таъминлаган.

Рассом қишлоқ ҳаётини кузатиш баҳонасида халқ яратган маданиятни тасвирда жонлантиришга интилади. Чорвадорларга қулай қўл тегиримон, ўғир, хованча, това, мешкоп, урчуг ва бошқа буюмларнинг нафис тасвири шундан далолат беради.

«Урчуқли қиз» асарида рассом урчуқда ип йиғираётган қиз портретини яратиш билан қадимги дастгоҳ — урчуқни шу қуларда ҳам халқ ҳунармандлигидан тушмай қадрланаётганини мадҳ этади.

Еки «Чўпонлар дам олишда» рангтасвирини кўрайлик. Ям-яшил оромгоҳ жойда чўпонлар маданий дам олишаёпти. Халқ бахшиси дўмбирада қандайдир куй чалиб, «Гўр-ўғли»ми, «Алпомиш» достониданми айтаёпти. Бир тарафда мешкопдан пиёлаларга қимиз қуйилиб, ўтирганларга тортилаяпти. Мешкоп ҳам, қимиз ҳам қадим замонлардаги халқ маданияти йўқолиб кетмай, халққа хизмат қилаётганини билдиради. Халқ маданиятининг қадрига етиш, уни авлодан-авлодга етказиб бориш лозимлигини уқтиради.

Дарҳақиқат, Зокир Иноғомов ҳаётини, ҳо-зиржавоб, ҳамма учун тушунарли асарлари билан томошабинлар қалбига йўл топди. Унинг «Қишлоқ келини» асарида келинларга хос ҳаё, тортинчоқлик, туганмас нафосат тасвирини кўрамиз. Миллий либосда яшнаб очилган келиндаги соддалигу дилдорлик санъат муҳлисининг қалбини ҳаяжонга солади. Зокир Иноғомов асарлари Москвада очилган бир қанча кўргазмалардан ташқари, республикаимиз пойтахти Тошкент, шунингдек, Тошкент областининг Оржоникидзе районидаги унинг ўзи туғилиб ўсган Ленин номи колхоз маданият саройи, Арнасой ва Бахмал районлари клубларида намойиш қилинди. Рангтасвирларга кўчган қишлоқ ҳаёти муҳлисларни мафтун этди.

Зокир Иноғомовнинг ниҳоясига етиб қолган кейинги асарлари «Уроқчилар», «Пичан йиғувчилар», «Чорвадорлар сардори» деб номланади.

— Шу билан «Чорвачилик» туркумига нуқта қўйсам ҳам бўлади, — дейди рассом уларга кўз ташлаб.

Қишлоқ ҳаётини куйлаб келаётган бу рассом ижодига бошқаларга тақлид қилиш, зўрма-зўракилик мутлақо ёт. У ўз кучи, қобилиятига яраша асарлар яратишга ҳаракат қилиб келмоқда.

«Чорвадорлар сардори» асарида кекса чорвадор ва унинг ўғли олдинги планда акс эттирилган. У ўғлига пичан жамғаришдан тортиб, чорва молларининг туёғини кўпайтиришгача бўлган сирларни ўргатиб келган. Бобо яна ишдан қайтаётганда дил сўзларини унга айтиб, насиҳат қилаётгир.

Рассом хонасидан чиқар эканмиз, унинг қаҳрамонларининг прототипларига қизикдим. Зокир ака кулиб шундай деди:

— Қаҳрамонларим кимлар эканлигининг унчалик аҳамияти йўқ. Улар кўпроқ умумлашма — типик образлар. Биз рассомлар албатта натурага, яъни қаҳрамоннинг ўзига қараб ишлаймиз. Шу сабабли ҳам улар кимлар эканлигини ўзимиз, айрим дўстларимизгина билишади.

Рассомлик санъати мана шундай сирли. Асар прототипларини синчков санъатшуносларгина излаб, суриштириб билиб олишади. Масалан, Зокир ака «Чойга» асарини яратганда бош қаҳрамон аёл унинг рафиқаси сурати экан. СССР халқ рассоми. Урол Тансиқбоевнинг «Ўзбек портрети» асарида ифодаланган қаҳрамон биринчи миллий рассоми-миз Акром Тошканбоев эканлигини камдан-кам киши билади. Раҳим Аҳмедовнинг машҳур «Солдат меҳнатда ҳам солдат» портретини фарғоналик тракторчи Каримов экан. Бу каби прототиплар билан қизиқарли суҳбатлар уюштирилса арзийди. Рассом Зокир Иноғомовнинг «Чойхоначи», «Кабобпаз» ва бошқа етук асарлари қаҳрамонлари ҳам албатта маълум шахслардир.

ТОЖИКИСТОН МУСИБАТИ

Қачонлардир: «Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмаймиз, табиат устидан ҳукмронимиз», деб жар солмаган бўлмайлик, табиат олдида, унинг кучи олдида инсон боласи ожиз. Арманистон ва Тожикистонда юз берган даҳшатли зилзилалар бунинг яна бир қарра исботидир. Ҳали биз фан ва техника ютуқларига суяниб табиат қонунларини чуқур ва изчил ўрганишимиз, юз берадиган табиий офатлардан олдиндан огоҳ бўлиш воситаларини топишимиз лозим.

Биз қардош арман халқининг қайғусини «ҳазм» қилишга улгурмасданоқ тожик халқи бошига тушган оғир мусибат қалбларимизни қайтадан ларзага келтирди. Ахир, юрак ларзага келмай бўладими! Тоғ бағридаги хушхаво, сўлим Шарора қишлоғи бутун бошли қабристонга айланган бўлса. Оққўли Боло, Оққўли Поён қишлоқлари харобага айланди. Ота фарзандсиз, она боласиз муштипар қолди. Мактаблар ва боғчалар бағрини тўлдириб юрган қувноқ, жажжи болажонлар тоғ кўнкиси остида жон бердилар. Шарора қишлоғида 20 метрли баланд кўчки — тош аралаш лой тағида кўплаб одамларнинг жасадалари қолиб кетди. Уларни очиб олиб, дафн этишнинг мутлақо иложи бўлмади. Шарора қишлоғида жасадаларни қидириш ишлари ноиллож тўхтатилди. Ана

шунда Тожикистон мусулмонлари қозиси Ҳожи Акбар мусибат гирдобидида қолганларга мурожаат этиб: «Майли энди, одам қаерда ажални кутиб олган бўлса, унинг жасади ўша жойда қолсин. Бу, шариятга, мусулмон одатига зид эмас», дея тасалли берди. Ҳа, Шарора қишлоғи биродарлик қабристонига айланди. Бу қанчалик мусибатли. Ҳа, табиатнинг қутурган кучлари олдида ҳали ожизмиз.

Яна аянчлиси шундаки, Тожикистонда ҳали Қайроққум, Жирғатол, Помир зилзилаларининг жароҳатлари битмасдан туриб, Ҳисор зилзиласининг юз бериши қардош тожик халқи учун жуда оғир бўлди. Аммо бир нарса тасалли берадики, шундай оғир дамларда тожик биродарларимиз ёлғиз эмаслар.

Совет Иттифоқи деб аталмиш улуғ оилага уюшган турли миллатлар ва элатлар арман халқига зарур ёрдам кўрсатганларидек, қардош Тожикистонга ҳам зудлик билан ёрдам қўлларини чўздилар. Зилзила юз берган куннинг эртасигаёқ палаталар, иссиқ кийим-бошлар, дори-дармонлар ортилган махсус самолёт Тошкент аэропортидан Душанбе томон парвоз қилди. Шу-шу республикамиздан зилзиладан зарар кўрган қардошларимизга турли хил ёрдам кетма-кет уюштирилди, юзлаб ҳамюртларимиз ўзларининг шахсий жамғарма-

Шарора қишлоғи. Аянчли асорат.



ларидан зилзиладан зарар кўрганлар учун махсус очилган счёта пул ўтказдилар. Айни кунларда ўзбекистонлик қурувчилар Ҳисор районида бошпанасиз қолганлар учун тураржойлар, маиший-маданий хизмат кўрсатиш иморатларини қуришда жонқуярлик билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳа, зилзила юз берган районда бугун Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон, Украина, Молдавия, Эстония, Татаристон ва бошқа қардош республикалардан келган қурувчилар янги гузарлар бунёд этмоқдалар.

Дарвоқе, Арманистонда, кейинроқ эса Ҳисорда бўлган зилзилаларнинг аянчли оқибатларини кўриб ўйлаб қоласан киши. Ахир, қачонгача тураржойларни сифатсиз, сейсмик ҳолатларни ҳисобга олмасдан қуриб, мислсиз қурбонлар кўраверамиз? Бундай талофатларга чек қўйиш имконияти йўқми?

Шу жиҳатдан машҳур адибимиз Чингиз Айтматовнинг қардош тожик халқига куюниб йўллаган телеграммасидаги мантиқ минг қарра ҳаққоний: «Даҳшатли Ҳисор зилзиласида кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлиши — бу ҳаммамиз учун катта мусибатдир. Помир ва Тяньшань

тоғларида яшайдиган бизнинг халқларимизнинг тақдири шундай. Мен ўзимга, ахир қачонгача фан ва оқилна ташкил этиладиган иқтисод мана шундай тоғ офатларининг қонуниятларини билишга қаратилади ва демографик жойлашиш илмий жиҳатдан асосланиб берилади ёки биз доимо зилзилаларнинг маънисиз қурбони бўлиб қолаверамизми, деб савол бераман. Инсон, бундан минг йил илгари бўлганидек, даҳшатли офатлар олдида мутлақо нажотсиздир. Сейсмология бизнинг бутун регионимиз билан жиддий шуғулланиши, бунга маблағни қизғанмасдан, илмининг бугунги даражаси миқёсида ҳамкорлик қилиш зарур. Бу масалани сизлар ҳам, бизлар ҳам кўндаланг қўйишимиз керак».

Айни муддао: зилзилашунос олимларимиз, қолаверса, мамлакатимизнинг илм аҳли умумий куч билан зилзиладек даҳшатли офатга тийиқ топишлари керак. Бу иш бугунги кунда коинот ўзлаштиришдан ҳам зарур.

Ш. ДУСТБЕРДИЕВ

Мамлакатнинг турли томонларидан ёрдамга келдилар. Ҳамма зилзила етказган «жароҳат»ни тузатишга киришди.



Ҳамма оғирлик яна солдатлар зиммасида.
М. СКУРИХИНА фотолари (ТАСС фотохроникаси)



РАҲБАРИЛИКНИНГ ДАВОМИ

«Колхозни олдинги қаддига келтириб бўлармикин? Қийиндиров. Турғунлик даври асоратида хўжалик издан чиқиб кетди-да. Колхознинг асосий раҳбарлари пахтачиликдаги қўшиб ёзишда айбланиб қораланди. Ана шу нуқсонлар оқибатида колхозда меҳнат интизоми бузилди, одамлар ўз меҳнатларига йиллар давомида ҳақ ололмаганлари сабабли даладан безиб қолдилар. Ҳар ким ўз тирикчилиги билан овера...»

«Қурбон Ҳақбердиев Энгельс номли колхозга яна раис бўлибди», деган хабарни эшитганимда ҳаёлимдан ана шу фикрлар ўтди.

Ҳақбердиев бу колхозда илгари ҳам раислик қилган эди. Уч-тўрт йил эмас, роппа-роса ўн уч йил бошқарди бу хўжаликни. Қурбон ака бу лавозимга Шаҳрисабз район партия комитетининг иккинчи секретарлигидан ўтган эди.

Дарвоқе, Н. С. Хрушчев даврида анча-мунча мақбул ишлар ҳам юз берган эди. Шахсан унинг ташаббуси билан 60-йилларнинг бошларида колхоз ва совхозлар етук, партиявий кадрлар билан мустаҳкамланди. Ушанда Қашқадарё областининг бир қатор районларида ҳам партия ва совет ходимлари колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлик вазифаларига тавсия этилдилар. Ҳақбердиев ҳам ўшаларнинг бири эди.

Қурбон ака бунгача комсомол ва партия ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишлаган бўлса-да, илгари бевосита ишлаб чиқаришда ишлаб кўрмаган эди. Шу сабабли у колхозда дастлабки қадамларини эҳтиёт босди. Каттами, кичикми — барча ишни мулоҳаза билан, гапга етар оқсоқоллар билан бамаслаҳат бажаришга ҳаракат қилди.

— Область ёки район марказидан туриб хўжаликларга раҳбарлик қилиш, тегишли кўрсатмалар бериш осон, — деди Қурбон ака ўша йилларни эслаб. — Лекин ишлаб чиқаришга қанчалик яқинлашиб, унинг ичида аралашиб ишлаган сари хўжаликнинг ўзига хос томонларига, қийинчиликларга дуч келаверасиз. Ҳойнаҳой, шу қийинчиликларнинг моҳиятини ҳис қилишга уриниб, билмаганингизни билганлардан сўраб, ишлаб чиқаришнинг тажрибали кишилари билан маслаҳатлашиб иш тутсангиз, адашмайсиз. Агар «мен ягона раҳбарман, айтганимни қилдираман», қабилида иш кўрсангиз-чи? Унда тез қоқиласиз, элнинг назаридан қоласиз...

Қурбон аканинг бу гапери бундан бир неча йиллар илгари Самарқанд областининг Иштихон районидаги «Халқобод» колхозининг раиси, мўътабар инсон (эндиликда марҳум) Мурод Жўраевдан эшитганим ҳайратомуз бир ҳикояни эсимга туширди. Ушанда Мурод ака Жиззах район партия комитетининг биринчи секретарлиги вазифасидан бўшаб, ўз қишлоғига, аниқроғи, «Халқобод» колхозига ишга келган эди.

— Йигирма йилдан ортиқроқ вақт район партия комитетининг секретари, район ижроия комитетининг раислиги вазифаларида ишладим, — дея гап бошлаган эди ўшанда Мурод ака. — Лекин шундай бўлса-да, хўжалик ишини яхши билмас эканман. Буни «Халқобод» колхозига раис бўлиб келганимда, тўғриси, хўжалик ишига бевосита аралашганимдан кейин билдим. Бунгача район марказидан ёки бўлмаса, энгил машинада «чайқалиб» колхоз ва совхозларга борганда «от устида» хўжаликларнинг раҳбарларига билиб-билмай ҳар хил топшириқларни, кўрсатмаларни бераверганмиз. Бу топшириқни ўша муайян колхоз ёки совхоз шароити кўтарардим, йўқми, буни инobatга олмаганмиз.

Бошга тушса кўз кўрар, деганларидек, колхоз ташвиши зиммамизга тушиб, хўжалик шароитларининг нозик томонларини аста-секин тушуна бошладик. Афсуски, тушунгунча бир эмас, икки марта жиддий панд еганман. Шу-шу елкадош фаоллар олдида ҳали-ҳали хижолатдаман... Шу денг, энди раис бўлган пайтларим эди. Бригадир бор жойда табелчининг нима кераги бор деб ўйлабман. Хўжалик фаоллари билан ҳисоблашмасдан, колхоз правлениесининг қарори билан барча бригадалардаги табелчилик штатларини қисқартирдим. Бу шахсан менинг «ташаббусим» билан бўлди. Тагин денг, ўшанда «биз тежамкорлик бўйича ташаббус бошладик», деб бутун областга жар солибмиз. Бу «ташаббус»га оид ҳужжатларни ҳатто область партия комитетига тақдим этганмиз. Область партия комитетининг бюроси «ташаббусимиз»ни маъқуллади. Область газеталарида эса ташаббусномамиз босилиб чиқди. Афсуски, орадан кўп ўтмасдан табелчини қисқартириб, катта хатога йўл қўйганимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Дангалини айтганда, табелчи — бу чопиқ даврида ҳар бир туп ғўзанинг қоровули, ҳар кун эрталаб дала бошида ишловчиларни бирма-бир кутиб оладиган, уларни назорат қилиб ишлатадиган асосий киши экан. Бригадаларимизда ишлар бир-мунча оқсаб қолганидан сўнг дардимизни ичимизга ютдик-да, ҳамма табелчилик штатини оҳистагина тиклаб юбордик. Бу ишни энди жар солмасдан қилдик. Чунки жар солишга энди юзимиз чидамас эди-да...

Қани энди ҳар бир раҳбар, айниқса, янгилари ўз фаолиятида шу таҳлитда иш тутса дейман ўзимча.

Қаҳрамонимиз Қурбон Ҳақбердиев ҳам ҳамини кўп билан кенгашиб иш тутадиган сермулоҳаза кишилардан. Уни Энгельс номли колхоз аъзолари талаб қилишиб, орадан ўн бир йил ўтгандан кейин раисликка қайта сайлаганликларининг боиси шу.

У колхозга биринчи гал раис бўлиб келганида, яъни 1961 йилда хўжалик давлатдан 1 миллион 400 минг сўм қарз эди. Бу қарзни узаш, хўжаликнинг издан чиққан ишларини йўлга солиш янги раис учун осон кўчмаган эди. Қурбон Ҳақбердиев дастлаб одамларнинг қалбига йўл топишга уринди, қишлоқ аҳлининг дардини эшитишга, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини билишга синчковлик билан киришди. Бунда у биринчи навбатда, колхозга аллақачонлар хизматлари сингган оқсоқоллар билан маслаҳатлашди, мавжуд муаммоларни ҳал этишда уларнинг фойдали фикрларига таянди. Мамат Қосимов, Муҳаммадали Раҳимов, Норбобо Хуррамов, Уроқ Ҳотамов, Шукур Тўраев, Асад Раҳмонов сингари колхознинг кекса, аммо ишбилармон фаоллари янги раиснинг яқин маслаҳатчилари эдилар. Қурбон ака ўн уч йил раислик даврида колхозни чинакам намунали хўжаликка айлантира билди. Пахтачиликда ғўзани илғор тупкочи усулда парвариш қилиш, чигитни аниқ миқдорда экиш тартиби деҳқончилик қонунига айланди. Ўша йиллар давомида пахта ҳосилдорлиги гектарига 38,8 центнерга кўтарилди. Хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам жиддий ривож топди. Бу тадбирларнинг самараси ўлароқ колхознинг пул счеотида доим 7—7,5 миллион сўм маблағ жамғариладиган бўлди. Мавжуд моддий имконият эса хўжаликда маданий ва ободонлаштириш ишларини яхши йўлга қўйиш учун шароит яратди.

Республикада биринчи марта шу колхозда Турмуш маданияти халқ университети ташкил этилган эди. Университетга жалб этилган оналар, уй бекалари оилавий гигиена, меҳмон ку-

тиш, болани оила шароитида тарбиялаш, уй шароитини жиҳозлаш, миллий таомлар тайёрлаш (айниқса, ёш оилаларда) каби масалалар бўйича таълим олар эдилар.

Хуллас, раис ўзининг омилкорлиги, ғамхўр ташкилотчилиги билан эл-юрт назарига тушиб, партия ва совет ташкилотларининг эътиборини қозона бошлаган эди.

Билмадик, шу нарса сабаб бўлдими, 1961 йил охирида Қурбон Ҳақбердиев фаолиятида ўзгариш юз берди. У юқори партия ташкилотининг тавсияси билан Ғузор район партия комитетига биринчи секретарь қилиб сайланди. Афсуски, Ҳақбердиевга бу масъул вазифада узоқ ишлаш насиб этмади. Бир ярим йил ўтар-ўтмас уни бу вазифадан бўшатдилар. Нега дейсизми? Бўёғини эшитинг. Ушанда кўп қатори бизнинг қулоғимизга ҳам: «Ҳақбердиев область партия комитетининг биринчи секретари Рўзмат Ғойибов билан келишолмагани учун ишдан бўшатилибди», деган гап чалинган эди. Қурбон ака билан кейинроқ учрашганимда бу гапга аниқлик киритишга уриндим.

— Сизга ҳам маълумки, Ғузор районининг асосий қишлоқ хўжалик тармоғи — бу чорвачилик, — дея вазмин, лекин қандайдир ички куюниш билан гап бошлади у ўша кезларни эслаб. — Мен район партия комитетининг секретари бўлиб боргач, қишлоқ хўжалик бошқармаси мутахассислари, иқтисодчилар иштирокида 24-форма бўйича хўжаликлардаги чорва молларини тафтишдан ўтказтирдим. Текширув натижаси ваҳимали эди: совхозларда, колхозларда 76 минг бош қўй етишмасди. 24-форма мазмуни баён этилган махсус ҳисобот дафтариди эса бу қўйлар бор, деб кўрсатилган эди. Район бўйича ғўшт, сут, жун тайёрлаш планлари ҳам мана шу сохта рақамлар асосида тузилган эди. Бундай шароитда белгиланган планни ҳалол, тўғри бажаришнинг мутлақо иложи йўқ эди. Бунинг учун, пахта тайёрлашда бўлганидек, кўзбўямачилик қилишга мажбур эдингиз. Биз бу хавфли йўлни танламадик. Қоғозда бор, амалда йўқ шу 76 минг бош қўй хусусида обкомнинг биринчи секретари билан ошқора гаплашишга тўғри келди. Уртаимизда мана шундай гап бўлиб ўтди:

— Рўзмат Ғойибович, район бўйича 76 минг бош қўй етишмайди. Бу жуда ташвишли аҳ-



Малоҳат Турсунова — колхознинг илғор товуқбоқари.



Жўра БОБОРАХМАТОВ
фотолари

Колхоз раиси Қурбон Ҳақбердиев (ўнгда) соғувчилар Т. Ашурова, Санобар Ҳазратқулова, молбоқарлар Тошпўлат Жумаев ва Усмон Шукуров билан суҳбатлашмоқда.

вол. Биз чорвачилик планини тузиш олдидан орани очиқ қилиб олишимиз керак.

— Хўжаликларнинг чорва молларини тафтиш қилиб, нега ташвишни кўпайтирасиз? «Қозда борми, «бор деб», қўявермайсизми.

— Ахир, бу аҳволда чорва планини бажариб бўладими?

— Плани қандай бажаришни бизга сиз ўргатманг. Ишлаёлмасангиз, удалай олмайман деб айтинг. Биз ўрнингизга муносиб одамни топамиз.

Тўғри гап билан туғишганимга ёқмадим, деганларидек, Ғойибов билан шу-шу орамиз носоз бўлиб қолди. Уша кезларда у араз қилиб, ойлаб менга телефон қилмай ҳам қўйди. Вазифамдан кетишга мажбур бўлдим. Шундан сўнг бир неча йил область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш инспекциясида ишладим. Бу даврда у билан бир неча бор қаттиқ ташлашдик... Уша қалтис олишувлар вақтида саломатликни анча бўшаштириб қўйдик, диабет, ҳа, қанд касалини орттириб олдим... Шаҳрисабз районидоги Фрунзе номли колхозда раис бўлиб ишладим. Колхозчилар, мутахассислар билан биргалашиб бу хўжаликни бирмунча оёққа турғизишга муваффақ бўлдим. Шу орада мана шу Энгельс номли колхоз аъзоларининг «Олдинги раисимиз ўзимизга келсин!» деб қилган талабларидан кейин 1984 йилда шу колхозга яна қайта раис этиб сайландим. Очиғини айтсам, колхозга биринчи куни келган кунларим, ўзимни азали уйга киргандек ҳис этдим. Нега десангиз, пахта тайёрлашдаги фирромликлари учун колхознинг олдинги раиси ҳам, бош бухгалтер, кассир ҳам қамалган эди. Уларнинг оила аъзоларининг ҳар кунги нидоси кайфиятимизга ёмон таъсир қиларди. Шунинг учун ҳам колхозда кўпчиликнинг руҳи синиқ эди. Кишиларда ишга, меҳнатга қизиқиш мутлақо сусайиб кетган эди... Лекин одамларимизга раҳмат, ўзлари талаб қилиб олган раисларига, яъни менга қаттиқ ишониб изимдан эргашдилар...

Қурбон Ҳақбердиев кейинги раислик фаолиятини бузилган уйни қайта тиклашга киришган устадек бошлаган эди. У дастлаб одамларнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди. Колхозда ишлайдиган каттаю кичик — ҳаммага бир нарсани қаттиқ уқтира билди. Пахта тайёрлашдаги кўзбўямачилик билан боғлиқ ҳолда халқ бошига тушган мусибат — бу фақат бизнинг республикамизга хос бўлган фожиагина эмас, балки мамлакат миқёсида давр фожияси даражасигача кўтарилган катта иллат эканлигини, бу касофат учун фақат Рашидовгина эмас, балки узоқ йиллар партиянинг Бош секретари лавозимида ишлаган ўша нопок Брежнев ва унга елкадош бўлган баъзи шўхратпарастларнинг барчаси айбдор эканлигини

кишиларга қайта-қайта тушунтирди. Бу доғни фақат ҳалол меҳнат, фидойилик билан ювиш мумкинлигини, бу эса бугунги кунда бутун колхозчиларнинг бирдан-бир бурчи эканлигини кўпнинг онгига етказди. Баъзи нопок юртдошларининг хиёнатларидан бели букилган деҳқонлар аста-секин қадрларини ростлай бошладилар. Айниқса, қайта қуриш даъвати билан кучга кирган демократия ва ошкоралик ҳуқуқлари уларга қанот бағишлади. Шу-шу колхозда ишлар кўпнинг кучи билан аста-секин изга тушабошлади. Йил сайин пахта ҳосили ортиб борди, бошқа тармоқлар бўйича ҳам дуруст кўрсаткичларга эришилаверди. Яхшиси, кейинги 1988 йилги кўрсаткичларга бир эътибор берайлик.

Колхозда 2440 гектар майдонда пахта етиштирилди. Ялпи ҳосил пландаги 7140 тонна ўрнига қарийб 8,5 минг тоннани ташкил этди. Ҳамид Ашуров, Ғайбулла Файзиев, Жўрақобил Туропов, Тўра Раҳимов сингари илғор бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 36 ва ҳатто 41 центнерга етди. Ялпи ҳосилнинг 2200 тоннаси машиналарда териб олинди. Хўжалик пахтаниннг ўзидан 8 миллион сўм даромад қилди. Шунингдек, давлатга 102 тонна пилла топширилиб, шу ҳисобга хўжаликка 1 миллион сўм даромад келди. Хўжалик давлатга 1200 тонна сут, 40 тоннадан ортиқ пиёз уруғи (бир килограмм уруғнинг харид нархи 25 сўм, бу ҳам кони фойда), 590 тонна маккажўхори уруғи, кўп миқдорда гўшт, сабзавот-мева ва полиз маҳсулотлари топширилди. Шуларнинг ҳаммаси ҳисобига колхоз бир йилда 15 миллион сўм даромад қилди. Иқтисод зўр бўлгани учун ҳам бугун колхознинг ҳамма нарсасига қўли етди. Хўжаликнинг турли участкаларидаги «Навбахор», «Табассум», «Ғунча», «Дилором», «Оқ олтин» боғчалари (жами олтита)га мактабгача бўлган болаларнинг ҳаммаси қатнайди. Уларнинг кийим-боши, овқати бепул, колхоз ҳисобидан. Олтита боғчаниннг ҳар бирига биттадан автобус бириктирилган бўлиб, кичикинтойлар шу автобусларда эрталаб уйларида олиб келинади, кечқурун эса олиб бориб қўйилади. Болалар учун яратилган бундай қулай шароитлар уларнинг ота-оналари учун қанчалик энгиллик эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Колхоз боғбонларидан бири йўл-йўлакай бир гапни айтиб қолди: «Раисимиз жудаям одамларга, айниқса, болаларга ғамхўр-да. Мана икки йилдан бери колхозда 41 туп катта оқ тут, яъни балх тутининг баргини кесдирмасдан, унинг мевасини, аниқроғи, шиннисини колхозчиларнинг оғзига тутаяпти. Ҳа, боғчадаги болаларимиздан томоғи тут шинниси билан «босилганидан улар ангина деган дардга чалинганлари йўқ...»

Гарчи, такрор бўлса ҳам бир фактга яна эътиборингизни тортмоқчимиз. Колхоз кейинги

йили давлатга 102 тонна пилла топшириб, шу ҳисобга 1 миллион сўм даромад кўрди, дедик.

Шунча кўп миқдорда пилла етиштирган ҳолда бир қатор катта тутларнинг баргини кестирмасдан, уларда тут мевасини етиштириш, — бу ўзига хос чинакам омилкорлик эмасми! Сирасини айтганимизда, бундай уддабуронлик фақат Қурбон Ҳақбердиевга ўхшаган ташкилотчи, одампарвар раисларнинг қўлидан келади, холос.

Биз раис билан мавжуд муаммолар хусусида гаплашганимизда ҳам ундан жуда фойдали мулоҳазаларни эшитдик. Қурбон ака 1995 йилгача колхозда уй-жой масаласи тўла ҳал этилишини таъкидлаб, бизнинг эътиборимизни хўжаликнинг турли участкаларида қурилаётган янги уйларга, айниқса, ёшлар учун бунёд этилаётган ўзига хос ёшлар шаҳарчасига тортди. Раис бу борада қилинаётган хайрли ишларни алоҳида эҳтирос, мамнуният билан гапириб берди.

У билан пахтачилик хусусида суҳбатлашганимизда куйиниб гап бошлади:

— Пахтакорнинг меҳнатидай оғир ва ташвишли иш йўқ. Деҳқонларимиз йил-ўн икки ой далада бўладилар, десак ишонаверинг. Очиғини айтганда, биз кўп йиллардан бери халқимизнинг соғлиғини гаровга қўйиб, пахта етиштираяпмиз. Бефаҳм, шўхратпараст раҳбарларнинг зўравонлиги билан турғунлик йилларида ерларимиз заҳарланиб кетди. Шунинг учун ҳам истеъмош қиладиган таомларимиз таркиби соф эмас. Болалар ўлимнинг кўплиги, уларнинг майиб-мажруҳ туғилиши, носоғломлиги — ҳаммаси кимёвий дориворларни деҳқончиликда меъёрсиз ишлатаверганимизнинг асоратидир. Биз ҳаммамиз, қайта қуриш туфайли берилган имкониятлардан фойдаланиб, бу дардларимиз хусусида бугун ҳар қачонгидан кўра кучлироқ бонг уришимиз лозим. Акс ҳолда кечикамиз... Яна бир масала. Пахтаниннг харид нархи хусусида қуюнаётганимиз бежиз эмас. Пахтаниннг харид баҳосини ошириш керак. Ҳатто пахтаниннг харид нархида зоналар ўртасида фарқ бор. Масалан, Қамашчи районида ҳар тонна пахтага Шаҳрисабз районида қараганда кўпроқ тўлаш кўзда тутилган. Бу қанақаси?! Биз 1988 йил учун етиштириладиган пахта салмоғи ярим миллионга камайтирилганини эшитиб, бирмунча қувонган эдик. Лекин тола етиштириш планининг одатдаги 29 фоиздан 33 фоизга, бу йил эса 34 фоизга чиқарилиши бизни яна ташвишга соляпти. Ахир, 33 фоиз тола етиштириш — бу жуда оғир масала! Бу хусусда ҳам мутахассисларни нуфузли раҳбар ўртоқлар, планлаштириш идораларидаги мутасадди ходимлар обдон ўйлаб кўришлари лозим. Биз бундан кейин пахта майдонини кўпайтиришга эмас, ҳосилдорликни оширишга зўр беришимиз керак. Иложи борица пахта майдонини камайтириб, алмашлаб экишни агротехника талаблари асосида тўғри йўлга қўйишга ҳаракат қилишимиз зарур. Буни бугунги зарурият тақозо қилмоқда. Ўзбекистон дотация ҳисобига яшаяпти, деган оғир гапни қачонгача кўтарамиз? Ахир, қачонгача ҳатто мева шарбатигача Белоруссияга ўхшаган республикадан келтирамиз. Агар имконият яратилса, асалдек ширин меваларни, мўл-кўл гўшт-сутни етиштиришга деҳқонларимиз қодир.

Биз Қурбон Ҳақбердиев билан хайрлашарканмиз, унга атайин ҳазиллашдим:

— Қурбон, ака, мабодо юқори партия ташкилотлари Сизни яна бир районнинг партия комитети секретарлигига тавсия этишса, рози бўлармидингиз?

— Асло. Чўпон таёғини бир марта олдиради. Энди ҳаммиша меҳнаткаш халқ орасида бўлишга, ҳалол хизматим билан унинг эътиборини қозонишга интиламан, деган ниятдаман. Эл назаридан қолмасликка, ҳалол хизматим билан унинг эътиборини қозонишга интиламан...

Ҳа, Қурбон Ҳақбердиев колхоздаги раҳбарлик фаолиятининг давомини ана шундай эзгу ният билан амалга оширмоқда. Яхшиларга омад ёр бўлсин!

Шомурод СИДДИҚОВ



ИККИНЧИ ПАРДА

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Иккинчи кўринишдаги манзара. Карим креслода ўтириб наша тутатмоқда. Белига рўмол боғлаб олган Лобар бир куйга рақс тушапти.

Карим. Рақсингга беш кетаман-да, Лобарина. Рақс тушсанг яна ҳам жозибали бўлиб кетасан. *(Карим сигарета узатади, Лобар бир-икки тортади.)*

Лобар. Ичадиган бирор нарсанг йўқми?

Карим. Сен учун топилади, жоним. Нима ичасан, ароқми, коньякми? Любойидан топаман. Мана! *(У диван орқасига қўл тикиб наполеон коньягини олади.)* Қалай?

Лобар. Ў, жуда зўр-ку, бунақасини сира кўрмаган эдим, қаердан олдинг?

Карим. Узумини егин-у, боғини суриштирма.

Лобар. Қуяқол *(Карим ичимликдан рюмкаларга қуяди.)*

Карим. Лобарина, мен мана шу қадаҳни сен учун кўтараман. Қани, олдик *(ичишади. Карим газагига плиткали шоколад узатади.)* Лобар, зўр бир бойвачча бор, жуда сенбоп. Таништириб қўяйми?

Лобар. Кераги йўқ.
Карим. Жудаям бойвачча, соққаси жуда кўп. Яхши тўлайди.

Лобар. Керак эмас. Бир тийини менга керак эмас.

Карим. Гапнинг очиги, ампуланинг нархи соат сайин ошиб борапти. Сенинг организмнинг энди уколсиз тамом бўлади. Пулни қаёқдан олсан, тентак. Бу сенга дихлофос эмас, магазинларда тикилиб ётадиган.

Лобар *(гапни буриб).* Карим, мен сенга ёқаманми?

Карим. Албатта!

Лобар. Анову кизларчи?!

Карим. Улар сенинг олдингда бир пул, қуяйми?

Лобар Қуй. *(рюмка тугади.)* Фақат дорингдан уч кубик берасан.

Карим. Майли... Хўп... Фақат *(имо қилади.)*

Лобар. Майли *(ансамбль шўх куй чалади. Лобар рюмкага бироз тикилиб туриб сўнг жаҳл билан ерга уради.)* Аблах, ҳамманг аблахсанлар. Сенларни кўргани кўзим йўқ *(хўнграб йиғлайди.)*

Карим *(меҳрибонлик қилиб)* Лобарина, сенга нима бўлди-а?

Лобар *(бироз ўзига келиб)* Бошқаларга ўхшатма мени, тушундингми, ўхшатма!

Карим. Майли, майли. Фақат тинчлан! *(Карим коньяк қуяди.)*

Лобар *(олиб ичиб)* Зўр экан!

Карим. Пулиям зўрда.

Лобар. Аблахсанда, жуда ярамассан, Карим. Доим пул-пул

дейсан. Агар иложи бўлса ҳавони ҳам пулласанг.

Карим. Пул бўлса, чангалда шўрва, деб бекорга айтишмаган-ку. Дорини берайми?

Лобар. Фақат пулини кейин олсан.

Карим. Майли, кейин бўлса, кейин, қани, юр, олиб бераман. *(Карим Лобарни ичкари хонага олиб кириб кетади. Людмила ва Ойгул ширакайф оёқ учида, туфлларини қўлга олиб рақс тушиб, ликиллаб кириб келишади.)*

Людмила. Виласанми, ҳар бир одамда бахт қуши бўлармиш. У доим тепангда учиб юрармиш. Фақат уни кўндиришни билсанг бас!

Ойгул. Бахт қуши қолибдими бизда. Сен билан бизнинг тепамизда қарғалар учиб юради... Қорни катта, тепакал пулдор қарғалар!

Людмила. Умуман гапнинг тўғри. Қарғалар учиб юради. Шу қарғаларнинг борига ҳам шукур. Бўлмаганда нима қилардик. Яхшиям калбошимдан бир хоналик бўлса ҳам уй ундириб олдим, обстановкасини ҳам қилиб берди. Румин гарнитурини. Лекин, ўзи роҳатини кўролмади-да.

Ойгул. Нима бало, калбошинг ўлиб қолдими. Унча қари эмасди-ку.

Людмила *(кулиб)* Нафасингни иссиқ қил, ўлмайди, қамалиб қолди. Билардинг-ку совхоз директори эди. Приписка қилган экан. Уйдан анча пул чиқибди.

Ойгул. Оббо шоввозей, миллионер экан-да? Шунча пули борлигини биларкансан, роса соғиш керак эди-да уни.

Людмила. Қаёқдан билай. У куни «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида бир дўстини кўриб қолдим. Хўжақул акам нега келмаяптилар десам, қўлга тушди, уйдан 500 мингдан ортиқ пул, тилла, бриллиантлар чиқибди, дейди. Ҳа, айтгандай, эшитдингми, «Москва» меҳмонхонасидаги оққушлар ҳам қўлга тушишибди.

Ойгул. Анаву гастролёрларми? Ҳеч нима бўлмайди уларга. Қамайдиған қонун йўқ. Штраф тўлашади, холос... Люда, шунақа иш бўйича кооператив очмаймизми-а?

Людмила. Жиннимисан, ким рухсат берарди, кооперативингга. Нима, сенга Франциями бу?

Ойгул. Меҳмонхонада ов қилишни тўхтатиб, яқинда сенинг уйингда иш бошлаймиз, тўғрими?

Людмила. Албатта, фақат ҳақини тўласаларинг бўлди. Ремонт қилдираётган эдим. Эртаниндин тугайди. Уй ҳақи таксаси — 20 сўм. Келишдикми?

Ойгул. Одамига қараб-да. Кимдан ўн, кимдан йигирма беш ундириб бераман.

Людмила. Майли, ташла қўлни!

Ойгул. Мана! *(қийқириб қўл ташлайди. Шу пайт ичкаридан Карим ва Лобар чиқиб келишади.)*

Лобар. Салом қизлар, қалайсизлар!

Карим *(қизларга қараб)* Нима бўлди чумчуқлар, жа хурсандсизлар?

Лобар. Карим, мени кузатиб қўй *(чиқиб кетишади, эшик тақиллайди.)*

Людмила. Карим, ҳазиллашма, киравер. *(Эшикдан мижозлар кириб келишади.)*

Раҳмонберди. Людахон, яхши юрибсизми? Анча бўлди кўришмаганимизга? Эски одат бўйича келавердик. Дўстини ҳам олиб келдим. Бир маишат қилайлик. Ошнам бош чўпон, сал ёши ўтганига қараманглар. Ҳали бақувват.

Людмила. Така бўлсин, сути бўлсин, мулла ака!

Дўстмурод. Пулидан қочмаймиз, жонидан.

Людмила. Унда танишинглар. Бу гўзал — Ойгул.

Ойгул. Ойгул.

Дўстмурод. Яхши, *(қизнинг қўлини ўпади. Людмила кулиб юборади)* исмлари жисмларига ярашук экан.

Раҳмонберди. Бу чўпон йигит ҳам мана-ана деганлардан, озсингизга сиққанини сўрайверасиз, қизалоқ.

Дўстмурод. *(Бир пачка беш сўмлик чиқариб столга ташлайди)* Етадимми?

Ойгул *(кулиб)* Ҳимматингиз, Раҳмонберди акамларнинг ҳурматлари учун. *(Раҳмон сумкадан ароқ, коньяк чиқариб столга қўя бошлайди. Оз-оздан ичишиб, рақсга туша бошлашади.)*

Людмила. Қанча вақтинглар бор?

Раҳмонберди. Эрталаб-гача.

Людмила. Уй эгаси...

Раҳмонберди. Тушиндим. Эллик етадимми? *(чиқариб ташлайди.)*

Людмила. Ҳа, чўпон. Эриб кетдиларми-а?

Дўстмурод *(Ойгулга тикилиб рақс тушмоқда.)* Менга халақит берма. Мен жаннатдаман. *(тўсатдан кулиб.)* Хотинимдан қўйнинг қийни ҳиди келар эди. Бу жонондан эса...

Ойгул. Чёрний магий.

Дўстмурод. Ҳа, чёрний магий, Отелло... Жаннат, жаннат.

Раҳмонберди. Уста, шарманда қилдингиз-ку! Отеллоси нимаси. У чёрний мавр демапти. Чёрний магий деган француз атири бор, ўшани айтаяпти.

Дўстмурод. Пулини тўлаб қўйганимдан кейин хоҳласам магий дейман, хоҳласам мавр дейман. *(чўнгагидан бир даста пул чиқаради.)* Ким чёрний магий эмас, чёрний мавр деса ўшанга...

Ойгул, Людмила *(бара...*



Тўлқин МУҲИДИН

вар қичқиришади) Чёрний мавр, Черный мавр. (Дўстмурод пулни сочиб юборади, қизлар қичқиришиб тераётганларида меҳмонлар уларни у ёқ бу ёғига тиқа бошлашади. Шу пайт хонага орган ходимлари кириб келишади).

Рихсиев. Жойингиздан қимирламанг (тегишли ҳужжатларни кўрсатиб бўлгач). Капитан Рихсиевман! (сержант аппаратда сурат олади) Утиринглар! Уй эгаси ким?

Людмила. Мен, тўғрироғи. Уй эгаси... Муҳаббат опам қариндошлариникига кетганлар. Булар меҳмонлар. Мен квартирантман.

Дўстмурод. Биз эса, тўғри меҳмонмиз. Пулни йиғиб олсам майлими?

Рихсиев. Узингизни қийнаманг. Аҳмедов, пулларни йиғиб олиб, санангчи?

Аҳмедов (йиғиб олиб санайди). 340 сўм экан.

Рихсиев. Акт тузамиз.

Раҳмонберди. Биз меҳмонмиз. Илтимос, ўртоқ капитан, акт-пакт тузманг.

Рихсиев. Фамилиянгиз? Паспортигизни кўрсатинг! (паспорт беришади).

Рихсиев (протокол тузади). Раҳмонберди Рустамович Илёсов 1942 йил туғилган. Бу хонадонга нима мақсадда келдингиз?

Раҳмонберди. Меҳмонмиз.

Рихсиев. Кўриб турибман меҳмонлигингизни. Нечта болангиз бор?

Раҳмонберди. Еттита!

Рихсиев. Уялмадингизми? Сизнингчи меҳмон, фамилиянгиз, исмилингиз?

Дўстмурод. Элмуродов Дўстмурод, 1928 йилда туғилганман. Бош чўпонман, колхозда.

Рихсиев. Пулларингиз кўпайиб қолибди-да (шу пайт хонага хиргойи қилиб яхши кайфиятда Карим кириб келади).

Карим (ҳайрон). Салом, келинлар!

Рихсиев. Сиз Карим Соатов бўласизми?

Карим. Қаердан биласиз фамилиямни?

Рихсиев. Биламиз. Қилиб юрган ҳамма ишингизни биламиз. Катта акангиз қўлга тушди-лар! Узингизни қўлга олиш ҳақида ҳужжат мана, ўқиб кўринг!

Карим. Оқсоч-а!

Рихсиев. Ҳа, оқсоч, меҳмонхонада! Ўртоқ Аҳмедов, хонани текширинг (текшира бошлайди). Қизлар, ҳужжатларингизни беринглар.

Людмила. Қанақа ҳужжат?

Рихсиев. Паспортда.

Людмила. Вой ўлай, паспортимни ЖЭК олувди.

Рихсиев. Сизникичи?

Ойгул. Меникиям йўқ. (Шу пайт латтага ўралган нарса кўтарган Аҳмедов хонадан чиқади).

Аҳмедов. Мана бунинг ичида шприц ва наркотик медикаментлар бор экан.

Рихсиев. Суратини олдингизми?

Аҳмедов. Худди шундай. **Рихсиев.** Қани, олдимга тушинглар! (секин-аста чиқиб кетишади. ВИА замонавий куй чалади. Куй қўшиққа уланади. Саҳна бўм-бўш, қўшиқ пасайганда эшик тақиллайди).

Лобарнинг овози. Ҳой, эшикни очсаларингчи.

Киши. Ҳеч ким йўқдур?

Лобар овози. Ҳозир очаман. Калитим бор эди. Ҳа, мана, топдим. Марҳамат, кириңг.

Киши. Яхшиям ҳеч ким йўқ экан.

Лобар. Бўлганда нима, тўрт хонали уй. Шундай қилиб, ферма мудириман, денг! Маишат қилгани келибсизда! Унда, нима қилдик?

Киши. Жуда гўзал экансиз. Юз сўм етадими?

Лобар (ўрнидан туриб, олди томонга келади. ВИА мунгли куй чалади, қўшиққа уланади). Йўқ, йўқ! Нима қилипман ўзи. Тўхта, тўхта. Кумар бошланса ким пул беради менга. Уйда ҳам ҳеч вақо қолгани йўқ. Онанинг пенсияси ўзига зўрға етади. Нима бўлса, бўлди. Майли! Йўқ, йўқ... Маратчи? Марат севгилим, азизим, у мен билан учрашишни кутаяпти (меҳмонга) Пулинг бошингдан қолсин. Узинг ҳам тезда йўқол (югуриб хонага кириб кетади).

Киши (ҳайрон). Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Узи бошлаб келиб ўзи... Ғирт псих экан-ку. Энди бу харажатни нима қиламан. Таксигаям чув тушдим... Бирон одам

келмасидан, қуён бўлиш керак (чиқиб кетади, чироқ секин-аста ўчади).

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

(Лобар уйига сочлари тўзгиган, ранглари оқарган, зўрға оёқларида турган ҳолда қалтираб кириб келади).

Лобар. Ойи!.. Уламан, кумар... кумар бошланаяпти. Укол, битта ампула укол топинг, бўғилиб кетаяпман. Сиқилиб кетаяпман. Ҳаво етишмаяпти (устки кийимини ечиб ташлайди) Ойи! Қаердасиз ойи! (Санобар коляскада чиқиб келади).

Санобар. Лобар! Вой, мен ўлай. Қизим, сенга нима бўлди. Нега рангларинг оқариб кетди (Лобар ўзини диванга ташлаб, у ёқ бу ёққа тўлғанади).

Лобар. Ойи, укол. Укол керак (нафаси сиқа бошлайди). Кумар бошланди. Агар беш минутда укол олмасам... ўламан...

Санобар (телефонга бориб, унинг қулогини бурайди. Ойна томонга бориб, ташқарига бақиради). Алло, ким, дежурний, қизим. Илтимос. Ҳурриятхон докторни чақириб бер. Ё бориб айта-қол. Лобар опам ўлаяптилар, тез кириңг экан дегин. Кумар бўлибди дегин. (Трубкани жойига қўяди. Қизи ёнига келиб) Кумаринг нимаси болам, тушунмаяпман, ўзбекчалаб гапир (чойнақдан пиёлага чой қўйиб ичирмоқчи бўлади). Ма ич, совуқ чой. Вой, мен ўлай. Ичмаяпти-ку. (Лобар



Рассом Т. Саъдуллаев



МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ЎТ ОЧГАН АСАР

Аҳмад АЛИЕВ

«Ҳинд ихтилолчилари» асари Фитратнинг ижодий фаолияти айна воёга етган даврда ёзилган бўлиб, Германия пойтахти Берлинда 1923 йили ўзбек тилида босилиб чиқди. Асар тили ширали, воқеалар қизиқарли баён этилган, унда даврнинг муҳим муаммоларидан бири қаламга олинган.

Фитрат 1919 йилдан то 1935 йилларгача бир қатор шеърлар, илмий асарлар, адабий-танқидий мақолалар билан бирга ўнлаб сахна асарлари яратди. Булар кўпроқ тарихий мавзуга бағишланган эди. Зотан айна замонда пролеткультчилар тарихдан, ўтмишдаги маданий меросдан бутунлай воз кечиб учун қизғин кураш олиб бораётган бир даврда Фитрат етук зиёли сифатида бу ҳаракатлар таъсирини берилмади, тарихий ўтмиш ва унинг замонавий аҳамиятини чуқур очишга бағишланган асарлар ёзишни давом эттирди. Бу ҳол унинг, Пушкин ибораси билан

айтганда, «ҳақиқий билимдонлигини кўрсатадиган ягона фазилат» эди. «Қиёмат», «Абулфайзхон», «Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Бедил», «Форс шоири Умар Хайём», «Абомуслим», «Темур сағанаси», «Рўзалар», «Арслон», «Амир Олимхоннинг ҳаёти» каби турли жанрда ёзилган бадиий ва илмий асарларининг деярли ҳаммасида ёзувчи ўзи яшаб турган замонавий муаммоларни ҳал этишда тарихий ўтмишдан фойдаланишнинг яхши намунасини кўрсатди.

Шу нуқтаи назардан биз 20—30-йиллар адабий ҳаётида анча мунозараларга сабаб бўлган сахна асарларидан бири — «Ҳинд ихтилолчилари» (беш пардали фожиа) ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз. «Ҳинд ихтилолчилари» да, аynиқса «Абулфайзхон» да Шекспир, Шиллернинг «Қароқчилар» драматик асарлари ва Бедил фал-


сафий таълимотлари таъсири яққол сезилади. Империалистик давлатлар босқинчилик сиёсатининг тарихан ҳалокати муқаррар, чунки бу сиёсат қанчалик қудратли бўлмасин, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати олдида ожиздир, деган фалсафа «Ҳинд ихтилолчилари»нинг бош ғоясини ташкил этади.

Асарнинг марказий ижобий қаҳрамони — ўз ватанини империалистик босқинчилардан тозалаш учун курашга бутун ҳаётини бағишлаган, Францияда ўқиб даврнинг етук зиёлиси даражасига кўтарилган Раҳимбахши, худди шу маслак билан яшаётган унинг севгилиси Дилнавоз, қаландар қиёфасидаги донишманд Лолаҳардиёл, уларнинг ҳамфикрлари — Абдусуббуҳ, Файзиаҳмад, Бадринат ва бир неча ишчи-деҳқон — Ҳинд инқилобчилари образлари фаолияти тасвирида ёзувчи дунёқараши тўла-тўқис намоён бўлади.

«Ҳинд ихтилолчилари»ни асли йирик фалсафий драма дейиш мумкин. Зотан бу асарда инсон эрки, бахти учун курашни ҳаммадан юқори қўйиб, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, бунинг учун миллий, диний тафовутлардан қатъий назар, халқлар дўстлигини таъминлаш, илм-фанни ривожлантириш, эркин муҳаббат, ўз ватани, халқига садоқат, эл-юрт манфаатини муқаддас деб билиш — бахт йўлининг туб манбаи экани нозик ҳис-туйғулар билан қўшиб тасвирланади. Бу ғоялар Фитратнинг чинакам инсонпарварлиги, халқпарварлигидан келиб чиқар эди.

Фитрат даврнинг илғор ва етук зиёлиси сифатида воқеликни ҳамшиша жаҳон миқёсида идрок этишга интилган. Зотан, ер юзининг қайси чеккасида яшайдан қатъий назар, бирор киши дунё воқеаларидан, инсоният тақдиридан узилган ҳолда яшаши мумкин эмас, деган ғояни қатор асарларида муттасил уқтириб борган. «Ҳинд ихтилолчилари» да бу ғоя янада чуқур, етук бадиий шаклда ифодланади.

Ҳиндистонда бир неча аср давом этган инглиз мустамлакачилик сиёсати мамлакат аҳолисининг тоқатини адо қилди. Халқ мазкур босқинчилик сиёсатига қарши курашга отланди. Мустамлакачилик зулми кучайган сари Ҳиндистонда халқ озодлик ҳаракати ҳам кучая боради. Ҳиндистонда ҳинд, мусулмон ва бошқа диний маслақдаги хилма-хил гуруҳлар, қабилалар мавжуд бўлиб, қадим-қадим замонлардан буён улар ўртасида зиддиятлар давом этиб келарди. Аммо инглиз мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда улар бирлашиб, миллий-озодлик ҳаракати кучаяди ва мустамлакачилар устидан ғалаба қозонади. Бу курашга халқ орасидан чиққан Раҳимбахши, донишманд Лолаҳардиёл, Абдусуббуҳ, Файзиаҳмад, Бадринат, Орномсингих, Фазлиллоҳ, Маҳмудхон, Динанат каби турли табақа вакиллари раҳбарлик қилдилар. Озодлик ҳаракатида хотин-қизларнинг фаол иштироки бир неча аёл-



Фитрат ва Элбек



Андижон шаҳрида янги ишга тушган болалар касалхонаси.

Р. АШУРОВ фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)

кулай-да бўлмас. Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ ер юзини қора қанотлари остига олгон бир алвастини йўқ этмакдир...»

Раҳимбахши ўз даврининг илғор қаҳрамони, етук зиёлиси сифатида мустамлакачиликка қарши кураш жараёнида халқ ичидан етишиб чиққан буюк шахс даражасига кўтарилган; ўз ватани, унинг кайфияти, аҳвол-руҳияси ҳақида теран фалсафий мулоҳаза юритади. Халқ етакчиси даражасига эришувида унга ўқиб орттирган европача маълумот, отасининг жанговар ҳаёт йўли, буюк донишманд Лолаҳардиёл ақидалари катта таъсир кўрсатади.

«Севишмак уят эмас, — дейди Лолаҳардиёл. — Юрак юрак экан, севмак, севишмак истар. Севгисиз қолган юрак сувсиз қолган балиқ кабидир. Унинг ҳар бир тебраниши бир жон чекишдир. Ер юзини тўлдирган бўш жанжаллардан, алдам негизига қурилган келишмаклардан, ғаразга қотишган бирликлардан, ҳасад уруқли мақташлардан йироқлашибсиз. Табиатнинг тин, тип-тиниқ кўринишлари орасида турибсиз...» деб ҳавас билан мурожаат қилади қиз билан йигитга. Мана шу вазият (икки севишганининг учрашуви пайти — А. А.) инсонни энг беғараз, қалбдан чиққан энг самимий сўзларни айтишга олиб келадиган чоғлардир. Шунинг учун ҳам бу вазият инсон ҳаётида энг бахтли онлар сифатида баҳоланади. «Бу оз бир саодат эмас. Қутлуг бўлсун сизга», деб табриклайди ёшларни қаландар. Аммо у, мазкур саодатни ҳимоя қилиш учун курашилмаса, узоққа бормаиди, деган фикрга алоҳида урғу беради. Бир элда яшаб, унинг тақдирдан ташқарида туриш, яъни бахтсиз элда тахтли яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақидаги Лолаҳардиёл мулоҳазалари ай-

ниқса эътиборлидир: «Инглиз мустамлакачилари дастидан... Бу кун ўлкада қўйдан ортиқ одам кесиладир. Омонлиқ, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдир. Маҳитда намоз учун йиғилганлар сиёсий йиғин ёсогон бўлиб тўпга боғланалар. Эр билан хотин ўз аро кўбрак гапурганда ҳукуматга қарши план чизган бўлиб дорға осиладир. Букун устидангина шу ўлкага қараганда йиқилгон шаҳарлар, ёндирилгон қишлоқлар, толонгон уйлар, кесилган бошлар, осилгон гавдалар, тўкилган қонлардан бошқа бир нарса кўрмайсиз...» (Тилнинг мусиқийлигига эътибор қилинг).




Лолаҳардиёл аҳволни, бундан ҳам кўра даҳшатлироқ манзараларни шу қадар чуқур ва таъсирчан изоҳлайдики, бу ҳолат ёшларнинггина эмас, бутун Ҳиндистон халқининг иззат-нафси, ориятига қаттиқ тегади, нафратини кўзғатади. Аҳвол билан яқиндан «танишмоқ учун ичкарироқ кирганда, қочирилган қизлар, пардасизланган хотинлар, бир-бирининг этини еган очлар, хўрлиқ кўрган буюклар, сўкиш эшитган бошлиқларнинг қонли ёшлари, мунгли бошлари, тутунли оҳлари, ўтли инграшлари олдимиздан ёсов тортиб ўтадир. Шу қип-қизил гуллар юрти-мизнинг қон йиғлоғон кўзларидир. Сиздан «иш» кутади. Шу ям-яшил ёғочлар — улусимизнинг ўлими учун тикилган мотам белгиларидир, сиздан кўмак тилайдир. Шу кичкина булбул ҳам жон чекишган кимсаларимизнинг марсиясини айтадир. Сизнинг қонларингни қайнатмоқчи... Шулар орасида тинч турмоқ соғона бошинда чоғир (ичкилик) ичмакка ўхшайдир. Шуларнинг кўмагига эришмак учун ишга киришингиз, тебранингиз».

20-йиллардек мураккаб бир шароитда — революция ғалабаларини сақлаб қолиш учун

ҳаёт-мамот кураши давом этаётган бир даврда меҳнаткаш халқ вакилларининг мустамлакачилик сиёсатга қарши жанговар кайфиятларини саҳнада жонлантириш қанчалар тарбиявий аҳамият касб этганлиги аён.

«Ҳинд ихтилолчилари» асари билан Фитрат фақат драматург эмас, йирик шоир, олим, файласуф эканини ҳам кўрсатди. Образларнинг оддий сўзлари кўпинча шеърӣ оҳангда бўлиб, насрда назмдек жаранглаб туради, улардан ҳамиша юракларни жижиллатадиган чуқур бир фалсафий мантиқ келиб чиқади.

Хуллас, Октябрь инқилобидан сўнг дастлабки йиллардаёқ ўзбек совет адабиётида деярли барча жанрларда кейинги тараққиётни таъмин этадиган етук реалистик замин яратилди. Кейинги авлодларнинг ижодий камолотини бусиз тасаввур этиш мумкин эмас эди. Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари», «Абулфайзхон», «Арслон» каби етук саҳна асарлари ўзбек совет адабиёти ривожига кенг кўламда таъсир кўрсатди. Бу ва бошқа асарларида Фитрат шахс тақдири ватан тақдири билан, ҳатто жаҳон тақдири билан занжирдай боғлиқ эканлигини бадий ифодалаб берди. Воқеликни жаҳон миқёсида идрок этиш мана шундай бўлади. Зотан бу ҳар қайси давр адабиётининг бош масаласи эди. «Ҳинд ихтилолчилари»да Раҳимбахши билан Дилнавоз, Лолаҳардиёлнинг учрашувидан бошланган кичик бир воқеа катта социал, фалсафий умумлашма даражасига кўтарилади. Шунинг учун ҳам адабиётимиз ривожига анъана ҳақида гап кетганда аждодларимизнинг бадий тажрибалари ва унинг бугунги кундаги аҳамиятига тўғри баҳо бериш муҳимдир. Адабиётимиз заминдаги мазкур жараённи кўрмай туриб ҳозирги адабий жараён тарихини тўғри тушуниб бўлмайди.



ҲАЙВОНОТ БОҒИ — ИЖАРАГА

Қайта қуриш тадбирларидан Тошкент ҳайвонот боғи ҳам четда қолгани йўқ. Шу йил биринчи январдан бошлаб унинг фаолиятида узига хос «йилнома» бошланди. Бу коллектив мамлакатимизда биринчи бўлиб ижара пудратига ўтди. Ишни ташкил этишнинг бу янги усули иқтисодий жиҳатдан зиён кўриб, муттасил равишда давлатдан молиявий ёрдам олиб келаётган ҳайвонот боғига ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятини беради, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширади. Яхши, серунум ишлаган ходимлар бошқалардан кўра яхши ҳақ оладилар.

Ҳайвонот боғидаги турли жониворлар, чиройли қуш-паррандалар, баҳайбат йиртқич ҳайвонлар — ҳаммаси кишиларнинг, айниқса, болаларнинг эътиборини кўпроқ тортмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерга келувчи томошабинлар сони ортиб бораётир.


Ҳайвонот боғининг ўзига хос «дурдонаси» бўлган тождор турналар болалар учун жуда қизиқарли.

Саркарда лақабли йўлбарс.

Тождор ғозлар (фламинго)нинг антиқалигини айтмайсизми!

Ола патли ёввойи ғозлар.

А. Горокрик
(ЎзТАҒ фотохроникаси)



ШУКУР СОДИҚОВ

ҚУРИҚ

Очилмаган қўриқдир юрак,
Ўзлаштирмоқ умрлик бурчим.
Ўзбекка хос шижоат билан,
Етармикин бу ишга кучим?!

Мана сенга бепоён кенглик,
Юртим, қир-у ййловларинг тор.
Ер қолмади деганлар кўрсин,
Ҳали ЮРАК деган қўриқ бор!

Шул қўриққа қадалса чигит,
Хатто кишда бергуси ҳосил.
(Юрак, ўзинг мени кечиргил),
Юртга пахта керак муттасил.

«— Пахта керак!..»
(Кўксимга боқдим)
Ҳаёгимга ҳоким шу ўғит.
Юрагимнинг ўрнида шунда,
Пайдо бўлди баҳайбат чигит.

МЕНГА ЭРТАК,
БОБОМГА
ҲАҚИҚАТ
БЎЛГАН ВОҚЕА

Ташқарида бўрон увиллар,
Очлик зуғум қилар янада.
Тўрт фарзанддан айрилди Аёл,
Эри билмас... қамоқхонада.

Ташқарида бўрон увиллар,
Сўнги фарзанд қолди Аёлда.
Бола ҳолсиз шивирлар «нон» деб,
Ўлим пайдо бўлар хаёлда...

Ташқарида бўрон увиллар,
Алам, нафрат тўлар борлиққа.
Эрдан қолган милтиқни олиб,
Аёл чиқар йўлтўсарликка.

Ташқарида бўрон увиллар,
Нон топилса бола ўлмайди.
Бир қора кўринар — қўлида
туғун.
Қандай отди... аёл билмайди.

Ташқарида бўрон увиллар,
Тугунчада чикди битта нон...
Кетатуриб ўлган одамга,
Аёл қараб, тўхтади ҳайрон.

Ташқарида бўрон увиллар,
Тун сақлади қотил сирини.
Аёл отиб қўйганди билмай,
Нон кўтариб қайтган эрини!..

ҒИЙБАТДАН ХОЛИ ШЕЪР

Менинг қандайлигим, қандаймаслигим,
Сени ўйлантирар, бу кўп оғир иш.
Мен эса сўрайман сендан кечирим,
Уйғотмасанг ҳамки менда қизиқиш.

Шахмат донасидек пиёда, отда,
Умрим кечаётир, сен бўлма тараф.
Битта халқ фарзанди бўлиб ҳаётда,
Сени ғашлантирмоқ менга не шараф?

Юлдуз бўлармидинг, кўтармаса ер,
Менинг аҳволимни забун кўрганда.
Яхшиси, қўлингни қўлларимга бер,
Она халқ ненидир кутиб турганда.

ШОИР АМИРҚУЛ
ХОТИРАСИГА

Интизор кўнглингга интизор,
Жамоли сарғайиб куз келар.
Кенг жаҳонинг айлаганча тор,
Бўғзингга каттакон Сўз келар:

«Баҳорим йўқ менинг, ёзим йўқ менинг,
Қаршингга куз бўлиб келаман.
Севгилим, мен сўзга айланган куним,
Халқимнинг бўғзида ўламан!»

Бўғзингга каттакон Сўз сенинг,
Бўғзимда каттакон Сўз менинг.
Шу сўзга топиниб, шу Сўзга сиғин,
Мени истаб йиғлаган тунинг.

Бу сўзнинг юкини шеър кўтаролмас,
Ер шўрланар, ер кўтаролмас.
Бу сўздаги дарднинг мингдан бирини
Алпомишдай минглаб эр кўтаролмас.

Абдулла Қаҳҳордай собит турсам-да,
Умрим унинг куйи, озиғи қоним.
Еасам қалам ожиз, айтсам дostonим,
Бўғзимда қолган Сўз — Ўзбекистоним!

* * *

Сендан хавотирлар келар қоғозда,
Мендан жимлик борар бошини эгиб.
Йиғлаб шивирлайсан ички овозда,
«Асло бу жимликка бўлмайди тегиб...»

Агар борар бўлсам эшигинг очиб,
Шодликдан титрайди вужудинг, уйинг.
Вақт етар, кетарман бу бахтдан қочиб,
Эшикда мунғайиб қолади бўйинг.

Ва яна жимликда кечар умримиз,
Бир кунми, ўн кунми... бу ёғи сирли.
Шу жимлик сақлайди бизнинг сиримиз,
Шу жимлик туфайли қалбимиз нурли.

Жимликда сўзлашиб, жимликда куйлаб,
Кўзда изҳор этиб тилагимизни.
Аламдан қичқариб юбормасин деб,
Жимликка ўрадик юрагимизни.

АҚЛЛИЛИК БАЛОСИ

Бу одамнинг қорни бошида,
Боши билан ейди, ичади.
Хаёллари эса қорнида.
Қайта ишланади, кўчади...

Боши оғримайди бу зотнинг,
Ҳар замонда оғрийди қорни.
Тиббиёт қасамни бузмай
Даволайди ватанпарварни.

Ҳар замонда сайраб қўяди:
Мана биз бажардик плани.
Табийй ноқулайликка қарамай,
Қоринга жойладик Ватанни!

* * *

Сергей дўстим, Московда бизни,
Таништирди жоним Мария.
Туравердим узмасдан кўзни,
Қўндирганча дўппини қия.

«Қай ниятда келдинг Московга,
Бозордами қовун-тарвузинг?
Айтай, Москов зормас куёвга,
Осиёда сенинг юлдузинг».

...Марияга дардимни айтдим,
Унут деди, кўнглимни хушлаб.
Сўнгра кетди, кўзида ёш... жим,
Савдогарнинг қўлидан ушлаб.

Москов ишонмайди кўз ёшга,
Сен бу сирни билмайсан Тошкан!
Ҳаёт — қиздир шоирни севиб,
Савдогарнинг бағрига қочган.



ДАРАХТ

Шохлар бир-бирига гилай боқишиб
Зимдан ғийбат қилди: анови ўғри.
Дарахт ўсаверди қуёшга қараб,
Ва деди: муҳими ўқ илдиз тўғри...

ЧЕХЛАР ЭҲТИРОМИ

Чех халқи жаҳон пролетариатининг доҳийси Владимир Ильич Ленинни чуқур ҳурмат ва алоҳида эҳтиром билан хотирлайди. Биз у ерда бўлганимизда буни янада аниқ ҳис этдик. В. И. Ленин номи билан боғлиқ жойлар миннатдор халқ томонидан кўз қорачиғидай авайлаб сақланаётир.

Доҳийнинг Прагага биринчи марта қадам кўйганига шу йил октябрь ойида 89 йил тўлади. В. И. Ленин бу ерга келиб чех социал-демократлари билан Германияда босилаётган «Искра» газетасини Россияга яширин йўллар билан ўтказишга ёрдамлашиш ҳақида маслаҳатлашади.

Орадан олти ой ўтгач, яъни 1901 йилнинг баҳорида В. И. Ленин яна Прагага келади. Бу сафардан мақсад, аввало, чет элда нашр қилинаётган газета ва адабиётларни Россияга ўтказиш пунктининг иши билан танишиш ва бу ишни тезлаштириш ҳамда Надежда Константиновна Крупскаяга чет эл паспорти тўғрида бериш эди. Ильич босмаҳона ишчиси Франтишек Модрачек билан танишади.

Учинчи марта келганида Владимир Ильич Прагада анча узоқ яшади. Бу даврда РСДРПнинг VI Бутун Россия конференциясига тайёргарлик кўрилатган эди. В. И. Ленин шаҳарга келишдан анча олдин 1911 йилнинг ноябрь ойида чех социал-демократик партиясининг раиси А. Немецга хат ёзиб, Прагада яширин партия конференциясини ўтказишга ёрдамлашишни сўраган эди. Доҳийнинг чех ўртоқлари бу илтимосни жон-дилдан қабул қилишди. Конференцияга амалий тайёргарлик кўриш ишларини олиб бориш ва ўтказишга бевосита ёрдам кўрсатиш партия аъзоси Ибоим Гавленга топширилди...

Прага шаҳрида Гибернек номли кўча бор. Кўча бўйлаб бораверсангиз, эски усулда қурилган қадимий бинога кўзингиз тушади. Бу кўркам бинода чех социал-демократик партиясига қарашли халқ уйининг кичкинагина хонасида

1912 йилнинг 5 январида РСДРПнинг VI Бутун Россия конференцияси очилади.

Доҳиймиз В. И. Ленин ўн икки кун давомида шу бинода ишлайди.

Конференцияда Россиянинг йигирмадан ортиқ (Петербург, Москва, Қозон, Саратов ва бошқа шаҳарлар) маҳаллий партия ташкилотларининг вакиллари қатнашадилар.

Ильич конференция яқунлари тўғрисида 1912 йилда А. М. Горькийга ёзган хатида шундай деган эди: «Ликвидатор аблаҳларга қарамай, ниҳоят, партия ва унинг Марказий Комитетини тиклашга муваффақ бўлинди. Бунга биз билан бирга Сиз ҳам шодланарсиз деб умид қиламан».

Конференция ўтган ана шу бинода В. И. Ленин музейи ташкил этилган. Музейда 26 та зал бор. Бу залларга 20 мингдан ортиқ ҳар хил ҳужжатлар, фотосуратлар қўйилган. Ильичнинг ҳаётий фаолияти, ғояларининг жаҳоншумул тантанаси ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар кишида олам-олам таассурот қолдиради.

Музей 1953 йил январь ойида очилган. Унинг очилиш маросимида Чехословакиянинг биринчи президенти К. Готвальд иштирок этган. «Фахрий меҳмонлар» китобига унинг истаги ҳам битилган: «В. И. Ленин музейи миллионлаб кишиларимиз учун коммунизм мактаби бўлсин».

Биз музейда бўлганимизда конференция ҳақида жамланган хотираларни таржимон, ЧССР ва СССР ёшлари Дўстлик жамиятининг аъзоси Тибо ёрдамида ўқиб, қизиқ бир фактга дуч келдик. Конференция тугагач, В. И. Ленин ва бошқа делегатлар шаҳардаги миллий театрга бориб, «Евгений Онегин» операсининг премьерасини томоша қилишган экан.

Социалистик Чехословакиядаги бу қутлуг даргоҳ Чехословакиянинг миллион-миллион меҳнаткашлари, чет эллик туристларнинг тибаррук зиёратгоҳига айланган.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

ЛАТОФАТ ТОҶДОРИ



Жозибали табассум. Кўрган киши қалбини аллаловчи аллақандай сеҳрга, вужуд-вужудингни нурлантирувчи қандайдир илиқ ёғдуга тўлиқ табассум соҳибаси — мана бу суратдан жилмайиб қараб турган қизни бугунги кунда қарийб бутун дунё танийди, десак муболаға эмас. Кечагина кўпчилик назаридан четда юрган латофат соҳибасининг бирдан тилга тушишига Москвадаги «Космос» меҳмонхонасида ўтказилган «Жозибали маликаси — 89» кўриги сабаб бўлди. Мазкур кўриқда йигирма саккиз қиз ўз латофатларини намойиш этишди ва фақат туркиялик гўзал — 19 яшар Ҳақорар Милтимга энг юксак мукофот насиб этди.

Москвада ўтказилган мана шу халқаро жозибали қизлар кўриги телевидение орқали ҳам кўрсатилди, матбуот саҳифалари орқали ҳам тарғиб қилинди. Дарҳақиқат, қироличалардек чиройли кийинган, худди маликалардек тароватли қизлар томошабинларни гўё эртақлар оламига олиб кирдилар. Уларнинг қушлар сингари енгил ва оҳиста юришлари, ҳузурбахш майин табассумлари бири-бирдан қолишмасди. Уч қисмдан иборат қилиб тузилган кўрикнинг ҳар бир бўлаги алоҳида бир латофат байрамидек таассурот уйғотди, жозибали рақслари ўз сеҳрига олди...

Ниҳоят, тантанали қисм... Беш жозибали соҳибаси. Ҳаяжонли дамлар. Латофат маликасига аталган тож ва тахт... Туркиялик Ҳақорар Милтимга мана шу юксак мукофот лойиқ кўрилди.

Суратда: «Латофат маликаси» тождори — турк гўзали Ҳақорар Милтим.

В. АХЛОМОВ фотоси



ЭНГ УЗУН ЖОНИВОР

Денгиз юлдузининг узунлиги қанчагача етиши мумкин? Катта, деб жавоб қайтаради оддий ўқувчи. Жуда катта, дейди қизиқувчилар қомусни титкиларкан, денгиз юлдузларининг айланаси икки метр, пайпаслагичларининг узунлиги эса 30 метргача бўлиши мумкинлигини ўқиб.

Аниқ мисоллар келтирармиз. 1865 йили Атлантиканинг шимоли-жанубий қисмида тутилган денгиз юлдузининг айланаси 23 метр, пайпаслагичлари эса 36,6 метр бўлган. Шундай қилиб,

бу денгиз юлдузининг умумий узунлиги 75 метрни ташкил этар экан. Бу ҳол денгиз юлдузлари — сайёрамиздаги энг узун жониворлар эканлигини кўрсатади.


ДАВОСИ — СУВ

Пенсионер В. Акиншин «Камчатка ҳақиқати» газетаси муштарийларига чекишни ташлашнинг ғалати усуллари хусусида ҳикоя қилиб берди. Энг яхши усул — оддий сув эканлигини у ўз тажрибасида синаб билди. Агар сиз жудаям чеккингиз келаётган бўлса, кўпроқ сув ичинг. В. Акиншин ўзининг ёмон одатини 60 ёшга кирганда ташлашга аҳд қилди. Бунга қадар у ашаддий чекувчилigidан нафас олиш йўллари доимий шамоллаш билан касалланганди. Ниҳоят, у сув билан дори-дармон қилишга киришди. Бир ойдан сўнг йўталдан тамоман қутулди ва унда папиросга нисбатан нафрат уйғонди.

Қизиғи шундаки, сувнинг ўрнини спиртли ичимликлар ҳам, пиво ҳам босолмас экан.

ЗУЛУКЛАР ХАВФ ОСТИДА

Бизнинг кунларимизга келиб зулуклар ёрдамида қон олдириш усули гўё эскириб қолгандек туюлади. Ваҳоланки, XX аср охирига келиб зулукларга талаб ҳар қачонгидан кучайди: микрожарроҳлик ишларида ортиқча қонни сўриб ташлаш, қон қотишининг олдини олиш зарурати туғилганда бу қон сўрувчи жониворлардан жаҳон бўйича кенг фойдаланилади. Тиббиётда ишлатиладиган шифобахш зулуклар йўқолиш арафасида турибди. Агар махсус кўпайтирилдиган ҳашоратхоналар бўлмаганда, аллақачонлар фақат зулукларгина эмас, балки жониворларнинг кўпгина турлари умуман йўқолиб кетган бўлур эди.





НОЁБ СУРАТ ТАРИХИ

Адхам ОЛИМОВ,

филология фанлари кандидати

Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги

Қўқоннинг собиқ мулла Бошмон (ҳозирги Ғалчасой)даги шинам хиёбон 20-йиллар бошидаёқ ўзбек совет маданияти намоёндалари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Боту, Элбек, Абдулла Раҳматзода, Шариф Ризо, Саидсултон Сайдалиев, Ашуралӣ Зоҳирийларни ўз атрофига уюштирган Фарғона ўлка халқ маорифи шуъбасининг мудирӣ, ўлка ҳарбий-инқилобий кенгашининг раиси, ажойиб маърифатпарвар ва инқилобчи Маҳмудхон Аҳмадхон ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар мароқланиб суҳбатлашадиған маскан бўлған.

Асли афғонистонлик муҳожир Аҳмадхон Ҳасанов оиласида таваллуд топған Маҳмудхон афғон Аҳмадхон ан ш хонадонда униб-ўсди. Форс, араб, рус, француз ва немис тилларини мустақил ўрганди. Машҳур мударрис Охунжон домланинг мактабида табиб-ҳаким Ибн Ямин ўғли Ҳамза билан танишиб қолди ва улар абадийликка ўртоқ тутинишди. Кейинчалик Маҳмудхон Тошкент ва Бокуда ўқиб келгач Фарғона ўлкасининг барча ижтимоий-сиёсий фаолиятида гоҳ революцион-ҳарбий кенгаши раиси, гоҳ мактаб-маориф ишлари бўйича шуъба мудирӣ ловозимларида ишлаган пайтларида ҳам

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ана шу инқилобий кенгашининг аъзоси ва ўлка халқ маорифи шуъбасининг инспектори сифатида Қўқон шаҳрида ҳамда унинг атрофидаги қишлоқларда мактаблар ташкил қилиш, меҳнаткаш халқ болаларини илм-маърифатга тортиш ишларида ҳар томонлама ёрдамлашиб турди. Шунинг учун ҳам ўлка халқ маорифи шуъбасига 1918—1927 йилларда мудирлик қилиб турған қалдирғоч маорифчи ва жўшқин маърифатпарвар Маҳмудхон Аҳмадхон дўсти Ҳамзани халқ маорифининг равнақи йўлидаги барча тадбирга қорлар, у билан бамаслаҳат иш қилишни маъқул кўрар эди. «Тепаси тўла қора чарос, ҳусайнию дили-қаптар ва даройи тоқлари билан қопланған, кенг саҳни эса анвойи гуллар, райҳону жамбиллардан муаттар ҳовлимиз доимо Ҳамза домла, Абдулла Қодирий, Боту, Чўлпон, Элбек, Абдулла Раҳматзода ва Ашуралӣ Зоҳирий ҳамда Саидсултон Сайдалиев каби республикамизнинг доврўгли маърифатпарвар, шоиру адилларининг тонг-саҳаргача давом этадиган ажойиб суҳбатларидан файзли кечарди», дея хотирлайди Маҳмудхон Аҳмадхоннинг синглиси Розияхон Аҳмадхонова. Қирқ

йиллик самарали педагогик фаолиятдан сўнг ҳозир кексалик гаштини сураётған ая республикамиз халқ маорифи тарихида ўчмас саҳифалар битиб кетған иниларидан мангу ва ёрқин хотира сифатида қолған фотосуратни кўз қорачиғидек асраб келмоқда. Ушбу нодир суратда акс ётирилған кишилар орасида иккинчи қатор-ўртада (ўнгдан тўртинчи) юқорида тўхталиб ўтганимиз Маҳмудхон Аҳмадхон билан танишиб олдик. Хўш, қолған азиз сиймолар кимлар ва бу сурат қачон ва қандай воқеа ёки тадбир муносабати билан олинған экан, деган савол туғилади.

Худди шу жумбоқни аниқлаш мақсадида ушбу сатрлар муаллифи Қўқоннинг бугун ҳаёт барча кекса маорифчилари билан, комсомол ва партия ветеранлари билан суҳбатлашди. Қўқон ўлкани ўрганиш музейи архивидаги республикамизнинг, хусусан Фарғона области халқ маорифининг инқилобдан кейинги дастлабки тараққиётига доир барча ёзма ва фото ҳужжатлар билан танишиб, ушбу суратдаги сиймоларнинг исм-шарифлари ва бошқа маълумотларни аниқлашга ҳаракат қилди. Қўқон тарихининг теран билимдони, асли касби педагог ва бугун шаҳардаги ўлкашунослик

музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Аҳрорхон ака Аъзамовнинг самимий ёрдамлари ва қимматли маслаҳатлари асосида кўздан кечирилған ўнлаб фото ва ёзма тарихий ҳужжатларни ўрганиш натижасида бизни қизиқтирган ва умуман журналхонларимиз учун ҳам гоят қимматли бўлған маълумотларни қисман аниқлашга муваффақ бўлинди.

Ушбу суратнинг тарихи қуйидагича.

Асримизнинг бошида шаҳарнинг қалдирғоч маърифатпарварларидан бири — суратда ўртадаги қаторда ўнгдан иккинчи Абдуваҳобжон домла Ибодиев ғайрати ва ташаббуси билан ташкил этилған дастлабки янги услуб мактабининг ибтидоси — «Мактабихия» негизида кейинчалик, яъни 1914 йилга келиб, «Урфон» мактаби очилди ва унда Ҳамза, Маҳмудхон Аҳмадхон, Муҳаммаджон Холиқий, Носир махсим Муҳаммадиев ва бошқалар очған янги услуб мактабларидагига қараганда ўқитиш-тарбия ишлари анча яхши бўлди. 1919 йили округ халқ маорифи шуъбасининг қарорига мувофиқ «Урфон» мактаби биринчи намуна ўзбек



мактабига айлантирилди ва унга Абдуваҳоб домла Ибодиев мудир ва етакчи ўқитувчи қилиб тайинланди. Бу ўзбек совет халқ маорифи тарихида катта маданий воқеа бўлибгина қолмай, айни вақтда янги социалистик маданият барпо этилган — Улуғ Октябрь социалистик инқилоби туфайли ўзбек совет мактабининг қалдирғочи ўзининг биринчи ва мустақкам одимини қўя бошлаган кун сифатида ҳам ғоят унутилмас дақиқалар эди. Ана шу қалдирғоч 1-намуна ўзбек мактабида бутун Фарғона ўлка партия, совет, халқ маорифи идораларининг кўзга кўринган намояндалари тўпланишганди. Улар орасида эндигина Фарғона шаҳридан Қўқонга кўчириб келтирилган биринчи ўзбек ўрта педагогика билим юрти — дорилмуаллимнинг директори ва муаллими Тошмуҳаммад ҚориНиёзий (суратда — ўрта қаторда чапдан тўртинчи), шаҳарда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ташаббуси билан Галабаққоллик маҳалласида ташкил этилган болалар уйи дорилайтмом директори Қосим Бобоев ва Фарғона ўлка партия комитетининг хотин-қизлар ва тарғибот бўлими мудир Тожиҳон Шодиева (суратда — ўрта қаторда чапдан 3-), ана шу 4-намуна ўзбек мактабининг мудир ва ўқитувчиси, 1936 йилда республика ижтимоий Шўролар жумҳурияти марказий ижроия комитетининг қарори билан Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Абдуваҳоб домла Ибодиев (суратда — ўрта қаторда, ўнгдан иккинчи), шу мактаб қизлар синфкоми Сайдинисо Шокирова (биринчи қаторда — паранжи ёпинган қолда), уездшаҳар халқ маорифи шуъбасининг мудир Рашид Девешев (учинчи қаторда ўнгдан иккинчи), ўлка халқ маорифи шуъбасининг ходими, дорилайтмом (болалар уйи)нинг тарбиячиси ва ўқитувчиси, шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (учинчи қаторда — ўнгдан тўртинчи, беқасам тўнли ва сувсар телпакда) бор эдилар. Ҳозир ана шу қалдирғоч ўзбек намуна мактаби биниси шаҳарнинг Октябрь кўчасида жойлашган бўлиб, у 4-мактабинтернат ҳисобланади ва унда асосан ота-онасиз қолган 200дан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Мазкур фотолаҳза ўзбек халқининг оташин фарзанди Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг кўп қиррали ёрқин ҳаёт йўли ва жўшқин инқилобий ҳамда маърифатпарварлик фаолиятининг яна бир ёрқин саҳифаси сифатида маданиятимиз тарихи учун ҳам, ҳамзашунослигимиз учун ҳам илмий-тарихий материал сифатида қимматлидир.





ҲАЁТ БЕШИГИ

Бу Она Сайёрамизнинг «бутун бўй баравар» асл сиймоси. Сурат ўн минглаб чақирим масофадан олинган. Энг муҳими, биз кўриб турибмиз: Ер ҳақиқатан ҳам юмалоқ. Ноодатий, зирқираган сезги уйғонади: Ер кичик-ку! Ҳа, бу эҳтимол Коинотнинг ҳаёт милтиллаган ёлғиз заррасидир. Сурат олинган масофа ҳаётнинг барча изларини яширган. Унинг рангли нусхасида қитъаларнинг фақат жигарранг ташқи кўринишларигина сезилади, бутуллар тутамлари бўйича биз қаерда ёмғир ва шамол, қаерда сокин ва қуруқ эканлигини фараз қиламиз. Ҳаёлий келгиндилар суратга қараб туриб, мана шу зангорсимон шар — ҳаёт бешиги эканлигини фараз қилишлари мумкинмикан. Баҳр қатламларида китлар ва балиқ галалари сузиб юради. Қуруқлик могоралар, тулкилару каламушлар инлари билан тўлиб-тошган, майда ҳамда йирик йиртқичларнинг излари билан қопланган. Лекин, албатта, бегона кўз биринчи навбатда инсон изи — йўллар, шудгорлар, чумоли уяларидек қишлоғу шаҳарлар, ўрмонлардаги турар-жойлар, уммонлардаги кемаларни кўрган бўлур эди. Узоқдан қарасанг — булар бари пинҳон. Заминдаги ҳаётнинг ранго-ранглиги тўғрисида, унинг ҳозир нозирлиги, тиришқоқлиги, сўнги дамгача чидашга қобиллиги борасида фараз ҳам қилолмайди, тушунмайди ҳам. Яна бир суратга диққат билан назар ташланг. Қирғоқда даҳшатли қоялар, уларни сув бутунлай тарашлаган ва емирган. Йўқ, булар ҳали бариси эмас. Қоя учидеги дарахт! Шамолгай чўққида якка дарахт қандай турар экан? Бироқ дош беради — кўкаради, кўёшни ҳар кун кутиб олиб, кузатиб қўяди. Ҳаёт шунақа. Яшашга интилмоқ керак...

ҒАРОВ КЎПРИК

Осиё мамлакатларидаги тоғлиқ районларда — ғаровдан ясалган осма кўприклар ўзига хос тузилишга эга. Зотан, улар орасида ғоят улканларидан тортиб миттилари ҳам учрайди. Митти осма кўприклар борасида сўзлашнинг қизиғи йўқ. Лекин баҳайбатлари ҳақида гапирса арзийди. Энг узун ғаров кўприк Хитойдаги Мин дарёси қирғоқларини бирибирига боғлайди. Унинг узунлиги 250 метр бўлиб, эни уч метрдир. Кўприк қурилишида ҳеч қандай металл элемент — ҳаттоки бирорта мих йўқ. Дарвоқе, ғаров кўприклар учун бу ҳол — одатийдир.



ОРОЛ ФОНДИНИНГ ЯНГИ ҲИСОБ ДАФТАРЧАСИ

Минг-минглаб студентлар, ишчи-деҳқонлар, хизматчилар, олимлар, ёзувчилар, ҳатто пенсионерлару ўқувчиларгача ўз шахсий жамғармаларидан «Оролга ёрдам» фондига пул ўтказмоқдалар. Корхона, муассаса, хўжалик коллективлари номидан ҳам маблағлар жўнатилапти. Утган йилнинг охирида Москвада «Орол кунлари» ўтказилгандан кейин бу хайрли ишга

бош қўшаётганлар сезиларли кўпайди. Давр шарофати бу. Оролни асраш комитети ёрдам фондининг номери янги бўлганлигини хабар қилади: ҳозир фонд счёти — 001700403 бўлди. Унинг адреси эса қуйидагича: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 89. СССР уй-жой коммунал банкининг Киров район бўлими.



САБРСИЗ БЕМОРЛАР

ИНТЕРМЕДИЯ

Стул устида «Регистратура» ёзувли тахтача... Оқ халатли қиз нималарнидир ёзиб ўтирибди. Энгагини боғлаб олган бемор жағини ушлаб киради.

Бемор (инграб). Вой тишим, жонимни олди-я бу тиш... ёуҳ... олдириб ташламасам ўлиб қоламан. (Стулга ўтиради).

Қиз. Шошилманг, бемор. Аввал касаллик варақангизни топишим керак.

Бемор. Биринчи келишим бу ерга, қизим. Келинг, аввал тишимни суғуртириб чиқай, кейин ёзаверасиз.

Қиз. Иўқ, асло мумкин эмас. (Бир варақ қогозга ёза бошлайди) Исм-фамилиянгиз?

Бемор. Имम्म... Қўчқоров Ғиёс... Илтимос, кириб чиқай...

Қиз. Туғилган йилингиз?

Бемор. Минг тўққиз юз ўттиз... Вой-вой, чидолмапман...

Қиз. Қаерда яшасиз?

Бемор. Учқўрғонда... Вой, тишим!!!

Қиз. Қайси кўча, нечанчи уй, нечанчи квартира?

Бемор. Э, кўчаси қаерда?.. Ушакўлда маҳалласида. Имम्म!!!

Қиз. Қишлоқ амбулаториясида бўлдингизми?

Бемор. Ҳа! Келинг, врачнинг олдига кира-а-айй... Воо-о-ой!

Қиз. Амбулаторияда бўлганингиз ҳақида битта справка олиб келмасангиз бўлмайди.

Бемор. Нимма?! (Уридан туради) Во-о-о-ийй... (Хушидан кетиб, стулга йиқилади. Қиз пинагини ҳам бузмай ёзишда давом этади. Иккинчи бемор кириб келади. У ўнг биқинини ушлаб олган).

Иккинчи бемор. ...Ие? Нега қарамасиз, қизим? Бемор хушидан кетибди-ку?

Қиз. Биринчи кўришим эмас бунақаларни. Бу ерда нечтаси хушидан кетиб, ўзига келади-ю. Ҳаммасига парво қилаверсам, ўзим ҳам бемор бўлиб қоламан. Келинг, хизмат!

Иккинчи бемор. Биқиним оғриб чиқди тунга билан. Кўричак бўлса керак. Ерилиб

кетмаса деб қўрқаман. (Стулга ўтиради.)

Қиз. Фффу! Шунгаям шунча ваҳимами? Ерилса нима бўпти? Врачлар бор-ку! Қарашади ўзлари. Хўш, аввал ҳам даволанганмисиз?

Иккинчи бемор. Ҳа, бундан беш йил аввал сариқ бўлгандим. Келинг, карточкамни қидириб ўтирманг. Унгача чидолмайман. Жарроҳ олдига бошлаб боринг мени! (Инграб, бир томонга қийшайиб, биқинини чангаллайди). Во-о-ойй...

Қиз (жаҳл билан). Нима, врач касаллик тарихингизни пешонангизга ёзадими?! (Ичкаридан врач чиқиб келади).

Врач (қизга). Хўш, беморлар қандай шикоят қилиб келишибди?

Қиз. Бири тиш оғриғи билан келибди, бири кўричак бўлганмиш...

Врач (бепарволик билан). Чегуха, ўзингиз зерикмаяпсизми?

Иккинчи бемор. Дўхтир-жон! Ўзингиз қаранг, илтимос. Кўричагим ёрилиб кетади!..

Врач (соатиға қараб). Ҳмм-мм. Ие, туш вақти бўлибди-ку! Мен тушгача ишламан. Бунинг устига эртага яқшанба. Индинга келинг. Вақтимиз бўлса, операция қилармиз...

Иккинчи бемор. Воо-о-ой-й-й (Хушидан кетиб, стулга йиқилади. Врач таажжуб билан елкасини қисиб қўяди-да, чиқиб кетади).

Қиз. Тўғри гапни тушунмайди бу беморлар. Ахир биз уларнинг соғлиги йўлида туну кун ишлаймизу, шуниям билишмайди. Бизни бежиз саломатлик побонлари дейишмайди-да. Ҳамиша буларнинг хизматидамиз. Қўлимиз кўксимизда, ширин муомала, очик чеҳра билан кутиб оламиз ва дардларига тезроқ шифо топамиз! (Чиқиб кетади).

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ

Тожикистон ССР
Ленинобод области

3-СОНДА БОСИЛГАН КРИПТОГРАММИНИНГ ЖАВОБИ

ОЧҚИЧ СЎЗЛАР:

1. «Уқи». 2. Бехбудий. 3. «Ҳой, ишчилар!» 4. Рустам. 5. «Ҳамза». 6. «Кенгаш». 7. Жамила. 8. Хотима.

Жаҳонирлар қўлидан халқни озод айлаган Ленин,
Бериб миллий ҳуқуқни, халқни саршод айлаган Ленин.
Қилиб йўлбошчилик, йўқсулар чун инқилиб айлаб,
Йиқиб хонларнинг тахтин ҳамда барбод айлаган Ленин.

ҲАМЗА

Рустам РАҲМОНОВ

ТУЗУКРОҚ ТАНИШ

Таниқли адабиётшунос Тўхтасин Жалолов бир сафар Андижонга келганида эски шаҳардаги ҳаммомга тушади. Нонушта қилмаганидан иссиқ ҳаммом уни элитиб қолади.

Ҳаммомчилар ҳушидан кетган бегона одамни ўраб олишиб, сўраб-суриштира бошлайдилар:

— Мулла ака, кимсиз, эшигингиз қаерда?

— Мус... мусофирман, — дейди базўр.

— Бу шаҳарда таниш-билишингиз борми? Хабар қиламиз.

— Б-бор. Ғанижон Абдуллаев — инс... институт ректори.

Ҳаммомчилар бир-бирларига қараб олишди: «Сен танийсанми?» дер эди уларнинг кўзлари. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Чаққонроғи энгашиброқ сўради:

— Яна кимни танийсиз?

— ...Омонуллохон... Валихон — ўқитувчи олим, шоир...

Бу гал ҳам бир-бирларига ҳайронлик билан қараб олишди. Бироқ «Омонуллохон» га ҳам «тиш»лари ўтмади. Ҳалиги чаққон, дангалчиси:


— Муллака, бошқа тузукроқ танишингиз йўқми? — деди ачиноиб.

Тўхтасин ака азоб чекиб турса ҳам мийиғида кулди:

— Бор, оғайнилар, Маҳмуд деган чойхоначи ошнам бор.

— Ие-ие, Абдурайим, қара, бу киши Маҳмуд акамларнинг ошноси экан! Кўтар! Кўтар, сўрига обориб ётқиз! Ҳей, Ашуралли, сен югур, иссиқ чой обке! Сўрига янги тўшак солинглар! Бўл, анча уришиб қолди, бояқиш!

КРОССВОРД



ЭНИГА: 5. Зиркдошларга мансуб ўсимлик. 6. Тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганадиган фан. 10. Бир йиллик бегона ўт. 12. Майда қора ёки қизил мевали ёввойи ўсимлик. 14. Тошкент областидаги хушманзара тоғ масканларидан бири. 17. Баҳор чегачи. 20. Баъзи турлари заҳарли; доривор илдиэполия ўтлар туркуми. 21. Қамишсимон бўғинли, тўқай ўсимлиги. 22. Зарафшон дарёсининг тармоғи. 23. Ўзбекистон жанубидаги тоғ — ўрмон қўриқхоналаридан бири. 28. Минерал, бинокорлик материали. 30. Ўсимлик танасининг устки қисми. 31. Мўйнали, кемирувчи жонивор. 34. Устюрт ва Қорақум оралиғидаги сойлик. 35. Ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб енгил ҳаракати. 37. Пўстлогидан зирвор тайёрланадиган тропик дарахт. 39. Анорзорлари билан машҳур бўлган Сурхондарё областидаги қишлоқ. 40. Урта Осиёдаги бепоян текислик.

БҮЙИГА: 1. Илдизи ер ости сувларини тўплаш хусусиятига эга бўлган игна баргли дарахт. 2. Мевасидан ёғ олинадиган дарахт. 3. Беларусия ССР таркибидаги область. 4. Шудгор ерда экин учун тортилган ариқ. 7. Йирик, йирткич овчи қуш. 8. Наврўз таоми. 9. Шоліпоярларда ўсадиган бегона ўсимлик. 11. Саноат ва табиатда ишлатиладиган табиий чўқинди жинс. 13. Хоразм областидаги қадимий шаҳар. 15. Ургутда жойлашган Ўзбекистоннинг энг қадимий ғорларидан бири. 16. Ноёб ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш учун ажратилган алоҳида жой. 18. Ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган табиий маскан. 19. Дорбозлик қурилмаси. 24. Иш-ҳаракатдан ҳосил бўлган кўрсаткич, хулоса. 25. Ватанимиздаги энг катта чўл. 26. Қозоғистондаги шўр кўл. 27. Денгизнинг қуруқлик ичкарасига кирган қисми. 29. Иттифоқдош республика. 32. Тошкентдаги истироҳат боғларидан бири. 33. Қўй зоти. 36. Ўсимликсиз очик дала. 38. Хўл мева.

Тузувчи: **Ғозилжон ОРИПОВ**



М. Тухтаев
Р. Қираев
1986-87



Музлар эриди... Р. Яруллин фотоси.

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.

Қимиз — юз дардга даво. Р. Нурибоев фотоси.

